

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ**

*Кўлёзма ҳуқуқида*  
**УДК: 330.332.(322)+012.3**

**МАМАЮСУПОВА ДИЛОВАРХОН БЕГМАТОВНА**

**ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИГИ АСОСИДА ТУРИСТИК  
САЛОҲИЯТНИ БОШҚАРИШ  
(Фарғона вилояти мисолида)**

**08.00.13 – Менежмент  
08.00.17 – Туризм ва меҳмонхона фаолияти**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий  
даражасини олиш учун ёзилган  
ДИССЕРТАЦИЯ**

**Илмий раҳбар:** Иқтисодиёт фанлари доктори, профессор  
Эшов Мансур Пўлатович

**Тошкент – 2022 йил**

## МУНДАРИЖА

<b>КИРИШ</b> .....	3
<b>I БОБ. ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК АСОСИДА ТУРИСТИК БИЗНЕСНИ БОШҚАРИШНИНГ НАЗАРИЙ-УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ</b> .....	13
§1.1. Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш назарий-услубий асослари ва объектив зарурати.....	13
§1.2. Давлат-хусусий шериклик туризмда тадбиркорликни барқарор ривожлантириш воситаси сифатида.....	24
§1.3. Давлат-хусусий шериклиги асосида туризм бизнесини бошқаришнинг асосий тамойиллари.....	33
I боб бўйича хулосалар.....	42
<b>II БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ТУРИЗМ СИЁСАТИНИ ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИГИ АСОСИДА ТАРТИБГА СОЛИШ ТИЗИМИНИ БОШҚАРИШ ҲОЛАТИНИНГ ТАҲЛИЛИ</b> .....	45
§2.1. Давлат-хусусий шериклигини ривожлантиришнинг хорижий тажрибалари.....	45
§2.2. Туризм соҳаси ривожланишини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизми.....	57
§2.3. Фарғона вилояти туристик салоҳиятини ривожлантириш истиқболлари	69
§2.4. Туризм фаолиятини ривожланишини бошқаришда ДХШнинг роли ва аҳамиятини баҳолаш.....	83
II боб бўйича хулосалар .....	93
<b>III БОБ. МИНТАҚАДА ДХШ МЕХАНИЗМИ АСОСИДА ТУРИСТИК САЛОҲИЯТНИ ОШИРИШНИ БОШҚАРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ</b> .....	96
§3.1. Туристик кластерни ташкил қилишда ДХШнинг концептуал асослари	96
§3.2. Минтақаларда туризмни ривожлантиришни бошқаришда ДХШ механизмидан фойдаланишнинг концептуал моделини ишлаб чиқиш..	105
§3.3. Фарғона вилояти туристик салоҳиятини ривожлантиришни бошқаришнинг истиқбол кўрсаткичлари.....	120
III боб бўйича хулосалар .....	129
<b>ХУЛОСА</b> .....	131
<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати</b> .....	134
<b>ИЛОВАЛАР</b> .....	155

## КИРИШ

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида иқтисодиётнинг жадал ва барқарор ўсишини таъминлашда туризм соҳасидан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор берилмоқда. Халқаро миқёсдаги рақобат жараёнларининг кескинлашуви, пандемия ва глобал даражадаги беқарорлик соҳада жиддий муаммоларни келтириб чиқармоқда. «2020 йилда халқаро туризм 72 фоизгача пасайиб, 2019 йилдагига қараганда дунё мамлакатларида 900 млн. сайёҳлар кам қабул қилган ёки 935 млрд. АҚШ доллари миқдоридан туризм экспорти даромадлари пасайганини кузатиш мумкин. Бундай пасайиш Осиё-Тинч океани минтақасида 82 фоизни, Яқин Шарқда 73 фоизни ва Африкада 69 фоизни ташкил этган»<sup>1</sup>. Туризм ривожланишини қўллаб-қувватлаш, туристик салоҳиятдан самарали фойдаланиш, соҳадаги муаммоларни ҳал этишда давлат-хусусий шериклиги механизмидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жаҳонда янги туристик хизматларни йўлга қўйиш, туристик салоҳиятни оширишнинг инновацион механизмларини ишлаб чиқиш, туризм инфратузилмасини ривожлантиришда рақамли платформалардан фойдаланиш кўплаб илмий изланишлар олиб борилмоқда. Туризм хизматлари кўрсатишнинг сифат даражасини ошириш, аҳоли ўртасида туризмни тарғиб қилишнинг инновацион усулларини қўллаш, туристик объектларга инвестицияларни рағбатлантириш, ҳудудлара ва тармоқларда туристик салоҳиятни оширишда давлат-хусусий шериклиги (ДХШ) механизмларидан самарали фойдаланиш йўналишларини белгилаш ва туристик кластерлар орқали миллий иқтисодиётда соҳани ривожлантириш устувор тадқиқот йўналишларидан ҳисобланади.

Ўзбекистонда туризм соҳасини ривожлантириш мамлакат миллий рақобатбардошлигини ошириш, иқтисодий салоҳиятни кенгайтириш ҳамда

---

<sup>1</sup> <http://www.finmarket.ru/database/news/5378250>

барқарор ўсиш суръатларини таъминлашнинг истиқболли йўналишларидан бири сифатида қаралмоқда. «Яқин келажакда туризм соҳасини жадал ривожлантириш, туристик хизматларни диверсификация қилиш ва сифатини яхшилаш, туризм инфратузилмасини кенгайтириш орқали туризм соҳасини иқтисодиётнинг етакчи стратегик секторига айлантириш»<sup>2</sup> устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган. Мамлакат минтақаларининг туризм салоҳиятини оширишда замонавий инновацион воситалардан саналган давлат-хусусий шериклиги механизмларидан самарали фойдаланиш, туризмни стратегик секторга айлантириш, ҳудудий туристик кластерни шакллантириш орқали туристик салоҳиятни ошириш ва туризм соҳасини бошқаришни такомиллаштириш, туризмни ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларини ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш долзарб аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2019 йил 5 январдаги ПФ-5611-сон «Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2018 йил 3 февралдаги ПФ-5326-сон «Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида» ги фармонлари, 2019 йил 5 январдаги ПҚ-4095-сон «Туризм тармоғини жадал ривожлантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида», 2018 йил 7 майдаги ПҚ-3698-сон «Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 10 июлдаги 433-сон «Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини тиклаш ва ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий

---

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони//lex.uz

хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» номли устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Туризм фаолиятини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш масалалари хорижлик олимлар Ф.Тейлор, П.Друкер, М.Портер, И.Гордон, М.Уэйтс, Д.Вольф, М.Энрайт ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларида ўз аксини топган<sup>3</sup>.

Ушбу соҳада МДҲ олимларидан Г.Б.Клейнер, А.А.Итыгина, Э.И.Крылов, А.Н.Дырдонова, В.В.Глухов, Л.Ф.Хомутова, М.И.Хайдарзода, П.А.Мухсинова<sup>4</sup> ва бошқалар илмий изланишлар олиб борганлар.

Туризмни ривожлантириш ва туристик салоҳиятни оширишнинг назарий-услубий масалалари В.И.Азар, Е.И.Богданов, В.С.Боголюбов, И.В.Зорин,

---

<sup>3</sup> Тейлор Ф. Принципы научного менеджмента / Пер. с англ. – М.: Контроллинг, 1991. – 104 с.; Друкер П. Посткапиталистическое общество. Новая постиндустриальная волна на Западе / Пер. с англ. – М.: Academia, 1999. – 288 с.; Друкер П. Практика менеджмента / Пер. с англ. – М.: Вильямс, 2007. – 398 с.; Drucker, P. (1977). People and Performance: The Best of Peter Drucker on Management. New York: Harper & Row. 317 p.; Porter, M.E. 1998. Clusters and the new economics of competition. Harvard Business Review 76 (6): 77-90.; Porter M. Competition. Moscow: Publishing House Williams. – 2001. – P. 207.; Gordon, I. and McCann, P. 2000. Industrial clusters: complexes, agglomeration and or social networks? Urban Studies 37 (3): – p. 510.; Waits, M.J. 2000. The added value of the industry cluster approach to economic analysis, strategy development, and service delivery. Economic Development Quarterly 14 (1): 35-50.; Wolfe, D. 2003. Clusters from the inside out: lessons from the Canadian study of cluster development. Paper presented at the DRUID summer conference. Copenhagen, June 12-14, 2003.; Enright M.J. Why Clusters are the Way to Win the Game? // Word Link. 1992. July/August. No 5. P. 24-25.

<sup>4</sup> Клейнер Г.Б. Предприятие в условиях неопределенности: риски, стратегии, безопасность / Г.Б. Клейнер, В.Л. Тамбовцев, Р.М. Качалов. – М.: Экономика, 2007. – 343 с.; Итыгина А.А. Организационно-экономический механизм формирования интегрированных корпоративных образований в текстильной промышленности. Дисс. на соискание ученой степени кандидата экономических наук. – М.: 2014. – С. 25.; Крылов Э.И., Власова В.М., Егорова М.Г., Журавкова И. В. Анализ финансового состояния и инвестиционной привлекательности предприятия: учеб. пособие для вузов. – М.: Финансы и статистика, 2003. – 190 с.; Дырдонова, А.Н. Кластерная стратегия инновационного и экономического развития народнохозяйственного комплекса России/ А.Н.Дырдонова, Н.Ю.Фомин / Инновационные и экономические особенности укрепления государственности России в XXI веке: коллективная монография / Под общей ред. Н.А.Адамова. – М.: ЭКЦ «Профессор», 2016. – 290 с.; Глухов В.В. Математические методы и модели для менеджмента. – СПб.: Лань, 2005. – 528 с.; Хомутова Л.Ф. Теория формирования кластерного подхода в национальной экономике Республики Таджикистан. Автореферат дисс. кандидата экон. наук. – Худжанд, 2012. – С. 25.; Хайдарзода М.И. Формирование и развитие региональных текстильно-швейных кластеров (на материалах Центрального Таджикистана). Автореферат дисс. кандидата экон. наук. – Душанбе, 2018. – С. 26.; Мухсинова П.А. Развитие легкой промышленности региона на основе кластерного подхода (на материалах Согдийской области Республики Таджикистан). Автореферат дисс. кандидата экон. наук. – Душанбе, 2020. – С. 27.

Н.И.Кабушкин, В.А.Квартальнов, А.Д.Чудновский<sup>5</sup> каби хорижлик олимлар илмий ишларида тадқиқ этилган.

Ўзбекистонда туризм соҳасини, жумладан, туризмнинг турли тармоқларини ривожлантириш ва бошқариш жараёнлари С.С.Гулямов, М.Шарифхўжаев, М.К.Пардаев, И.С.Тухлиев, Қ.Х.Абдурахмонов, Н.Қ.Йўлдошев, Н.Т.Тухлиев, Б.Н.Навруз-зода, О.Х.Ҳамидов, З.Дж.Адилова, М.Т.Алиева, Г.Ш.Хонкелдиева, М.Т.Алимова, А.А.Эштаев, Б.Ш.Сафаров, А.Ф.Саидов, А.Н.Норчаев, Ш.Р.Файзиева, З.И.Усманова, З.Т.Абдулхакимов, Б.Олланазаров<sup>6</sup> каби олимларнинг илмий ишларида ўз аксини топган.

Миллий хусусиятларни инобатга олган ҳолда Ўзбекистонда давлат-хусусий шериклигини ривожлантиришнинг илмий-назарий ва методологик

---

<sup>5</sup> Азар В.И. Экономика и организация туризма. М.: Профиздат, 1993.; Е. И. Богданов, Е. С. Богомолова, В. П. Орловская. Экономика отрасли. Туризм: учебник. – М.: ИНФРА – М, 2013. – 318 с.; В.С.Боголюбов, С.А. Быстров, С.А.Боголюбова. Экономическая оценка инвестиций в развитие туризма. Уч. пос. .М.: Академия 2009.; Зорин И.В., Каверина Т.П., Квартальнов В.А. Туризм как вид деятельности // Учебник. М.: ФиС. 2005. – 288с.; Кабушкин Н.И. Менеджмент туризма: учебник / 6-е изд., стер. – Мн.: Новое издание, 2006. – 408 с.; Квартальнов В.А. Туризм: Теория и практика: Избр. труды: В 5 т. – Т.4. Иностраный туризм. – М.: ФиС, 1998. – 312 с.; Биржаков М.Б., Чудновский А.Д. Управление индустрией туризма России в современных условиях: уч.пособие. М.: КНОРУС, 2007. – 416 с.:

<sup>6</sup> Гулямов С.С., Жумаев Н.Х., Рахмонов Д.А., Ташходжаев М.М. Ижтимоий соҳада инвестицияларнинг самарадорлиги. Монография. – Т.: IQTISODIYOT, 2019. – 203 б.; Шарифхўжаев М., Абдуллаев Ё. Менежмент: Дарслик. – Тошкент, «Ўқитувчи», 2001 й. – 75-77-66.; Пардаев М.К., Атабаев Р. Туристтик ресурсларни таҳлил қилиш ва баҳолаш. – Самарқанд: СамИСИ, 2006. – 137 б.; Boltabayev M.P, Tuxliyev I.S. Turizm: nazariya va amaliyot. –Т.: «Fan va texnologiya», 2018, – 400 б.; Абдурахмонов Қ.Х. Менежмент туризма: Учебное пособие. – Т.: Филиал ФГБОУ ВПО «РЭУ им. Г.В. Плеханова» в г. Ташкенте, 2013.; Н.К.Ҳо'лдошев, Г.Е.Захидов. Менежмент: о'қув қо'лланма. – Т.: О'zbekiston milliy faylasuflari jamiyati, 2018. – 392 б.; Тухлиев Н., Абдуллаева Т. Национальные модели развития туризма. – Т.: Гос.науч.изд-во «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», 2006. – 424 с.; Навруз-зода Б.Н., Ибрагимов Н.С., Навруз-зода З.Б., Навруз-зода Ш.Б.Туристтик ҳудуд рақобатбардошлиги. Монография. Бухоро: «Sadriiddin Salim Vuxoriy» Durdona nashriyoti, 2017 - 156 б.; Ҳамидов О.Х. Выбор конкурентной стратегии предприятия на рынке туристических услуг Узбекистана: Дисс...канд. экон. наук. – С.: СамИСИ, 2006. – 155 с.; Adilova Z.D., Aliyeva M.T., Norchayev A.N., Xursandov K.M. Turizm menejmenti: O'quv qo'llanma. – Т.: TDIU, 2011. – 116 б.; Хонкелдиева Г.Ш., Муминова Э.А., Мирзаев А.Т., Асрақулов А.А. Ўзбекистонда хизматлар соҳаси: замонавий ҳолат, муаммолар ва ривожланиш истикболлари: Монография. – Тошкент , «Наврўз», 2020. 162 бет.; Алимова М.Т. Худудий туризм бозорининг ривожланиш хусусиятлари ва тенденциялари (Самарқанд вилояти мисолида): иқтисодиёт фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – С.: СамИСИ, 2017. – 265 б.; А.А.Эштаев. Глобаллашув шароитида туризм индустриясини бошқаришнинг маркетинг стратегияси. (Ўзбекистон Республикаси туризм тармоғи мисолида) Иқтисодиёт фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – С.: СамИСИ, 2019. – 246-б.; Сафаров Б.Ш. Миллий туристик хизматлар бозорини инновацион ривожлантиришнинг методологик-услубий асосларини такомиллаштириш: иқтисодиёт фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – С.: СамИСИ, 2016. – 254 б.; Саидов А.Ф. Организационно-экономические механизмы управления туризмом Республики Узбекистан: Дисс..док. экон. наук – Т., 1994. – 252 с.; Норчаев А.Н. Халқаро туризм ривожланишининг иқтисодий ўсишга таъсири (Испания мисолида): Иқт.фан.номз. дисс. – Т., 2004. – 136 б.; Файзиева Ш. Р. Ўзбекистонда туризм ривожланишининг иқтисодий механизмини такомиллаштириш: и.ф.н. дисс – Т., 2006. – 156 б.; Усманова З.И. Ўзбекистонда туристик-рекреацион хизматларни ривожлантириш хусусиятлари ва тенденциялари: иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – С.: СамИСИ, 2018. – 56 б.; Абдулхакимов З.Т.; Салаев С., Олланазаров Б. Туристтик хизматлар соҳасида инвестицион фаолликни оширишнинг устувор йўналишлари: монография. – Урганч: «Қувончбек-Машҳура» МЧЖ нашриёти, 2020. – 188 б.

асослари ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан Н.Ю.Осупов ва Ф.Карабаев БМТ тараққиёт дастури доирасида ДХШнинг шаклланиши ва ривожланишининг айрим назарий-услубий масалалари ҳамда У.Джуманиязов томонидан олиб борилган изланишларда ДХШ механизмларининг уй-жой қурилиши соҳасини корпоратив бошқаришни такомиллаштиришда қўллаш жиҳатлари тадқиқ қилинган.

Ўзбекистонда иқтисодийни либераллаштириш вазифаларини амалга ошириш шароитида ўта муҳим масалалардан бири - ДХШнинг замонавий иқтисодийдаги ўрни аниқланмаганлиги, минтақавий туризмнинг давлат-хусусий шериклиги асосидаги фаолиятининг иқтисодий механизми назарий ва услубий нуқтаи назардан, унинг шаклланиши ва фаолият юритиш шартлари ва омилларини баҳолаш ҳали етарли даражада ривожланмаганлиги, давлат ва бизнес ўртасидаги ўзаро алоқалар орқали туризм инновацияларини ва инвестицияларини шакллантириш ва амалга ошириш ҳамда уларни иқтисодий қўллаб-қувватлаш орқали минтақавий туризмни ривожлантириш имкониятини белгилайдиган бундай муҳим элемент устида тадқиқотлар олиб борилмаганлиги танланган диссертация мавзусининг долзарблигини намоён этади.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Фарғона политехника институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ИТД-3 рақамли «Ишлаб чиқаришни диверсификациялаш ва модернизациялаш шароитида корхоналарнинг рақобатбардошлигини оширишни тадқиқ этиш, бошқаришнинг самарадор услуб ва технологияларини яратиш ҳамда такомиллаштириш» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ҳудуднинг туристик салоҳиятини оширишда ДХШ механизмидан фойдаланишнинг устувор йўналишларини асослаш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш назарий-услубий асосларини такомиллаштириш ва туризм соҳасида ушбу инновацион механизмни қўллашнинг объектив заруратини асослаш;

ДХШ механизмини туризмда тадбиркорликни барқарор ривожлантириш воситаси сифатида асослаш ва ушбу механизмни ривожлантиришнинг хорижий тажрибаларини қиёсий ўрганган ҳолда Ўзбекистонда қўллаш мумкин бўлган жиҳатларини асослаш;

туризм соҳасининг ривожланишини бошқариш ташкилий-иқтисодий механизмларининг амал қилиш тенденцияларини очиб бериш;

Фарғона вилоятида туризм соҳасининг ривожланиши ва туристик салоҳият ҳамда туризм фаолиятини ривожлантиришда ДХШнинг роли ва аҳамиятини баҳолаш;

ҳудудда туристик салоҳиятни оширишда кластер ёндашувидан самарали фойдаланиш ва ДХШ механизми асосида туристик кластерларни ташкил қилиш йўналишларини асослаш;

ҳудудларда туризмни ривожлантириш ва туристик салоҳиятни оширишда ДХШ механизмидан фойдаланишнинг концептуал моделини ишлаб чиқиш;

Фарғона вилоятида туман ва шаҳарларни туристик салоҳияти бўйича атабақалашган гуруҳларга ажратган ҳолда ДХШ механизми асосида ривожлантириш истиқболли йўналишларини асослаш.

**Тадқиқотнинг объекти** бўлиб Фарғона вилоятидаги туризм соҳаси субъектлари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** ҳудудда туристик салоҳиятни ошириш билан боғлиқ бўлган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация ишида илмий абстракция, тизимли таҳлил, эксперт баҳолаш, синтез, таққослаш, статистик таҳлил, анкета сўровлари ўтказиш ва таҳлил этиш, SWOT-таҳлил, иқтисодий-математик моделлаштириш ва эконометрик таҳлил усулларида фойдаланилган.



### **Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

худудлардаги туристик аҳамиятдаги кичик объектларни аниқлаш, уларнинг туристик жозибadorлигини ошириш ҳамда йўналиши жиҳатидан энг яқин жойлашган йирик туристик манзил ёки обидаларнинг саёҳат-ташрифий дастурига қўшиб бориш орқали худуд туристик салоҳиятини ошириш таклифи асосланган;

туристик хизматларни ташкил этиш ва бошқаришнинг яхлит жараёнини функционал жиҳатдан мустақил босқичларга ажратишга кўра давлат-хусусий шерикликни жорий этишнинг мантиқий ва муддат жиҳатидан изчиллиги асосланган;

туристик салоҳиятни давлат-хусусий шериклиги асосида бошқариш самарadorлигини туризм фаолиятида қўлланилувчи давлат мулки объектларини концессия шартномаси бўйича тижорат тузилмаларига вақтинчалик фойдаланишга бериш орқали таъминлаш асосланган;

Республика ва Фарғона вилояти бўйича санатория-курорт ва бошқа жойлаштириш воситаларининг вақтга боғлиқ тренд моделлари асосида туризмни ривожланишнинг 2025 йилга қадар прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

### **Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

Фарғона вилояти вилояти ижтимоий-иқтисодий ривожланишида туризмнинг ҳозирги ҳолатига баҳо берилган ва соҳада унинг салоҳиятини ошириш-нинг ташкилий-иқтисодий омиллари, ички заҳира ва имкониятлари, шарт-шароитларини баҳолаш асосида худудда туризмни ривожлантириш тенденциялари ва йўналишлари таклиф этилган;

худуд туристик салоҳиятини оширишда ДХШ механизмидан фойдаланиш йўналишлари асослангани ҳолда чет давлатларда самарали қўлланилаётган ва республикамизда қўллаш мумкин бўлган жиҳатлари таклиф қилинган;

Фарғона вилояти туман ва шаҳарлари туристик салоҳияти кўрсаткичлари бўйича табақалашган гуруҳларга ажратилган ва кичик туристик худудларни ташкил қилиш орқали воҳада туристик салоҳиятни ошириш йўналишлари асосланган;

худудда туристик салоҳиятни оширишда кластер ёндашувидан ДХШ механизми орқали самарали фойдаланиш йўллари таклиф этилган;

Фарғона вилояти ҳудудларида туризмни ривожлантириш ва туристик салоҳиятни оширишда ДХШ механизмидан фойдаланишнинг концептуал модели таклиф қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** диссертация ишида қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотларнинг расмий манбалар орқали, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг статистик маълумотлари ва даврий ҳисоботларидан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлигининг ижтимоий сўровномалар, математик-статистика усуллари воситасида асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ҳудудларда туристик салоҳиятни ошириш бўйича ишлаб чиқилган илмий-амалий тавсиялар ҳамда таклифлар хорижий ва миллий туристлар оқимини кўпайтириш, ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишида туризмнинг ролини оширишда, вилоятларда туризмни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ҳудудда туристик салоҳиятни ошириш орқали барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишга эришиш бўйича таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси тасарруфидаги тузилмалар фаолиятида, шунингдек,

2021-2030 йилларда ҳудудларда туризмни ривожлантириш концепциясини амалга ошириш юзасидан чора-тадбирларни ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ҳудудда туристик салоҳиятни ДХШ механизмлари асосида оширишнинг устувор йўналишлари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

худудлардаги туристик аҳамиятдаги кичик объектларни аниқлаш, уларнинг туристик жозибadorлигини ошириш ҳамда йўналиши жиҳатидан энг яқин жойлашган йирик туристик манзил ёки обидаларнинг саёҳат-ташрифий дастурига кўшиб бориш орқали худуд туристик салоҳиятини ошириш таклифи Ўзбекистон Республикаси туризм ва спорт вазирлиги томонидан «Худудларда туристик салоҳиятни ва ундан фойдаланиш самарадорлигини ошириш» дастурини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси туризм ва спорт вазирлигининг 2022 йил 15 февралдаги 03-17-02/1486-сон маълумотномаси). Ушбу таклифни қўллаш асосида худудларда туристик аҳамиятдаги кичик объектларни саёҳат-ташрифий дастурига кўшиб бориш орқали худуд туристик салоҳиятини ошириш имкони яратилган;

туристик хизматларни ташкил этиш ва бошқаришнинг яхлит жараёнини функционал жиҳатдан мустақил босқичларга ажратишга кўра давлат-хусусий шерикликни жорий этишнинг мантиқий ва муддат жиҳатидан изчиллигини ҳисобга олиш таклифи Ўзбекистон Республикаси туризм ва спорт вазирлиги томонидан «Худудларда туристик салоҳиятни ва ундан фойдаланиш самарадорлигини ошириш» дастурини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси туризм ва спорт вазирлигининг 2022 йил 15 февралдаги 03-17-02/1486-сон маълумотномаси). Ушбу таклифни қўллаш асосида туристик хизматларни ташкил этиш ва бошқаришнинг турли босқичларида давлат-хусусий шерикликни жорий этишнинг мантиқий ва муддат жиҳатидан изчиллигини ҳисобга олиш имкони яратилган;

туристик салоҳиятни давлат-хусусий шериклиги асосида бошқариш самарадорлигини туризм фаолиятида қўлланилувчи давлат мулки объектларини концессия шартномаси бўйича тижорат тузилмаларига вақтинчалик фойдаланишга бериш орқали таъминлаш таклифи Ўзбекистон Республикаси туризм ва спорт вазирлиги томонидан «Худудларда туристик салоҳиятни ва ундан фойдаланиш самарадорлигини ошириш» дастурини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси туризм ва спорт вазирлигининг 2022 йил 15 февралдаги 03-17-02/1486-сон маълумотномаси). Ушбу таклифни қўллаш асосида туризм фаолиятида қўлланилувчи давлат

мулки объектларини концессия шартномаси бўйича тижорат тузилмаларига вақтинчалик фойдаланишга бериш имкони яратилган;

Республика ва Фарғона вилояти бўйича санатория-курорт ва бошқа жойлаштириш воситаларининг вақтга боғлиқ тренд моделлари асосида ишлаб чиқилган туризмни ривожлантиришнинг 2025 йилга қадар прогноз кўрсаткичлари Ўзбекистон Республикаси туризм ва спорт вазирлиги томонидан «Худудларда туристик салоҳиятни ва ундан фойдаланиш самарадорлигини ошириш» дастурини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси туризм ва спорт вазирлигининг 2022 йил 15 февралдаги 03-17-02/1486-сон маълумотномаси). Ушбу прогноз кўрсаткичларидан фойдаланиш асосида худудларда туристик соҳани ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ва параметрларини ўзаро мувофиқлаштириш имкони яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 6 та, жумладан, 2 та халқаро, 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 8 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий журналларда 5 та (5 та республика ва 3 та хорижий журналларда) мақола нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, ишнинг умумий ҳажми 145 бетни ташкил этади.

# **I БОБ. ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК АСОСИДА ТУРИСТИК БИЗНЕСНИ БОШҚАРИШНИНГ НАЗАРИЙ-УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ**

## **§1.1. Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш назарий-услубий асослари ва объектив зарурати**

Маълумки, ДХШ механизми нафақат микро, балки мезо ва макро даражаларда мамлакат минтақаларида иқтисодий ўсишни рағбатлантириш, барқарор ва мутаносиб ривожланишни таъминлаш, ижтимоий-иқтисодий инфратузилмани шакллантириш, сақлаш ва ривожлантириш, кўрсатиладиган давлат хизматлари кўлами ва сифати, улардан фойдаланиш даражасини ошириш, чет эл инвестицияларни кенг жалб этишда мавжуд имкониятлардан оптимал фойдаланишнинг муҳим йўналиши сифатида майдонга чиқмоқда<sup>7</sup>.

Минтақада ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда ДХШ алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, ушбу инновацион механизм минтақавий иқтисодий тизимларнинг турли соҳаларида янгиликларни жорий қилиш ва рағбатлантиришнинг муҳим шартидир. Бу эса ўз навбатида ДХШни Ўзбекистон Республикаси минтақаларининг муҳим давлат устуворликларидан бири бўлган ривожланишнинг инновацион йўлига ўтиш стратегиясини амалга оширишда фойдаланиш мумкин бўлган ҳақиқий механизм эканлигини асослайди.

Шуни таъкидлаш керакки, ДХШ давлат тадбиркорлигининг ўзига хос белгиларидан бири бўлиб, у ҳам минтақавий таркибий қисмга эга. Тадбиркорликни ривожлантиришнинг ўзига хос йўналиши бўлган ДХШ хусусиятларига тўхталиб ўтишни жоиз топдик.

Бундай шериклик:

➤ хусусий сектор ресурсларидан фойдаланган ёки ўзлаштирган ҳолда жамоат секторининг эҳтиёжларини қондиради;


---

<sup>7</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Давлат-хусусий шериклик тўғрисида»ги 2019 йил 10 майдаги ЎРҚ-537-сон Қонуни.

➤ хусусий сектор давлат сектори билан биргаликда фаолият юритгани холда давлатнинг кўпгина вазифалари ва ваколатларини қўллаб-қувватлайди;

➤ иккива ундан ортиқ томонларнинг умумий мақсадларга эришиш йўлидаги биргаликдаги ўзаро ҳаракатидан иборат бўлади<sup>8</sup>.

ДХШ механизмининг иштирокчилари сифатида маҳаллий ва давлат ҳокимият органлари, корхоналар ва нотижорат ташкилотлар (*масалан, маҳаллий ҳамжамиятлар, хизмат кўрсатиш клублари, ижтимоий хизмат кўрсатиш ташкилотлари ёки қизиқиш гуруҳлари*) майдонга чиқади. Ушбу шериклик иштирокчилари қатор имкониятларга эга бўлишади (1.1.1-чизма).



**1.1.1-расм. ДХШда иштирок этиш натижасида эга бўлинадиган имкониятлар<sup>9</sup>.**

Илмий адабиётларда ва илмий мақолаларда ДХШнинг қатор моделлари келтириб ўтилади, Хусусан машҳур немис иқтисодчиси К. Шуссманн шерикликнинг қатор моделларига тўхталиб ўтади (1.1.1-жадвал.)

<sup>8</sup> ГерасимоваГ.А.Частно-государственноепартнерство:ожидание прорыва/ПромышленникРоссии. – 2006. – № 1 .– С.1 5-19.

<sup>9</sup> Муаллиф ишланмаси

Давлат-хусусий шериклиги моделлари<sup>10</sup>

№	Модел номи	Моделнинг хусусиятлари
1.	Эксплуатация модели	Хусусий шерик лойиҳани қисман молиялаштиришни ўз зиммасида олади. Объектни бошқариш амалга оширилади. Маҳаллий ҳукумат органлари лойиҳанинг мақсаддини, объектни эксплуатация қилиш қоидаларини белгилаб беради.
2.	Концессия модели	Давлат томонидан айрим хизматларни танлов асосида хусусий компанияларга концессияга бериш (масалан, транспорт линияларига техник хизмат кўрсатиши, коммунал хизматлар). Бундай шартномалар тажрибаси маданият, истироҳат боғларида ҳам кенг қўлланилади.
3.	Лизинг модели (кўчар ва кўчмас мулкни узоқ муддатли ижарага бериш)	Бу модел нафақат ишлаб чиқариш соҳасида, балки ижтимоий мақсадлар соҳа бўлган мактаблар, клублар, кинотеатрлар ва бошқалар, асбоб-ускуналар, қурилиш иншоотларини ижарага бериш учун ҳам фойдаланилади. Бунга мисол қилиб шартномани бекор қилгандан кейин шаҳар томонидан объектни сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлган Мюнхендаги «Гастейг» маданият марказини қуриш ва эксплуатация қилиш учун лизинг битими киради.
4.	Шартномавий модели	Бошқарув вазифаларини, м-н, харажатларни қисқартириш бўйича вазифаларни хусусий шерик томонидан зиммага олиниши. Эвазига мукофотлаш тежалган жамғарма ҳисобига амалга оширилади.
5.	«Қурилиш, бошқарув, узатма» модели	Масалан, «Қурилиш, бошқарув, узатма» модели доирасида Туркиянинг Измир шаҳрида 933 млн доллар ҳажмидаги сув таъминоти амалга оширилади, бу ерда маблағларнинг 70%ини 2 та маҳаллий компания, 15%ини шаҳар, қолган 15%ини эса – япон компаниялари молиялаштирилади. Қайта молиялаштириш амалда фойдаланувчилардан маблағлар тўплаш ҳисобига амалга оширилади. 15 йилдан сўнг объект шаҳарга топширилади
6.	Ер майдонларини ривожлантириш модели	Ушбу модел маълум бир ҳудудларни, шаҳарлар ёки туманларни ҳамкорликда ривожлантириш усули бўлиб, унда шаҳар жойларини ёки тарихий мажаний мерос объектларини қайта тиклаш, сақлаб қолиш учун турли молиялаштириш манбаларини жалб этилади ва бугунги кунда АҚШ, Канада, Янги Зеландия каби мамлакатларнинг кўпгина шаҳарларида амалга оширилмоқда.
7.	Бизнес-инкубаторлар	Технологик маразларни ташкил қилган ҳолда инновацион ғояларни яратувчиси бўлган венчур фирмалар орқали сотиш, яъни тижоратлаштириш босқичига олиб чиқишни таъминлайди.
8.	Қўшма корхоналар	Ўзбекистонда ўтган асрнинг 90-йилларидан кенг тарқала бошлаган қўшма корхоналар.

<sup>10</sup> Экономические стратегии активных городов. – СПб.: Наука, 2002. – 212 с.; Соколова М.В. Туризм на современном этапе: проблемы и перспективы. – М.: Экслибрис-Пресс, 2009. – 47 с.; Аминов И.Р., Габдрахманова Р.А., Специальные режимы и формы государственно-частного партнерства: особая экономическая зона, бизнес инкубатор и технопарк. International Journal of Humanities and Natural Sciences, vol. 9-1 (48), 2020. DOI: 10.24411/2500-1000-2020-10991

Замонавий ДХШ шакллари мураккаброк шартнома битимлари билан фарқланади, фойдаланиш, тасарруф қилиш, бошқариш ва эгалик қилишнинг бошқа муносабатлари турли даражасини акс эттиради.

Бу хорижий амалиётда қуйидаги хилма-хил шериклик шаклларида намоён бўлади:

- лойиҳалаштириш (*Design & Construct, D&C*);
- лизинг асосида фойдаланиш ва сотиш (*Sale & Leaseback, S&L*);
- тезкор бошқариш ва тегишли ҳолатда сақлаш (*Operate & Maintain, O&M*);
- тезкор бошқарув, қўллаб-қувватлаш ва стратегик бошқарув (*Operate, Maintain & Manage, O&M&M*);
- қурилиш, тезкор бошқарув, давлатга топшириш (*Build, Operate, Transfer, VOT*);
- лизинг орқали фойдаланиш, янгилаш, тезкор бошқарув, узатиш (*Lease, Renovate, Operate, Transfer, LROT*);
- лойиҳалаштириш, стратегик бошқарув, молиялаштириш (*Design, Build, Finance, Operate, DBFO*);
- лойиҳалаштириш, қурилиш, молиялаштириш, тезкор бошқарув, стратегик бошқарув (*Design, Build, Finance, Operate, Manage, DBFOM*)<sup>11</sup>.

Юқоридаги келтириб ўтилган ДХШ шакллари, уларнинг самарадорлиги ва ўзига хосликларини тадқиқ қилиш долзарб масалалардан бўлиб, Ўзбекистон ва унинг минтақаларининг алоҳида хусусиятларини инобатга олган ҳолда жойларда ва иқтисодиёт тармоқларида уни фаол қўллаш мумкин.

Бизнинг тадқиқотларимиз кўрсатишича, вилоят туристик салоҳиятини оширишда, ДХШнинг контрактинг моделини қўллаш, яъни туристик хизматларни бевосита мулоқот қилган ҳолда воситачи турагент фирмалар ёки йирик компаниялар, жисмоний шахсларга сотиш мақсадга мувофиқ.

---

<sup>11</sup> Якунин В.И., Партнерство в механизме государственного управления/Социологические исследования.- 2007. – №2. – с.26-29.



Чунки, тадқиқотларимиз давомида амалга оширган таҳлилларимизга кўра, турмаҳсулотларни сотишда бевосита мулоқотлар алоҳида ўрин тутди. Агар муайян реклама турмаҳсулот ва туркомпаниянинг жозибадорлигини оширадиган бўлса, у ҳолда реклама истеъмолчи манфаатини рағбатлантиради ҳамда улар томонидан маълумотларининг ижобий қабул қилинишини таъминлайди.

Маҳсулот ёки хизматни бевосита мулоқот орқали сотиш жараёнида қуйидаги вазифалар амалга оширилади:

- маҳсулот ёки хизматни сотиб олишдан манфаатдор ёки уларга қизиқувчи салоҳиятли истеъмолчилар билан бевосита муносабат ўрнатиш;
- муносабат ўрнатилган истеъмолчи-мижозлар билан узоқ муддатга мўлжалланган барқарор алоқаларни ўрнатиш ва рағбатлантириш;
- ишлаб чиқариладиган маҳсулот ёки кўрсатилдиган хизматингизга бўлган истеъмолчиларнинг эҳтиёжларини аниқлаш;
- турмаҳсулотларни сотиб олиш бўйича қарор қабул қилиш жараёнида истеъмолчилар ахборот-консалтинг хизматларини кўрсатиш;
- турмаҳсулотни сотишда ва истеъмолчиларни танлашда албатта уларнинг дини, миллати, имтиёзлари, эътиқодлари, урф-одат ва миллий анъаналарини инобатга олган ҳолда истеъмоилчилар харидларини рағбатлантириш;
- турмаҳсулот истеъмолчиларининг хулқ-атворларини кузатиб борган ҳолда уларни ташқи кўриниши, ўралиши, ёрлиқланиши, хизмат кўрсатиш тизимларини, андозаларини истеъмолчилар эҳтиёжларига мослаштири;
- истеъмолчи-мижозлар билан ишлашда самарали усулларни излаш ва турмаҳсулотни сотиш;
- мамлакат туризми бизнеси, хусусий турмаҳсулот ва туркомпаниянинг яхлит қиёфасини шакллантириш ва таъминлаш.

Бевосита маҳсулот ёки хизматни сотиш самарадорлигининг ўзига хос хусусияти - мижозга турмаҳсулотларни сотиб олиш учун турагентларнинг рағбатларига жавоб бериш, уларни танлаш бўйича масъулият даражасини ошириш зарур.

Шериклик томонларининг ҳар бири умумий лойиҳага ўз ҳиссасини кўшади. Шундай қилиб, ишбилармонлик нуқтаи назаридан, бундай ҳисса қуйидагилар ҳисобланади: молиявий ресурслар, профессионал тажриба, самарали бошқарув, қарорларни қабул қилишда мослашувчанлик ва самарадорлик, янгилик киритиш қобилияти ва бошқалар. Тадбиркорлик секторининг кўшма лойиҳаларда иштирок этиши одатда самаралироқ иш услубларини жорий этиш, замонавий технологияларни жорий қилиш орқали технопаркни, ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг инновацион шакллари ривожлантириш, хорижий капитал иштирокидаги корхоналарни ташкил этиш, етказиб берувчи ва пудратчилар билан самарали ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш билан бирга келади. Меҳнат бозорида, қоида тариқасида, юқори малакали мутахассисларга ва яхши ҳақ тўланадиган касбларга талаб ортмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ДХШ лойиҳаларида бевосита мулкдорнинг қонунийлиги, солиқ ва бошқа имтиёзлар, кафолатлар, шунингдек, маълум миқдордаги молиявий манбаларга эга бўлиш имконияти ҳукумат томонидан таъминланади. Давлат, бошчилик қиладиган субъект ва асосий тартибга солувчи сифатида, зарур бўлганда, ижтимоий мақсадлар учун (*ишлаб чиқариш, соғлиқни сақлаш, фан, маданият*) турли ишлаб чиқариш дастурларига мўлжалланган молиявий манбаларни қайта тақсимлайди ва бу билан нафақат ижтимоий-иқтисодий муҳитни яхшилайти, балки жалб қилинадиган инвестициялар ҳажмини ҳам оширади, мамлакат рейтинги ва ҳамкор лойиҳаларга ижобий таъсир кўрсатади<sup>12</sup>.

Бугунги кунда иқтисодиёт ва давлат бошқаруви соҳасида ДХШнинг асосий шакллари қуйидагилар ҳисобланади:

1. Давлат шартномалари.
2. Ижара муносабатлари.
3. Молиявий ижара (лизинг).
4. Концессион муносабатлар.

---

<sup>12</sup> Махортов Е.А., Семченков А.С. Государственно-частное партнерство как форма отношений власти и бизнеса в России/Лоббинг в России иза рубежом. – 2009.-№3. – С.22-28.

5. Давлат-хусусий корхоналар.

6. Маҳсулотни тақсимлаш ҳақида битимлар<sup>13</sup>.

Шартномада кўрсатилмаган, лекин натижадан манфаатдор бўлган учинчи катнашчи аҳоли ёки жамият ҳисобланади, шунинг учун баъзан ДХШ давлат-жамоат шериклик атамаси билан алмаштирилади. Ҳолбуки, ДХШ механизми ташкилотчиларининг бош вазифаси исталган бир давлатнинг стратегик манфаатларини инобатга олган ҳолда жамият, давлат ва хусусий бизнеснинг ўзаро манфаатлари мутаносиблигини таъминлашдан иборат.

ДХШ доирасида давлат сектори икки гуруҳдаги мақсадларни кўзлаб, уларни ички ва ташқи мақсадлар сифатида тавсифлаши мумкин: ташқи мақсадлар биргаликда ҳаракат қилинган ҳолларда ҳамкорлар атроф-муҳитига йўналтирилади, ички мақсадлар шериклик муносабатларининг ўзига йўналтирилади.

Ташқи мақсад сифатида ижтимоий эҳтиёжларни қондириш соҳасида минтақавий даражага - минтақа аҳолисининг яшаш шароитига боғлиқ кўшимча имкониятларни излаш истагини ажратиш керак. Шунини таъкидлаш керакки, ташқи мақсадни амалга ошириш жараёнида бюджетдан ташқари манбалардан инвестицияларнинг кириб келишини таъминлаш;

муайян шаҳар муҳитини тиклаш орқали мавжуд муаммоларини ҳал қилиш, маданий ва тарихий мерос объектларининг сақланишини, тикланишини таъминлаш орқали минтақанинг туристик салоҳиятини ошириш;

худуднинг рақобатбардошлик жиҳатларини яхшилаш, янги иш ўринлари яратиш ва минтақавий миқёсдаги бир қатор бошқа муаммоларни ҳал қилиш мумкин.

Ички мақсад сифатида хусусий соҳадан бўлган шерикларнинг билимлари ва ишбилармонлик компетенцияларидан фойда олишга интилишни кўриб чиқиш лозим.

---

<sup>13</sup> Федеральный закон Российской Федерации от 30 декабря 1995 г. № 225 – Ф 3 «О соглашениях о разделе продукции».

Хусусий сектор кўзлайдиган икки гуруҳдаги мақсадларни иқтисодий ва коммуникатив турларга ажратишга мумкин.

Иқтисодий мақсадлар фойда олиш истиқболларини кенгайтиришни ўз ичига олиши керак (ҳеч бўлмаганда узоқ муддатда). Қисқа муддатли даврда хусусий шериклар рақобатбардошликни сақлаб қолишга, шунингдек, маҳсулот ва хизматлар ишлаб чиқаришни оширишни, таваккалчиликни тақсимлаш ва камайтириш учун қўшимча имкониятларга эга бўладиган фаолият доирасини кенгайтиришга интиладилар.

Коммуникатив мақсад сифатида хусусий шерикларнинг улар имиджини кучайтириш учун имкониятларини кенгайтириш, демак, улар таркибий қисмлари хилма-хиллигида бозор коммуникацияларини мустақкамлаш намоён бўлади.

ДХШ мавзусида Ўзбекистон қонунчилиги ва илмий нашрлари таҳлили шундай хулоса чиқаришга имкон берадики, ҳозирги пайтда Ўзбекистонда оммавий-ҳуқуқий соҳада «давлат-хусусий шериклик» тушунчаси истеъмолига хос айрим ҳолатлар ҳақида гапириш мумкин:

1. Лойиҳаларни амалга ошириш ҳақида шартномалар тузиш, бунда бир томондан, давлат ёки муниципал ҳокимият органлари, бошқа томондан эса – хусуси компаниялар тенг ҳуқуқли шериклар сифатида қатнашади.

2. Хусусий бизнес томонидан стратегик йўналишларда амалга ошириладиган йирик лойиҳаларни амалга оширишни қўллаб-қувватлаш учун Ўзбекистон Республикаси Инвестицион фонди ва бошқа давлат бюджетидан молиялаштириш маблағларидан фойдаланиш.

3. Бизнес-лойиҳаларнинг амалга оширилишини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари эвазига рағбатлантириладиган махсус иқтисодий ҳудудлар ташкил қилиш.

4. Иқтисодиётнинг устувор тармоқларини ривожлантириш учун аралаш давлат ва хусусий капитал иштирокидаги корпорациялар ташкил қилиш<sup>14</sup>.

---

<sup>14</sup> Варнавский В.Г., Государственно-частное партнерство: проблемы становления/Отечественные записки. - 2004. – №6. – С.29-32

ДХШ хусусийлаштиришдан фарқли равишда, у ёки бу объектга эгаликни сақлаган ҳолда, давлатга жамоат манфаатларига риоя қилиш, тартибга солиш ва назорат қилиш функцияларини тўлиқ ҳажмда бажаришга имкон беради. Хусусий бизнес бундай ўзаро алоқаларга нафақат ўзининг моддий ва молиявий ресурсларини, балки самарали бошқарув, мобил персонал ва инновацион қарорларга мойилликни ҳам олиб киради.

ДХШ ўзига хос бошқарув моделлари, молиялаштириш моделлари ва мулкчилик муносабатлари шакллантиришни талаб қилади. Бу жиҳатлар муайян шериклик шаклларида келиб чиқиб, турли вариантларда бўлиши мумкин. ДХШ механизми институционал даражасига қараб қуйидагича таснифланади. Жумладан:

➤ давлат ва хусусий бизнеснинг ўзаро норасмий кооперация муносабатлари (*давлат иштирокидаги уюшмалар, ўзаро маслаҳатлар, экспертиза, тармоқлар ва минтақаларни ривожлантириш стратегик ва дастурий ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва ҳ.к.*);

➤ шартнома ва битимлар асосидаги кооперация (хизмат кўрсатиш ва бошқарув шартномалари, ижара ва лизинг муносабатлари, концессия, маҳсулотни тақсимлаш ҳақида битимлар, ҳудудларни ривожлантириш тўғрисида битимлар ва ва ҳ.к.);

➤ қўшма корхоналар (акциядорлик жамиятлари) ташкил қилиш.

Давлат ва бизнес ўртасидаги алоқаларда мулкчилик муносабатлари билан боғлиқ энг муҳим масала кўриб чиқиляётган гуруҳларда турлича ҳал қилинади. Агар улардан биринчиси мулкчилик муаммоларига ҳеч қандай алоқаси бўлмаса, иккинчи гуруҳдаги барча шакллар, шартномани истисно қилганда, фойдаланиш, эгалик қилиш, яратиш, бошқариш ва бошқалар билан боғлиқ мулкчилик ҳуқуқининг давлатдан хусусий шерик фойдасига тақсимланишини кўзда тутаяди. Капитални акциядорлик жамияти шаклида бирлаштириш (учинчи гуруҳ) давлат ва хусусий сектор вакилини биргаликдаги эга қилиб қўяди ва шериклик муносабатларининг бошқа даражасини тақозо этади.

Молиялаштириш схемалари в моделлари, тижорат таваккалчиликларини тақсимлаш, объектларни бошқариш, эксплуатация қилиш ва техник хизмат кўрсатиш борасида шаклан ҳар хил бўлган ДХШда ҳам худди шундай жиддий фарқлар кузатилади.

ДХШ асосий белгилари сифатида қуйидагиларни қайд этиш мумкин:

- ДХШ томонлари давлат ва хусусий бизнес ҳисобланади;
- ДХШда томонларнинг ўзаро алоқалари расмий, ҳуқуқий асосда амалга оширилади (битимлар, шартномалар ва ҳ.к.);
- томонларнинг ўзаро алоқалари тенг ҳуқуқли, ҳақиқатда ҳамкорлик характериға эға (иккала томон манфаатларининг мувозанати, паритет албатта риоя қилиниши шарт);
- ДХШ яққол ифодаланган оммавий, жамоатчилик йўналишиға эға (унинг бош мақсади – давлат манфаатларини қондириш);
- ДХШ асосида лойиҳаларни амалға ошириш жараёнида томонларнинг мавжуд барча активлари (ресурслари ва улушлар) кўшилади;
- молиявий таваккалчилик ва харажатлар, шунингдек, ДХШда эришилган натижалар томонлар ўртасида мос келувчи битим, шартнома ва ҳ.к.да белгилаб қўйилган нисбатларға мувофиқ тақсимланади.

ДХШ шуни кўзда тутадикки, бунда давлат хусусий бизнесни маълум шартларда ижтимоий аҳамиятға молик лойиҳаларни амалға оширишға таклиф этади. Охирги йилларда Ўзбекистон Республикасида ДХШ жадал ривожланиши кузатилмоқда чунки мамлакат ҳуқумати бунай ҳамкорликда ижтимоий-иқтисодий вазифаларни самарали ҳал қилиш механизми сифатида кўрмоқда<sup>15</sup>.

Биз таҳлилларимизға кўра, ДХШға хос бўлган айрим жиҳатларни ажратиб кўрсатамиз:

- ДХШ хусусий секторнинг ресурсларидан фойдаланиб жамоат секторининг эҳтиёжларини қондиради;

---

<sup>15</sup> Квартальное В.А., Современные концепции социального туризма. – М.: ФиС, 2005. – 148с.

➤ ДХШ давлат ваколатлари ва вазифаларини қўллаб-қувватлайди ва бунда хусусий сектор билан биргаликда хизматлар кўрсатади;

➤ ДХШ ўзаро ҳамкорликда ишлайдиган икки ва ундан кўпроқ томонларнинг мақсадга эришиш сари ҳаракатини ифодалайди<sup>16</sup>.

ДХШ қатнашчилари ваколатлар ва жавобгарликларни бўлишиб олади, тенг ҳуқуқли асосда фаолият юритади, биргаликда вақт ва ресурслар сарфлайди, инвестициялар, таваккалчилик ва фойдани бўлишади, белгиланган муддат давомида муносабатда бўлади, аниқ бир битим, шартнома ёки бошқа конун ҳужжатига эга бўлади<sup>17</sup>.

Шерикликда асосий ижобий натижалар қуйидагилардан иборат:

1. Бюджет юкламасини пасайтириш ва бюджет чекловларини енгиб ўтиш. Шериклик ижтимоий аҳамиятга молик соҳани бюджетдан ташқари манбалардан молиялаштириш ёки бюджет маблағларини сезиларли даражада қисқартириш имконини беради.

2. Таваккалчиликни тақсимлаш. Таваккалчиликни мақсадга мувофиқ тақсимлаш шуни кўзда тутадик, томонларнинг ҳар бири уни энг яхши тарзда бошқариши мумкин бўлган таваккалчиликни ўз зиммасига олиши лозим.

3. Лойиҳаларни амалга ошириш муддатини қисқартириш. Бизнес иштироки ижтимоий лойиҳаларни амалга ошириш тезлигини оширади. Буюк Британияда ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, фақат хусусий шерикларга боғлиқ бўлган лойиҳалар муваффақиятлилик даражаси 100%ни ташкил қиларкан. Инвестор сифатида давлат иштирок этган жойларда эса амалга ошириш муддатлари бузилган ва харажатлар ошириб юборилган<sup>18</sup>.

4. Лойиҳаларни молиялаштириш ва амалга ошириш тартиб-таомилларини яхшилаш. Очiq кўриклар механизми лойиҳаларни бошқариш шаффофлигини оширади, молиявий оқимлар ҳаракатини кузатишга имкон беради. Буларнинг барчаси биргаликда нодавлат структураларининг ижтимоий аҳамиятга молик

---

<sup>16</sup> [ie.org.ua/monografiyi/kotov-e-v-partnerstvo-gosudarstva-i-biznesa-novyie-vozmozhnosti-obespecheniya-ustoychivogo-razvitiya-2014-g/](http://ie.org.ua/monografiyi/kotov-e-v-partnerstvo-gosudarstva-i-biznesa-novyie-vozmozhnosti-obespecheniya-ustoychivogo-razvitiya-2014-g/)

<sup>17</sup> Матвеев Д.Б. ГЧП: зарубежный и российский опыт. – СПб.: Наука, 2007. – 324 с.

<sup>18</sup> Понизовкина Е.В., Государственно-частное партнерство: российские перспективы/ НаукаУрала. – 2007. – №16-17. – с.18-21.

вазифаларини ҳал қилишдаги иштироки ҳисобига жамоатчилик секторини ҳам, уни ривожлантириш давлат вазифалари билан рағбатлантириладиган тижорат секторини ҳам кучайтиришга имкон беради.

## **§1.2. Давлат-хусусий шериклик туризмда тадбиркорликни барқарор ривожлантириш воситаси сифатида**

Ўзбекистонда туристик фаолиятнинг барча соҳалари, хусусан давлат тузилмалари ҳамда шаклланаётган хусусий туристик бизнес субъектлари доирасида янги йўналишларини излаб топиш, туристик хизматлар соҳасини кенгайтириш, ихтисослашувни чуқурлаштириш масалаларига кенг эътибор қаратилмоқда. Шундай бўлишга қарамасдан таклиф қилинаётган туристик хизматлар пакетини халқаро талаблар ва стандартларга даражасига етказиш учун кўплаб ислохотлар амалга оширилиш лозим. Буни амалга оширишда ДХШ механизмидан фойдаланиш ислохотлар самарадорлигин таъминлайди. Чунки иқтисодиётнинг глобал ва ижтимоий соҳаларида ДХШ у ёки бу тарзда давлат ташаббуси сифатид қараб келинаётган бўлса, реклама, меҳмонхона бизнеси ва туризм каби йўналишлар ривожидида бизнес учун устувор аҳамият касб этади<sup>19</sup>. Бироқ муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳудудлар брэндини шакллантиришда хусусий капитал томонидан ишлаб чиқилган наразарий асосларга таяниш, бошқа томондан эса, фақат давлат тузилмаларининг ҳаракатлари ва маблағлари ҳисобига амалиётга татбиқ этилиши самарали бўлмайди<sup>20</sup>.

Замонавий глобаллашув шароитларида ДХШ туризмни барқарор ривожлантириш воситаларидан бўлиб, жаҳон иқтисодиётидаги устувор тенденциялардан бири бу туризм саноатининг барқарор ривожланишга ўтиши саналади. Исталган бир мамлакатда туризм соҳасини мутаносиб ва барқарор

---

<sup>19</sup> Слиньков В.Н. Первокласный сервис. Стратегия, тактика, оценка. Практические рекомендации. – М.: Издательство КНТ, 2008. – 272 с.

<sup>20</sup> ЧернатонидеЛ. От видения бренда к оценке бренда. Стратегический процесс роста и усиления брендов. – М.: Издательство Группы ИДТ, 2007. – 310 с.



ривожлантириш, нафақат соҳа ривожини учун шароитлар яратиш, балки соҳа тараққиётининг оқибатларини ҳам кўзда тутиш керак<sup>21</sup>.

Мураккаб вазифани ҳал қилиш – салбий оқибатларни камайитириш ва ижобий натижалардан максимал даражаси самарали фойдаланиш талаб этилади. Туризм саноатини жадал ривожлантириш- бу мураккаб ижтимоий-иқтисодий тизим сифатида турресурслар ва маданий меросдан оқилона фойдаланишни назарда тутди<sup>22</sup>.

ДХШ механизми нафақат восита, балки туризмни барқарор ривожлантиришда муҳим бўғин, зарурий шарт ҳисобланади. Хусусий сектор ва давлат шериклигисиз туризмни барқарор ривожлантириш мақсадларига эришишнинг имконсиз бўлиб кўринади<sup>23</sup>.

ДХШ иқтисодиёт субъектларининг ихтиёрийлиги, ташаббуслари, ички мотивацияларига асосланган фаолияти натижасида амалга оширилади. Шу сабабли иқтисодий механизмлардан фойдаланишнинг асосий мақсади бизнес ва ҳокимиятнинг туризмнинг ривожланишига бўлган ўз қарашларини ўзгартиришга мажбур қилиш эмас, балки хўжалик юритувчи субъектларни туризмни барқарор ривожлантириш мақсадида фаолиятни амалга оширишни рағбатлантиришдан иборат бўлиши лозим. Давлат бунини хўжалик юритувчи субъектлар учун иқтисодий жиҳатдан фойдали қилиб қўйиши талаб қилинади.

ДХШ механизмнинг туризм учун аҳамияти давлат ва туристик компанияларда аҳолининг турмуш даражаси ва сифати, ҳудуднинг барқарор туристик, ижтимоий-иқтисодий ва экологик ривожлантириш масалаларига тегишли бўлган умумий манфаатдорликнинг мавжудлиги билан асосланади<sup>24</sup>.

Шунингдек, бунда давлатнинг роли ижтимоий аҳамиятга молик соҳаларга туризмнинг таъсирини кучайтириш ва ҳудудларга туристик

<sup>21</sup> <https://naukarus.com/rol-turizma-v-ekonomike-azerbaydzhana>

<sup>22</sup> Гуляев В.Г., Селиванов И.А. Туризм: экономика, управление, устойчивое развитие. – М.: Советский спорт, 2008. – 280 с.

<sup>23</sup> <https://cyberleninka.ru/article/n/gosudarstvennoe-regulirovanie-razvitiya-turizma-v-azerbaydzhane>

<sup>24</sup> <https://cyberleninka.ru/article/n/gosudarstvennoe-regulirovanie-razvitiya-turizma-v-azerbaydzhane>

оқимнинг ўсиши, туризм ривожланиши барқарор характерга эга бўлишига хизмат қилишида намоён бўлади. Натижада туризм билан ижтимоий ва туристик аҳамиятга молик соҳалар (масалан, экология, табиатни муҳофаза қилиш, сув транспорти хизмталари, меъморлик обидларини тиклаш, ижтимоий инфратузилма ва б.) ўзаро ривожлантириш механизми яратилади.

Турмахсулот таркиби уни шакллантиришда давлат иштирокига алоҳида эътибор қаратиш талаб қилинади, Ўзбекистон Республикасининг «Туризм тўғрисида»ги<sup>25</sup> Қонунида туристик ресурслар сифатида тегишли ҳудуднинг табиий-иқлим, соғломлаштириш, тарихий-маданий, маърифий ва ижтимоий-маиший объектлари мажмуини келтирилиш хусусий субъектларнинг улардан фойдаланишда давлат билан ҳамкорлик қилиши лозимлигини асослайди<sup>26</sup>.

ДХШ ташқи ва ички туризм учун туристик маҳсулот шакллантирувчи туроператорлар уюшмаси ташкил қилгани ҳолда ҳамкорликка эга бўлган корхоналарни рақобатчиларига нисбатан устунлигини таъминлаши ушбу механизмнинг аҳамиятини оширади. Шериклик аъзолари – давлат, бизнес ва аҳолида аниқ белгиланган манфаатлар мавжудлиги туризм соҳасида ДХШ механизми ривожланишининг энг муҳим шарти ҳисобланади.

Шуни алоҳида айтиш жоизки, энг аввало, давлатнинг туризм соҳасидаги манфаатлари, ички ва ташқи туризмни ривожлантиришдан иборат бўлиб, унинг дивиденд сифатидаги оладиган иқтисодий ва ижтимоий фойдалари билан асосланади<sup>27</sup>.

Бизнеснинг ДХШ асосида давлат билан ўзаро алоқалардан манфаатдорлиги анъанавий давлат соҳасига кира олиш, тўғридан-тўғри давлат томонидан қўллаб-қувватланиш, имтиёзли кафолатлар асосида инвестицияларни узоқ мддатли жойлаштириш имкониятлари, лойиҳа таваккалчиликларини давлат билан бўлишиш, биргаликда иштирок этиш лойиҳаларини танаш имкониятидан иборат.

---

<sup>25</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Туризм тўғрисида»ги Қонунида. 1999 йил 20 август. ([www.lex.uz](http://www.lex.uz))

<sup>26</sup> Бабажанова Л.Ш.Актуальные аспекты устойчивого развития территорий Республики Узбекистан. <https://cyberleninka.ru/article/n/aktualnye-aspekty-ustoychivogo-razvitiya-territoriy-respubliki-uzbekistan>

<sup>27</sup> <https://cyberleninka.ru/article/n/gosudarstvennoe-regulirovanie-razvitiya-turizma-v-azerbaydzhanе>

Аҳолининг ушбу соҳадаги асосий манфаатлари қаторида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин: истисносиз барча фуқаролар учун ҳаммёнбоп дам олишга эга бўлиш; сифатнинг кафолатланиши; турли даражадаги ва қийматдаги туристик маҳсулот ва хизматларни танлаш имконияти; маълумотлар очиклиги; туристик хизматлар истеъмоли жараёнида вужудга келадиган муаммоларни ҳал қилишда тескари алоқа мавжудлиги.

Туризмнинг аҳамияти соҳанинг ижтимоий функцияси иш ўринларини яратиш, иш билан бандликнинг мослашувчан режимини шакллантириш, ишчиларнинг ҳаракатчанлигини ошириш, ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш кабилар билан асосланади. Туризм соҳаси катта инвестицияларни талаб қилмайди ва бизнес бошлаш учун кенг имкониятлар яратади, ёш, бақувват, хушчакчақ одамларни, жумладан, ярим кунлик ёки мавсумий шароитларда бизнесга жалб қилиш имкониятлари мавжуд.

Қуйидагилар туризм соҳасида ДХШ доирасида дават ва бизнес ўртасидаги ҳамкорликнинг асосий йўналишлари бўлиши лозим<sup>28</sup>:

1. Оммавий сайёҳлар ҳамда Ўзбекистон ва чет эллик туристларнинг тор ихтисослашган сегментлари учун махсус туристик дастурларни ишлаб чиқиш.

2. Давлат ва хусусий капиталнинг биргаликдаги иштирокида туристик хизматлар кўрсатишнинг янги турларини қўллаш.

3. Экскурсия ва сайёҳлик хизматлари учун янги технологиялардан фойдаланиш орқали сайёҳлар орасида энг машҳур маданий туризм объектларининг имкониятларини ошириш.

4. Маданий турмаҳсулотлар истеъмолининг интерфаоллик даражасини ошириш, хусусан, музей, кўрғазмалар, ижрочи санъат жамоалари ўртасидаги ўзаро муносабатлар, виртуал хизматларни ривожлантириш асосида.

5. Мактаб ўқувчилари, талабалар, пенсионерлар, ногиронлар каби аҳолининг ижтимоий гуруҳларига қаратилган маданий туризмни қўллаб-

---

<sup>28</sup> Митрофанова Е.С. Взаимодействие органов государственной власти и бизнеса в развитии ГЧП в туризме / Сборник научных трудов. - СПб.: Издательство БАТИП, 2008. – С. 82 – 87.

қувватлаш бўйича давлат ва минтақавий дастурларни қабул қилиш ташаббуси билан чиқиш.

6. Меҳмонхоналар, жумладан, хостеллар тармоғини (меҳмонхона туридаги ётоқхоналар) ривожлантириш.

7. Минтақада туризмни бошқариш давлат органининг ташкилий тузилмаси функцияларини такомиллаштириш.

Туристлик маҳсулотни шакллантиришда давлатнинг иштироқи уюшмага кирадиган туроператорларга барча манфаатдор томонлар учун муҳим бўлган, аммо самараси ўрта ёки узоқ муддатда кутилаётган фаолиятни амалга оширувчи ташкилотлар билан шартномалар тузиш учун қулай шарт-шароитларни яратиши керак. Ўз фаолиятини ДХШ асосида амалга оширадиган туристик корхоналар амалга ошириши керак бўлган фаолият йўналишлари қуйидагилардан иборат<sup>29</sup>:

1. Минтақани экологик соғломлаштириш.

2. Туристлик намоёиш объектлари бўлган маданий-тарихий бойликларни асраш ва реставрация ишлари.

3. Янги туристик намоёиш объектлари яратиш ёки маҳаллий аҳоли учун ҳам, туристлар учун ҳам қизиқиш уйғотадиган чора-тадбирлар амалга ошириш.

4. Минтақа кифоасини яхшилаш ҳисобига унинг жалб этувчанлигини ошириш (меъморий ишларни бажариш, биноларнинг олд тарафларини ўзгартириш ёки тамирлаш, шаҳарларни ёритиш, кўчаларни тозалаш ва б.).

5. Табиатни муҳофаза қилиш фаолияти.

6. Ижтимоий инфратузилма қурилиши.

Бу ташқи ва ички туризм соҳасида ДХШда иштирок этувчи барча манфаатдор томонларга қуйидаги афзалликларни таъминлади (1.2.1-жадвал).

---

<sup>29</sup> Бунич Г.А. Туризм: Туризм и практика. – М.: Маркетинг, 2003. – 235 с.

Давлат-хусусий шериклигида иштирок этишнинг афзалликлари<sup>30</sup>

№	Иштирок этувчилар	Эга бўлинадиган афзалликлар
1.	Туристлар	Ҳар бир турист ҳудудда туризмни стратегик ривожлантириш орқали яратилган имтиёзлар учун пул тўлайди. Шунингдек, турист маҳаллий аҳолининг кундалик ҳаётидаги (экологик, ижтимоий-руҳий, маданий) туристлар оқимнинг кўпайиши билан боғлиқ ва маҳаллий аҳолининг ҳудудий туризмга нисбатан салбий муносабатини пайдо этадиган атроф-муҳитдаги «мувозанат» бузилишининг ўрнини қоплайди
2.	Маҳаллий аҳоли	туристик харажатлар ҳисобига ҳаракат қиладиган махсус ташкилотлар фаолияти туфайли турмуш шароитларининг яхшиланади; туризм соҳасида ва туристик харажатлар ҳисобига молиялаштириш кўзда тутилган тармоқларда янги иш ўринлари яратилади.
3.	Туристик корхоналар	ҳудуд туристик жозибadorлиги ошади, ўрта ёки узоқ муддатда туристлар сонининг кўпаяди; ташқи ва ички туризмни ривожлантириш бўйича туроператорлар ва давлатнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштирилади; давлат билан ҳамкорлик натижасида рақобатдош устунликлар ошади; маҳаллий аҳолининг туризмни ривожлантиришга қизиқиши ошади; ижтимоий аҳамиятга эга бўлганлиги сабабли туризм соҳасидаги ишнинг нуфузи ошади.
4.	Давлат ҳокимият органлари	туристик харажатлар ҳисобидан ижтимоий аҳамиятга эга соҳаларни ривожлантирилади ва туризм саноатининг ўсиши натижасида бюджетга солиқ тушумлари ошади; ижтимоий ва иқтисодий муаммоларга комплекс ёндашилади; янги иш ўринлари яратилади; ташқи ва ички туризм рағбатлантирилади; туризмга бевосита алоқадор давлат ташкилотлари даражасида стратегик режалаштириш, ташқи ва ички туризмнинг мультиплика тив самарсини ошириш соҳасида ўзаро ҳамкорликлари кенгайди

Ушбу фаолиятни амалга оширишда иштирок этувчи ташкилотларни барпо этиш ва уларнинг фаолияти тегишли туристик маҳсулот сотуvidан тушадиган маблағ эвазига молиялаштириш лозим. Бироқ, маҳсулот нархи ошиши натижасида сайёҳлар оқимининг пасайиши хавфи бўлган тақдирда, давлат туристик маҳсулот нархини пасайтириш учун турли хил механизмлардан фойдаланиши мумкин.

<sup>30</sup> Муаллиф ишланмаси

Ўз фаолиятини ташқи ва ички туризм соҳасида ДХШ асосида амалга оширувчи туристик корхоналар учун мультипликатор қўллаш механизми куйидаги босқичлардан иборат<sup>31</sup>:

1. Туристтик маҳсулот ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган учинчи ташкилотлар хизматларига ҳуқуқларни қўлга киритишга туроператор харажатларини таҳлил қилиш.

2. Ташқи ва ички туризм учун туристик маҳсулот яратувчи туроператорлар уюшмаси ташкил қилиш.

3. Туристтик корхоналарнинг фаолият турларини, ташкилий-ҳуқуқий шакллари ва уларни молиялаштириш ҳажмларини белгилаш.

4. Турмаҳсулотга чегирмалар киритиш ва туристик оқимнинг пасайиши эҳтимоли бўлган тақдирда – ташқи ва ички туризмнинг туристик маҳсулотига киритилган асосий хизматларга (*транспорт, жойлаштириш ва овқатланиш*) баҳо бўйича имтиёзлар бериш механизмини яратиш<sup>32</sup>.

5. Асосий хизматлар нархлари пасайишини башорат қилиш ва шу асосда туристик корхоналарга инвестициялар ҳажми ва усулларини режалаштириш.

6. Туристтик корхоналар фаолияти барқарорлигини қўллаб-қувватлаш.

7. Давлат томонидан туристик мультипликаторнинг минтақага, жумладан, туристик оқимнинг ўсиши ҳисобига таъсир кўрсатишини кучайтириш бўйича кўриладиган қўшимча чора-тадбирлар. Туризмнинг минтақага таъсирини турдош давлат қўмиталари томонидан яратиладиган стратегик режаларда ҳисобга олиш.

Фикримизча, туризм соҳасидаги корхоналарни ДХШ асосида давлат тузилмалари билан бирлаштириш натижасида куйидагиларга эришилади:

➤ хусусий бизнесни йириклашиш тенденциялари, мамлакат туризм бозорида қўшилишлар ва бирлаштиришлар жараёнлари тезлашади;

➤ туристик инфратузилма курилиши каби узоқ муддатли лойиҳалар, жумладан, меҳмонхоналар курилиши, турли тармоқлар харид қилиниши тўхтаб қолиши мумкин;

<sup>31</sup> Гончаров В.В.Туристский мультипликатор как инструмент регионального управления/ Вестник ИНЖЭКОНА. – 2009. – №1 – С. 277 – 280.

<sup>32</sup> Ашугатоян С.Г.Эволюция территориальной организации въездного и внутреннего туризма в Турции Москва.МГУ, 2018 <https://istina.msu.ru/download/99111229/1gAjJW:EIT2G7nduK6BFS5JjFgHRVkciiik/>

➤ имиджни яратиш бўйича реклама, туристик маҳсулотларни илгари суриш харажатлари қисқаради;

➤ туроператорлар чартерлар сони ва меҳмонхоналардаги жойларни қисқартиришига, бизнесни шундай ташкил қилишига тўғри келадиги, бунда зиён келтириши мумкин бўлган ортқча таклифлар бўлмаслиги керак, демак, туристларда Миср ёки Туркияга арзон нархда учиб кетиш имконияти камроқ бўлади;

➤ туристларнинг ўзи нарх ва сифатнинг энг яхши нисбатини афзал кўриши, талаб тежамкор турларга кўпроқ қаратилиши кўзда тутилади.

Туризм фаолиятининг муҳим масалалари эркин бозор қонунлари ва давлат томонидан тартибга солишга асосланган ҳолда ўзини ўзи тартибга солиши, хусусан қонун ижодкорлиги билан боғлиқ ҳолда бирлаштирилиши керак. Аммо, шуни алоҳида таъкидлаш керакки, давлат томонидан ҳаддан ташқари қаттиқ тартибга солиш ва қонунларнинг кўплиги баҳоларнинг ошишига, ассортимент, халқаро туризм саноатида инновациялар ва рақобатнинг пасайишига олиб келади<sup>33</sup>.

Тадқиқотларимизга кўра, талаб ва таклиф омилларини бирлаштириш туризм соҳасида бутун мамлакат ёки ҳудуд тараққиёти манфаатларига мувофиқ тартибга солиниши керак<sup>34</sup>. Кўпчилик чет давлатларда туризм соҳасини тартибга солиш давлат ва хусусий сектор ҳамкорлигида амалга оширилади. UNWTO томонидан олиб борилган тадқиқотлар натижалари хусусий тузилмаларнинг халқаро туризмни ривожлантиришда уларни давлат томонидан фаол қўллаб-қувватлаши билан ўсиб бораётганлигини кўрсатди<sup>35</sup>.

Давлат томонидан хусусий тартибга солишни глобал миқёсда иккита асосий умумлаштирилган йўналиш бўйича амалга ошириш таклиф қилинади.

Биринчи йўналиш бозор ва ўзини ўзи бошқаришнинг кўплаб муҳим маҳсулот турлари учун талаб-таклиф тизимидаги мавжуд муносабатларнинг ўз-ўзидан пайдо бўлишини ҳисобга олган ҳолда режалар ва давлат дастурларини тузиш йўли билан тартибга солиниши билан боғлиқ.

<sup>33</sup> Щербакова С.А. Международный туризм: экономика и география. – М.: ФиС, 2005. – 142 с.

<sup>34</sup> <https://www.elibrary.ru/item.asp?id=42363117>

<sup>35</sup> Щербакова С.А. Международный туризм: экономика и география. – М.: ФиС, 2005. – 142 с.

Иккинчи йўналиш ижтимоий дастурларнинг амалга оширилишини ва бозор иқтисодиётининг ижтимоий йўналишини таъминлайди. Ҳукуматнинг тегишли аралашувисиз бозорнинг ўз-ўзини тартибга солиши монополиялар ошишига, даромадлари бўйича аҳолининг табақалашуви кучайишига, ижтимоий соҳаларни (*фан, маданият, санъат, соғлиқни сақлаш, таълим ва бошқалар*) қисқаришига олиб келиши мумкин<sup>36</sup>.

Шундай қилиб, туризм соҳасидаги ДХШ туризм бозорининг кенгайишига таъсир кўрсатиш ва тегишли ижтимоий сиёсатга таянган ҳолда амалга оширилиши лозим.

Туризм бозорининг кенгайишига таъсир кўрсатилиши туристик маҳсулотни илгари суриш учун бозор стратегиясини ишлаб чиқишни талаб қилади. Стратегия туристик бозорда унинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда узоқ муддатли мақбул хулқ-атвор моделини танлашдан иборат. Ҳар қандай стратегик ёндашувда давлат ва хусусий секторнинг тегишли таъсири талаб қилинади<sup>37</sup>.

Турли йўналишларда туризмни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш туристик фаолиятни ДХШ асосида тартибга солишнинг устувор йўналишлардан саналади.

ДХШ механизми асосида туристик фаолиятни тартибга солишнинг асосий йўналишлари қуйидагилар ҳисобланади<sup>38</sup>:

- туризм соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш орқали соҳадаги муҳитни яхшилаш бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар яратиш;
- ички ва жаҳон туризм бозорида тураҳсулотни сотишга кўмаклашиш;
- туристларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя этиш, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш;
- туризм саноатида стандартлаштириш, турмаҳсулотни сертификатлаш<sup>39</sup>;

---

<sup>36</sup> <https://www.elibrary.ru/item.asp?id=42363117>

<sup>37</sup> Баумгартен Л.В. Стратегический менеджмент в туризме. – М.: Академия, 2007. – 345 с.

<sup>38</sup> Цыганова С.Е. Туризм: стратегии и технологии. – Барнаул: Издательство Алтайской государственной академии культуры и искусств, 2006. – 139с.

<sup>39</sup> Дехтярь Г.М. Лицензирование и сертификация в туризме. – М.: Финансы и статистика, 2005. – 254 с.



➤ туризмни ривожлантириш манфаатларини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикасига кириш, ундан чиқиб кетиш ва унинг ҳудудида қолиш қодаларини белгилаш;

➤ туризмни ривожлантириш бўйича мақсадли дастурларни ишлаб чиқиб, амалга ошириш учун тўғридан-тўғри бюджет маблағларини ажратиш;

➤ солиқ ва божхона назорати;

➤ имтиёзли кредитлар бериш, Ўзбекистон Республикасида туристик фаолият билан шуғулланадиган туроператор ва туристик агентликлар учун солиқ ва божхона имтиёзларини белгилаш ва сайёҳлик билан шуғулланишга хорижий фуқароларни жалб қилиш;

➤ туристик фаолиятни кадрлар билан таъминлашга кўмаклашиш;

➤ туризм индустрияси соҳасида илмий тадқиқотларни ривожлантириш;

➤ халқаро сайёҳлик дастурларида туристлар, туроператорлар, турагентлар ва уларнинг бирлашмаларда иштирок этишига кўмаклашиш;

➤ картографик маҳсулотлар билан таъминлаш.

Шундай қилиб, ДХШ давлат органларининг эътиборини энг устувор вазибаларга қаратиш, юзага келиши мумкин бўлган давлат хатарларини хусусий шерик ва ҳукумат ўртасида тақсимлаш орқали камайтириш ҳамда натижада туризм соҳасида ДХШни ривожлантириш нафақат туризм, балки иқтисодиётнинг барча бошқа соҳалари барқарор ривожланиши учун ҳам қулай шарт-шароитларни яратади.

### **§1.3. Давлат-хусусий шериклиги асосида туризм бизнесини бошқаришнинг асосий тамойиллари**

ДХШ давлат ва хусусий тузилмалар ҳамда турли тармоқ ва соҳалар ташкилотлари ўртасида манфаатлар мувозанатида эришишга қаратилган бошқарув механизмларидан бири саналади. ДХШ асосида давлат хусусий секторни ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларни амалга оширишда иштирок этишга таклиф қилади, яъни бунда хусусий сектор давлат томонидан белгиланган параметрлар ва стандартларга мувофиқ объектларни қуриш,

молиялаштириш ва бошқариш мажбуриятини олади ҳамда эвазига давлатдан эришилган натижаларга боғлиқ бўлган даромад сифатида тўловларни олади.

ДХШ механизми давлат ва маҳаллий ҳокимиятларнинг лойиҳаларни молиялаштиришдаги чекланган имкониятларини енгиб ўтиш, баъзи таваккалчиликларни хусусий сектор билан бўлишиш, тақдим этилаётган ижтимоий хизматларнинг сифатини ошириш ва давлат инфратузилмаси объектларини бошқариш самарадорлигини ошириш учун хусусий секторнинг бошқарув кўникмалари ва тажрибасидан фойдаланиш имконини беради<sup>40</sup>.

Туризм соҳасида ДХШни амалга оширишда қатор муаммоларга дуч келиш мумкин бўлиб, улар тадқиқотлар натижаларида аниқланган. Буни инобатга олган ҳолда ушбу жараёнларни ўрганиш бўйича тадқиқотларга муурожаат қилган ҳолда асосий муаммоларга тўхталиб ўтмоқчимиз<sup>41</sup>.

*Биринчидан*, ДХШ механизми бўйича қонунчиликни такомиллаштириш лозимлиги. Яъни, мулкчилик, солиққа тортиш тизими ва потенциал манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш борасида аниқ ҳуқуқий асослар зарур. У давлат сектори таваккалчилик билан боғлиқ мажбуриятларни қабул қилиши учун мақбул таркибни белгилаши лозим.

*Иккинчидан*, ДХШ тизимининг самарали фаолият кўрсатиши учун бугунги кунда давлат хизматчилари малакасини ошириш зарур, яъни ҳудудларда айнан ходимларнинг шу соҳа бўйича профессионал компетенция даражаларини ошириш, ривожланган чет мамлакатларга стажировкаларга юбориш, мутахассислар алмашиш, турли онлайн семинар ва конференция, вебинарлар ўтказиш билан маҳаллий даражада ДХШ лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш мақсадга мувофиқ.

*Учинчидан*, бозор қатнашчилари учун ДХШ механизмлари очиклиги шаффоф конкурсли механизмлари таъминланиши зарур.

*Тўртинчидан*, давлат ташкилотлари билан кичик ва ўрта тижорат ташкилотлари ўртасидаги шартнома муносабатлари жараёни институционал

---

<sup>40</sup> <https://www.elibrary.ru/item.asp?id=42363117>

<sup>41</sup> Простаков И.В. Государство и туризм: подойдет ли России западноевропейская модель взаимоотношений между ними? / Туризм: практика, проблемы, перспективы. – 2008. – №3. – С. 27-32.

таъминотининг суствлиги. Афтидан, бундай ўзаро алоқалар бизнес (тадбиркорлик) тармоқлари доирасида ташкил қилиш мумкин.

Аммо, ДХШ механизмидан фойдаланиш, биринчи навбатда, хусусий молиялаштиришнинг анъанавий шаклларига жалб қилмайдиган ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларни қисқа муддатларда амалга ошириш; хусусий бизнес иштирокида лойиҳалар самарадорлигини ошириш; хусусий маблағларни жалб қилиш ва харажатларнинг бир қисмини фойдаланувчиларга ўтказиш (хизматлар кўрсатишни тижоратлаштириш) орқали бюджетга тўғри келадиган юкни камайтириш; энг яхши бошқарув ходимларини, асбоб-ускуналарни ва технологияларни жалб қилиш, охириги фойдаланувчиларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш имкониятини беради.

Туризм секторини бошқаришнинг ташкилий ва иқтисодий механизмини шакллантиришда давлат идоралари ва турли даражадаги корхоналарнинг таъсири ҳал қилувчи аҳамиятга касб этади<sup>42</sup>.

Туризмни давлат-хусусий ҳамкорлиги асосида тартибга солиш билан боғлиқ ўзига хос вазифалар қуйидагилардан иборат:<sup>43</sup>

туризмни ривожлантириш соҳасида ташкилий, иқтисодий ва ижтимоий сиёсатни ишлаб чиқиш бўйича қарорлар қабул қилиш, шунингдек бундай ривожланиш режасини тайёрлаш ва қабул қилиш;

ҳудудларда аҳолининг ижтимоий ночор қатламлари манфаатларини инобатга олиб, ижтимоий ва мақсадли туризмни йўлга қўйиш бўйича давлат ва хусусий секторни ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш, ДХШ механизмига самарали инвестицияларни жалб қилиш;

иқтисодиётни ривожлантиришда, жамиятнинг ижтимоий ҳаётида унинг истиқболларини ҳисобга олган ҳолда туризмни ривожлантириш жараёни ва йўналиши устидан доимий назоратни таъминлаш.

---

<sup>42</sup> Менеджмент территории: Стратегия развития района рекреационного типа. – СПб.: Издательство Санкт-Петербургского государственного университета, 2003. – 288 с.

<sup>43</sup> Митрофанова Е.С. Совершенствование механизма взаимодействия Органов государственной власти и частного бизнеса в регулировании туристской политики/ Вестник Национальной академии туризма №1 (8) январь-март 2010. - СПб.: ООО «Премииум Пресс». – 2010. – С. 1 4-16.

Туризмни Ўзбекистон иқтисодиётининг устувор тармоқларидан бири сифатида қараган ҳолда ҳукумат қуйидаги тамойиллар асосида бошқарувни амалга оширмоқда:

туризм фаолиятига кўмаклашиш ва ривожланишига қулай шарт-шароитлар яратиш;

туризм фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш ва қўллаб-қувватлаш;

Ўзбекистон ҳақида туризм учун қулай мамлакат сифатида тасаввурни шакллантириш;

Ўзбекистон сайёҳлари, туроператорлари, турагентлари ва уларнинг бирлашмаларини қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш.

Бунда туристик фаолиятда давлат-хусусий тартибга солишнинг асосий мақсадлари қуйидагилар ҳисобланади<sup>44</sup>:

фуқароларнинг дам олиш, ҳордиқ чиқариши, ҳаракатланиш эркинлиги ва саёҳатларни амалга оширишдаги бошқа ҳуқуқларини таъминлаш;

исталган бир туристик ҳудуд табиати, атроф-муҳитини асраш;

туристларни соғломлаштириш, таълим ва тарбияга йўналтирилган фаолият учун шароитлар яратиш;

саёҳатларни амалга оширишда фуқаролар эҳтиёжларини таъминлайдиган туризм саноатини ривожлантириш;

янги иш ўринлари яратиш орқали давлат ва фуқаролар даромадларини ошириш;

ҳалқаро алоқаларни ривожлантириш<sup>45</sup>;

туристик намоёиш объектларини асраш, табиий ва маданий меросдан оқилона фойдаланиш.

Туристик бизнесда ДХШ тамойилларини қўллашнинг аҳамияти шундаки, тадбиркорлик фаолиятининг асосий омиллари саналган мулк, инфратузилма, рекреация объектлари асосан хусусий секторда бўлса, туристик

---

<sup>44</sup> Леннон Дж. Джон, Смит Хью, Кокерелл Пеней, Трю Джил. Управление индустрией туризма. Лучший опыт деятельности национальных органов заций и агентств по туризму. – М.: Издательство Группа ИДТ, 2008. – 272 с.

<sup>45</sup> Бабажанова Л.Ш. Актуальные аспекты устойчивого развития территорий Республики Узбекистан. <https://cyberleninka.ru/article/n/aktualnye-aspekty-ustoychivogo-razvitiya-territoriy-respubliki-uzbekistan>

йўналишларнинг жозибадорлигини белгилайдиган тарихий ва маданий мерос объектларига давлат эгалик қилади. Айнан туризм соҳасида иқтисодийнинг тижорат ва нотижорат соҳалари манфаатлари ўзаро боғлиқ бўлади<sup>46</sup>.

Бизнинг фикримизча, ҳудудларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, биологик ва маданий турли-туманликни сақлашга қаратилган ДХШ асосида туризмни ривожлантириш тамойилларига қуйидагиларни киритиш мумкин<sup>47</sup>:

ҳудудлардаги қадимдан келаётган ёки йўқолиб кетган анъанавий хунармандчилик, ишлаб чиқаришни тиклаш ва сақлаб қолишга асосланган ҳолда маҳаллий аҳоли, тадбиркорлик жамоаларини қўллаб-қувватлаш ва фаоллаштириш эвазига янги иш ўринлари ва қўшимча даромад манбаларини яратиш;

ландшафтларни, тарихий, табиий ва маданий меросни муҳофаза қилиш ва сақлаш;

туризмни ривожлантириш учун мавжуд маҳаллий ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳисобига меҳмонхона иқтисодиёти, туристик хизматлари, маҳаллий маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини ривожлантириш;

чет давлатлар ҳамда республикамизнинг вилоят ва шаҳарлари, туманлари аҳолиси ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш;

жойларда маҳаллий жамоаларнинг ўз маданий ва ижтимоий ўзига хослиги, яшаш шароитлари ва шарт-шароитларини яхшилаш;

ҳудудга ташриф буюрувчи туристларга ахборотларни тарқатиш ва минтақанинг муаммолари, маҳаллий ташаббуслари, воқеалар, ташкилотлар ва бошқалар тўғрисида батафсил ахборот бериш имкониятларини яратиш;

мамлакат минтақаларайда сақланиб қолган тарихий-маданий мерос ва табиий ҳудудларга ташриф буюриш;

тарихий жойларда ҳаракатланишнинг қоидаларига риоя қилиш;

исталган бир ҳудудга экскурсияларни тўлақонли режалаштириш, уларни ишлаб чиқиш ва жорий этишга комплекс ёндашув;

---

<sup>46</sup> Государственно-частное партнерство в сфере туризма: практика, проблемы, перспективы: Материалы Всероссийской научно-практической конференции (Санкт-Петербург, 10-11 апреля 2009 г.) / Под общей редакцией д.п.н., профессора Т.И. Власовой. – СПб.: Издательство Д.А.Р.К., 2009. – 256 с.

<sup>47</sup> Клицунова В.А. Зеленые маршруты / В.А. Клицунова. – М.: Аль-тиора – Живые краски, 2009. – 16 с

- табиий муҳофаза қилинадиган ва алоҳида туристик ҳудудларда имкон қадар электромобиллардан, атмосферага газ чиқиндиларини чиқармайдиган транспорт воситаларидан фойдаланиш, рекреацион, спорт, экологик туризмни тарғиб қилиш;

- туристларнинг ҳаракатланишларида шахсий транспорт воситалари ўрнига экологик тоза велосипедда ёки жамоат транспортларида юриш учун шароит яратиш ҳамда фаол турмуш тарзини яратиш, саломатликни яхшилаш йўлида хавфсизликни кучайтириш<sup>48</sup>.

Бизнинг фикримизча, республикаимиз туристик салоҳиятини оширишда, биринчи навбатда туристик ресурслар мавжуд бўлиши, ҳамда уларни оқилона бошқариш алоҳида аҳамият касб этади. Шунини таъкидлашимиз мумкинки, Ўзбекистонда 4000 дан ортиқ архитектура ёдгорлиги мавжуд. Шунингдек, кўплаб қадимий шаҳарлар қолдиқларида олиб борилган археология изланишлари XII-XX ва IV-IX асрларга мансуб ёдгорликлар, табиий кўриқхоналарда кўпайтирилаётган ноёб ҳайвонлар билан танишиш ҳам туризм ихлосмандларида кўплаб таассуротлар қолдириши мумкин.

Ёшларни ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашда ҳам жойларда туризм соҳасини ривожлантириш ва туристик салоҳиятни ошириш алоҳида ўрин тутаяди. Чунки, ҳар бир фуқаро ва ёш ўзининг туғилиб ўсган ватани, ўлкаси, ҳудуди, тумани ёки шаҳри, қолаверса қишлоғига саёҳат қилар экан табиий ва маданий бойликларни, ажойиботларни, инсоннинг кўли билан яратилган меросдан баҳра олади ва миллий бойлигидан ғурурланади.

Бу борада Ҳусайн Воиз Кошифийнинг «Футувватномаи султоний ёхуд жавонмардлик тариқати» номли китобида<sup>49</sup> туристик саёҳатга чиқишнинг инсонга берадиган бир қанча манфаатлари мавжудлигини ҳақидаги фикрини келтиришни жоиз деб билдик. Ҳусайн Воиз Кошифийнинг фикрича, туризм:

таннинг сихатига фойдали, чунки аъзолар чиниқади, қон айланиши яхшиланади;

<sup>48</sup> Клицунова В.А. Зеленые маршруты / В.А. Клицунова. – М. : Аль-тиора – Живые краски, 2009. – 16 с

<sup>49</sup> Ҳусайн Воиз Кошифий. Футувватномаи султоний ёхуд жавонмардлик тариқати. – Т.: «Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти», 1994 й. Форс-тожик тилидан Н.Комилов таржимаси.

танбаллик, дангасаликни кеткизади, бир мақомда истиқомат қилиш касаллик ва суслик келтириб чиқариши мумкин;

ғам ва маҳзунликни кеткизади, кишилиқ қанчалиқ ғамгин бўлмасин, сафарда унинг кўнгил чигили ёзилади;

илмни орттиради, сафарда одам ҳар хил тоифадаги одамлардан касб-кор ва одоб ўрганади;

нафсни тарбиялайди, чунки қариндошларидан узоқда инсон ватани ва яқинларининг қадрини билади ҳамда чидам-сабрга ўрганади;

ғариб-мусофирнинг қадрини билдиради ва инсоннинг кўнглида раҳм-шафқат уйғотади<sup>50</sup>;

узоқлардаги улуғларнинг суҳбатини қозониш ва азиз-авлиёлар қабрини зиёрат қилиш имконини беради.

Туризм бизнесини бошқаришда ДХШ механизмидан фойдаланиш орқали хорижий туристларга кўрсатиладиган меҳмонхона ва ресторан хизматлари, тавсия этиладиган таомлар, транспорт, савдо, ҳордиқ чиқариш ва маданий тадбирлар сифати ва ассортиментини тубдан яхшилаш мумкин.

Шунингдек, таҳлилларимизга кўра, биз миллий маданий қадриятларимиз устуворликларидан самарали фойдаланган ҳолда республикамизда туристик салоҳиятни оширишни бошқаришимиз мақсадга мувофиқ. Бунинг учун эса миллий андозалар асосида туристик хизматлар кўрсатиш меъёрларини ишлаб чиқиш, яъни турмаҳсулотларни миллий меҳмондорчилик қадриятларидан, маданият ва урф-одатларимиздан келиб чиқиб яратиш керак. Бунда маҳсулот ва хизматларга қўйилладиган халқаро талаблардан ташқари хизмат кўрсатишнинг ўзбек миллий усуллари, ҳар бир минтақа ва ҳудуднинг ўзига хосликлари, жумладан, водийча усуллар (*ўзбек меҳмондорчилик анъаналари, муомала одоби, маҳаллий ҳаёт тарзи, қадриятлар, урф-одатлар, миллий маданий-тарихий мерос*)ни ҳам инобатга олиш керак, деб ҳисоблаймиз.

Марказий Осиё минтақасидаги давлатлар орасида республикамиз нисбатан катта туристик имкониятларга ва салоҳиятга, юқори даражадаги

---

<sup>50</sup> Хусайн Воиз Кошифий. Футувватномаи султоний ёхуд жавонмардлик тариқати. – Т.: «Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти», 1994 й. Форс-тожик тилидан Н.Комилов таржимаси.

рақобатбардош, туризмни янада ривожлантириш учун улкан имкониятларга эга бўлган мамлакат бўлиб ҳисобланади.

Халқаро экспертлар ва дунё тажрибасига кўра, туризмни ривожлантириш ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ҳар томонлама самарали бўлиб, уни ташкил этиш арзонга тушади ва юқори фойда беради, сарфланадиган маблағлар тез вақт ичида ўзини қопланади. Шу боисдан ҳам, ДХШ асосида туристик салоҳиятни оширишнинг мамлакат фуқароларига иш ўринлари яратиш, иқтисодиётни барқарорлаштириш, ҳудудларни жадал ривожлантириш, валюта тушумларини кўпайтириш, аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини ошириш каби муаммоларни истиқболда ҳал қилиш учун кенг салоҳиятга эга бўлган туризм соҳасини такомиллаштиришнинг ўрни катта<sup>51</sup>.

Тадқиқотларимиз давомида амалга оширган таҳлилларимизга кўра, туристик салоҳиятни оширишни бошқаришда туристик маҳсулотни сотиш учун уни бозорга киритишнинг самарали тизимини яратиш керак, хусусан<sup>52</sup>:

*1. Туристтик маҳсулотлар бозорини чуқур тадқиқ қилиш.* Ҳар қандай туризм соҳасида фаолият юритувчи субъект ўз бозори ва унинг сегментлари ривожланиш кўрсаткичлари тўғрисида, бозорнинг ҳудудий чегаралари ва сигимини баҳолаши, истеъмол талабининг тури ва рақобат интенсивлиги, баҳо тенденциялари, истеъмолчилар ҳуқуқ атворлари каби ахборотларга эга бўлиши керак. Бозорнинг ҳозирги ҳолатини, мақсадли истеъмолчиларни, мақсадли сегментнинг талаблари ва имкониятларини, рақобатчиларнинг ниятларини билмасдан туриб, бозорга туризм хизматларини ҳаракатлантириш мумкин эмас. Бозорнинг ривожланишидаги тенденцияларни аниқламасдан туриб, бозор жараёнларини тартибга солиниши ва унга туристик фирма фаолиятининг мослашиши қийин<sup>53</sup>.

*2. Мақсадли истеъмолчиларни яратиш ва тадқиқ қилиш.* Потенциал истеъмолчилар ва истеъмолчилар гуруҳларини туризм хизматларига бўлган

---

<sup>51</sup> <http://instat.uz/konf.pdf>

<sup>52</sup> Кадырова З.А., Мусаева Р.А. Анализ стратегии маркетинга и продвижения туристического продукта Турции // Universum: экономика и юриспруденция : электрон. научн. журн. 2020. № 8 (73). URL: <https://7universum.com/ru/economy/archive/item/10592> (дата обращения: 06.10.2022).

<sup>53</sup> Кадырова З.А., Мусаева Р.А. Анализ стратегии маркетинга и продвижения туристического продукта Турции // Universum: экономика и юриспруденция : электрон. научн. журн. 2020. № 8 (73). URL: <https://7universum.com/ru/economy/archive/item/10592> (дата обращения: 06.10.2022).



талабларини тўлиқ таъминлаш нуқтаи назаридан, туристик маҳсулотни илгари суриш учун истиқболли турлар аниқланади. Бу йўналишда асосан тадқиқотлар ва таҳлиллар демографик, ижтимоий-иқтисодий ва психологик хусусиятларни (*турмуш тарзи, қарашлар, фикр-мулоҳазалар, ниятлар, мотивлар, хулқ-атвор*) ўз ичига олувчи салоҳиятли мижозлар бўйича дастлабки маълумотларни тўплашга қаратилган. Тадқиқот натижалари туризм хизматларини бозорларга ҳаракатлантириш учун энг самарали усул ва воситаларни яратиш, реклама воситаларини танлаш, хабарларнинг мазмуни ва бошқаларни яратиш жараёнига кўпроқ объектив ёндошиш имконини беради.

3. *Туристтик маҳсулотни таҳлили ва унинг рақобатбардошлигини баҳолаш.* Мазкур босқичда асосий эътибор бозорга тақдим қилинаётган турмаҳсулотнинг рақобатбардошлиги, истеъмол хусусиятларини баҳолашга қаратилади. Таҳлил натижалари бизга туристик маҳсулотнинг истеъмолчилар эътиборини жалб қилиш имкон берадиган ўзига хос хусусиятларини аниқлашга, шунингдек, унинг яхшиланиши ва кўрсатилаётган хизматлар сифатини яхшилаш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқишга имкон беради.

4. *Сотув тармоғи иштирокчилари* туристик маҳсулотлар сотувини амалга оширишга бевосита ёки билвосита таъсир кўрсатадиган шахслар, давлат органлари, жамоат ташкилотлари билан алоқларни ўрнатиш ва таҳлил қилиш алоҳида аҳамият касб этади. Таҳлил натижалари туристик маҳсулотларни биргаликда сотишни ташкил этиш орқали турли хил тарғибот ва ташвиқот реклама тадбирларини амалга оширишни назарда тутади. Натижада синергетик самара. ҳудуднинг туризм жозибадорлиги ошади ҳамда молиявий ресурсларни жалб қилиш имкониятлари кенгаяди, амалга оширилаётган реклама тизимини қамраб олиш ва кучини ошириш имконини беради.

5. *Истеъмолчиларнинг ва бошқа манфаатдор томонларнинг муайян эътиборига эришишни таъминлайдиган ҳаракатлантириш мақсадини белгилаш.* Мақсадлар аниқ шакллантирилиши, етарлича тўлиқ бўлиши, уларни ўлчаш ва уларнинг эришиш даражасини баҳолаш имконияти бўлиши

керак. Мақсадларнинг характери танлов турини, усулларини, реклама каналларини ва бошқаларни танлашни белгилайди.

6. *Ривожланиш усуллари, воситалари ва каналларини яратиш.* Қабул қилинган қарорлар туристик маҳсулот турини, мақсадли бозор хусусиятларини, воситачилар, етказиб берувчилар ва бошқа манфаатдор томонларни қўллаб-қувватлаш каби омилларга таъсир қилади. Реклама тарғиботи усулини танлашда реклама мурожаатлари ишлаб чиқилади. Реклама усулларидан фойдаланилмаганда, туристик маҳсулотни харакатлантиришнинг бошқа бир дастакларини танлаш орқали амалга оширилади.

7. *Тақдимот режасини ишлаб чиқиш.* Туристтик маҳсулотларни реклама қилиш дастури доирасида амалга оширилаётган аниқ тадбирларни ишлаб чиқиш, масъул шахсларни ва ижрочиларни белгилаш, тадбирларни ўтказиш, тарғиб қилиш муддатини ва интенсивлигини таъминлаш тушунилади.

8. *Тараққиёт бюджетининг шаклланиши.* Умумий бюджет тарғиб қилиш усуллари, бозор сегментлари, туризм хизматларининг турлари, сотилиш муддатлари билан тақсимланади.

9. *Ривожланиш дастурини амалга ошириш.* Ушбу босқичда эришилган натижалар мониторинг қилинади, аниқланган четланишлар, компания ташқи ва ички муҳитидаги ўзгаришлар ҳисобга олинади.

10. *Туристтик маҳсулотларини реклама қилиш дастурининг самарадорлигини баҳолаш.* Туристтик маҳсулотни сотиш ҳажмининг ўзгариши натижасида алоқалар самараси ва иқтисодий самарадорлиги баҳоланади.

## **I боб бўйича хулосалар**

Бугунги кунда ДХШ туризмни барқарор ривожлантириш воситаларидан бўлиб, айнан шу механизм орқали соҳанинг мутаносиб ва барқарор ривожланишга ўтиши дунё иқтисодиётида кечаётган долзарб тенденцияларидан биридир.

Ҳар қандай минтақани барқарор туристик, ижтимоий-иқтисодий ва экологик ривожлантириш масалалари бўйича давлат ва хусусий секторниг

муштарак манфаатларининг мавжудлиги айнан замонавий шароитларда ДХШ механизмининг соҳада қўллаш аҳамиятини белгилаб беради.

Туризм соҳасида ДХШни амалга оширишда мавжуд муаммолар куйидагилардан иборат.

Биринчидан, ДХШ механизми бўйича қонунчиликни такомиллаштириш лозимлиги.

Иккинчидан, ДХШ тизимининг самарали фаолият кўрсатиши учун бугунги кунда давлат хизматчилари малакасини оширишни таъминлаш зарур.

Учинчидан, бозор қатнашчилари учун ДХШ механизмлари очиқлиги шаффоф конкурсли механизмлари таъминланиши зарур.

Тўртинчидан, давлат ташкилотлари билан кичик ва ўрта тижорат ташкилотлари ўртасидаги шартнома муносабатлари жараёни институционал таъминотининг сустиги.

Аммо, ДХШ механизмидан фойдаланиш, биринчи навбатда, хусусий молиялаштиришнинг анъанавий шаклларига жалб қилмайдиган ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларни қисқа муддатларда амалга ошириш; хусусий бизнес иштирокида лойиҳалар самарадорлигини ошириш; хусусий маблағларни жалб қилиш ва харажатларнинг бир қисмини фойдаланувчиларга ўтказиш (хизматлар кўрсатишни тижоратлаштириш) орқали бюджетга тўғри келадиган юкни камайтириш; энг яхши бошқарув ходимларини, асбоб-ускуналарни ва технологияларни жалб қилиш, охириги фойдаланувчиларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш имкониятини беради.

Туристтик бизнесда ДХШ тамойилларини қўллашнинг аҳамияти шундаки, тадбиркорлик фаолиятининг асосий омиллари саналган мулк, инфратузилма, рекреация объектлари асосан хусусий секторда бўлса, туристик йўналишларнинг жозибадорлигини белгилайдиган тарихий ва маданий мерос объектларига давлат эгалик қилади. Айнан туризм соҳасида иқтисодиётнинг тижорат ва нотижорат соҳалари манфаатлари ўзаро боғлиқ бўлади.

Давлат томонидан хусусий тартибга солишни глобал миқёсда иккита асосий умумлаштирилган йўналиш бўйича амалга ошириш таклиф қилинади.

Биринчи йўналиш бозор ва ўзини ўзи бошқаришнинг кўплаб муҳим маҳсулот турлари учун талаб-таклиф тизимидаги мавжуд муносабатларнинг ўз-ўзидан пайдо бўлишини ҳисобга олган ҳолда режалар ва давлат дастурларини тузиш йўли билан тартибга солиниши билан боғлиқ.

Иккинчи йўналиш ижтимоий дастурларнинг амалга оширилишини ва бозор иқтисодиётининг ижтимоий йўналишини таъминлайди. Ҳукуматнинг тегишли аралашувисиз бозорнинг ўз-ўзини тартибга солиши монополиялар ошишига, даромадлари бўйича аҳолининг табақалашуви кучайишига, ижтимоий соҳаларни (*фан, маданият, санъат, соғлиқни сақлаш, таълим ва бошқалар*) қисқаришига олиб келиши мумкин.

## **II БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ТУРИЗМ СИЁСАТИНИ ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИГИ АСОСИДА ТАРТИБГА СОЛИШ ТИЗИМИНИ БОШҚАРИШ ҲОЛАТИНИНГ ТАҲЛИЛИ**

### **§2.1. Давлат-хусусий шериклигини ривожлантиришнинг хорижий тажрибалари**

Хорижий ривожланган мамлакатларда давлат-хусусий шерикчилиги – (ДХШ) ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, хусусий тадбиркорликни янада ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлган, амалиётда кенг қўлланилиб келинаётган механизмлардан саналади. Мамлакатимизда ДХШиги асосида иқтисодий ўсишни рағбатлантириш, давлат хизматлари сифатини ҳамда тадбиркорлик муҳитини яхшилаш, хусусий секторнинг молиявий маблағ билан таъминлаш масалаларини ҳал қилишда кенг қўлланилмоқда.

Мазкур йўналишда амалга оширилган тадқиқотлар натижаларига кўра ДХШ фойдаланилмаган заҳираларини сафарбар қилиш ва ресурс базасини кенгайтириш, давлат ва жамоатчилик мулкани бошқариш самарадорлигини оширишнинг асосий механизмларидан бири эканлиги ўз тасдиғини топди. Бу каби ҳамкорлик янги ҳодиса бўлиб, у давлат ва бизнеснинг ўзаро таъсирини кенгайтириш жараёнларини акс эттиришга хизмат қилади.

Жаҳонда глобаллашув ва рақобатнинг кескинлашуви шароитда давлат мулкани бошқаришга хусусий капитал жалб этиш давлат идоралари ва бизнеснинг молиявий муносабатларини фаоллаштиришга имконият яратмоқда<sup>54</sup>. Натижада давлат секторига қўшимча ресурсларни жалб этиш, бюджет тақчиллигини бартараф этиш, давлат бошқаруви салоҳияти ва хўжалик юретишдаги хусусий тамойиллар, инвестициялар, менежмент, инновацияларни бирлаштириш имконияти яратилди.

Маълумки, глобаллашув ва кескин рақобатчилик шароитида ижтимоий лойиҳаларнинг капитал сифими юқори ва аксарият ҳолларда норентабел бўлганлиги туфайли, улар бюджет маблағлари эвазига молиялаштирилади ва

---

<sup>54</sup> Азарян А.А. Развитие ГЧП в сфере услуг. <https://www.elibrary.ru/item.asp?id=44268339>

натижада бу давлатнинг молиявий мажбуриятларини ошишига сабаб бўлади. Бу каби муаммоларни ечими сифатида ДХШ асосида корпоратив ва хусусий бизнеснинг маблағларини жалб этиш мақсадга мувофиқдир. Хулоса қиладиган бўлсак, ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларни молиялаштиришда давлат ва хусусий капиталнинг ўзаро нисбат ва муносабатлари бўйича илғор давлатларнинг тажрибаларини чуқур тадқиқ қилган ҳолда мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятидан келиб чиқиб бизга хос ва мос самарали тизимларни ишлаб чиқиш талаб этилади.

Чунки ДХШ асосида молиялаштиришни самарали ташкил этиш, маблағлардан унумли фойдаланиш, вужудга келиши мумкин бўлган таваккалчиликларни мақбул тақсимлаш, муҳим ижтимоий-иқтисодий муаммоларни тезкор ва ижобий ҳал этишни таъминлайди<sup>55</sup>.

ДХШ механизмининг амал қилиш жараёнида юзага келувчи муаммолар, ДХШ шартномаси объектлари бўлган мулкларни самарали бошқариш, молия-кредит механизми ва манбалари, молиялаш жараёни ва шакли, лойиҳа амалга оширилишидаги юзага келувчи хатарлар ҳамда эришиладиган натижалар, уларни баҳолаш мезонларини, давлат ихтиёрига ўтказишдаги мавжуд муаммоларни илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ этиш лозим.

Хорижий тажрибаларни ўрганиш жараёнида аниқланишича ДХШ турли халқаро молия ташкилотлари, хорижий ва миллий иқтисодчи олимлар илмий тадқиқотларида турли талқинларда намоён бўлади. Жумладан, Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (ИХРТ<sup>56</sup>) ДХШга давлат ва хусусий шерикларнинг келишуви сифатида қараб, бу давлатнинг хизматларни тақдим қилиш ва хусусий инвесторнинг фойда олишга имкон яратувчи ҳамда рискни тўғри тақсимланишини таъминловчи механизм сифатида талқин қилади<sup>57</sup>.

---

<sup>55</sup> Толстоброва Н.А., Кожемякин Л.В. Исследование форм и условий развития государственно-частного партнерства в отечественной практик <https://cyberleninka.ru/article/n/issledovanie-form-i-usloviy-razvitiya-gosudarstvenno-chastnogo-partnerstva-v-otechestvennoy-praktike>

<sup>56</sup> Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (ингл. OECD- Organisation for Economic Co-operation and Development) - ривожланган мамлакатларнинг эркин бозор муносабатлари ва вакиллик демократияси тамойилларини тан олувчи халқаро иқтисодий ташкилоти бўлиб, 1948 йилда Маршалл режаси асосида Европани иқтисодий қайта қуриш лойиҳаларини мувофиқлаштириш учун тузилган ҳамда тузилган. Бугунги кунда ташкилотга 34 та давлат аъзо бўлиб, улар зиммасига тахминан дунё ЯИМнинг 60 фоизи тўғри келади

<sup>57</sup> Dedicated Public-Private Partnership Units: A Survey of Institutional and Governance Structures, OECD, 2010.

М.Б.Жерард ДХШ ижтимоий хизматлар ёки давлат сектори активларини бошқаришни яхшилаш учун хусусий капитлани ва баъзан давлат капиталини уйғунлаштиришни англатади деб таъкидлайди<sup>58</sup>. Бу давлат хизматлари натижаларига эътибор қаратиш асосида таваккалчиликни бошқаришда анъанавий равишда давлат сектори томонидан амалга ошириладиган харидларга нисбатан анча мураккаб ва тежамкор ёндашувни таклиф қилишади.

Халқаро Валюта жамғармаси томонидан берилган таърифда эса «ДХШ – анъанавий тарзда давлат томонидан таъминланадиган инфратузилма активлари ва хизматларини хусусий сектор томонидан тақдим этишга қаратилган келишувдир<sup>59</sup>» деб таърифланади.

Илмий адабиётлар ва изланишларда ДХШни турлича талқин қилиниши унинг аниқ бир таърифи мавжуд эмаслигига сабаб бўлмоқда. Аммо, кенг маънода ДХШни давлат ва хусусий секторнинг ўрта ва узоқ муддатли келишуви сифатида қараш мумкин, унга кўра, ижтимоий соҳага тегишли ва давлат томонидан таъминланадиган баъзи хизматларни айнан аниқ инфратузилмаси ёки хизматлари билан хусусий сектор томонидан таъминланишга имконият яратилади<sup>60</sup>.

Шунингдек, «ДХШнинг умумқабул қилинган таърифи мавжуд эмас. Умумий қилиб айтганда, ушбу тушунча давлат ҳокимияти билан бизнес ўртасидаги молиялаштиришни таъминлаш, қурилиш, модернизациялаш, бошқариш ёки инфратузилмани сақлаб туриш ёки хизматларни тақдим қилиш бўйича ўзаро кооперацияга тегишли<sup>61</sup>» деб қаралади.

Европа Иттифоқи томонидан қабул қилинган қонунга кўра қуйидаги элементлар ДХШни тавсифлайди<sup>62</sup>:

- ДХШ лойиҳасини амалга ошириш бўйича давлат ва хусусий шерик ўртасидаги ҳамкорликнинг нисбатан узоқ давомийлиги;

<sup>58</sup> Gerrard M.B. What Are Public-Private Partnerships, and How Do They Differ from Privatizations? //Finance & Development. 2001. Vol.38.

<sup>59</sup> Public-Private Partnerships. International Monetary Fund, 2004.

<sup>60</sup> <http://ppp.worldbank.org/public-privatepartnership/overview/whatare-public-private-partnerships>

<sup>61</sup> Green Paper on Public-Private Partnerships and Community Law on Public Contracts and Concessions. Brussels. 30.04.2004. P.3.

<sup>62</sup> Green Paper on Public-Private Partnerships and Community Law on Public Contracts and Concessions. Brussels. 30.04.2004. P.3.

- ҳамкорликни амалга оширувчи турли субъектлар ўртасидаги ўзаро битимларга кўра лойиҳанинг бир қисмини хусусий сектор томонидан молиялаштириш усули. Шундай бўлишига қарамасдан давлат маблағлари баъзи ҳолларда анча катта миқдорга эга бўлади;

- лойиҳанинг турли босқичларида (*лойиҳалаш, яқунлаш, амалга ошириш, молиялаштириш*) иштирок этадиган иқтисодий субъектларнинг муҳим роли. Ижтимоий шерик, биринчи навбатда жамоат манфаатлари, кўрсатилаётган хизматларнинг сифати ва нарх сиёсати нуқтаи назаридан эришиладиган мақсадларни аниқлашга эътиборни қаратади ва ушбу мақсадларга мувофиқлигини назорат қилади;

- давлат зиммасига юкланган таваккалчиликни ДХШ ўртасида тақсимлаш. Бироқ, ДХШ шарти хусусий шерик барча таваккалчиликни, ҳатто лойиҳа билан боғлиқ бўлган таваккалчиликнинг асосий қисмини ўз зиммасига олишини аниқлашмайди. Таваккалчиликни аниқ тақсимлаш, тегишли томонларнинг ушбу хавфни бошлаш, бошқариш ва унга қарши курашиш қобилиятига мувофиқ ҳолда аниқланади.

Бундан ташқари, ЕИнинг минтақавий сиёсат бўйича комиссияси «ДХШни анъанавий тарзда давлат сектори томонидан амалга оширилиб келинган ва молиялаштирилган инвестиция лойиҳаларининг хусусий секторга берилишидир» деб таърифлайди<sup>63</sup>.

БМТ талқинига кўра ДХШ – давлат сектори томонидан ишлаб чиқариладиган ва таклиф қилинадиган хизматларни молиялаштиришни, режалаштиришни, амалга ошириш ва объектларни ишлатишни узоқ муддатга хусусий секторга тақдим қилинишини таъминлаш (баъзан 30 йилгача), таваккалчиликни хусусий инвесторга ўтказиш, давлат ва маҳаллий тузилмалар билан ҳуқуқий шахсларнинг кўп қиррали узоқ муддатли шартнома шакллари амалга оширилиши билан фарқланиши келтирилди<sup>64</sup>.

<sup>63</sup> [http://ec.europa.eu/regional\\_policy/sources/docgener/guides/ppp\\_en.pdf](http://ec.europa.eu/regional_policy/sources/docgener/guides/ppp_en.pdf)

<sup>64</sup> Практическое руководство по вопросам эффективного управления в сфере ГЧП/ Организация Объединенных Наций - Нью-Йорк и Женева, 2008. ISBN: 978-92-1-4160403



Бундан ташқари, илмий ва иқтисодий адабиётларда ДХШнинг давлатнинг ижтимоий объектларга нисбатан айрим бошқарув ваколатларини назарда тутувчи<sup>65</sup>, анъанавий давлат хизматларини бажариш учун хусусий секторни жалб қилувчи<sup>66</sup>, миллий ва халқаро, кенг миқёсли ва маҳаллий, аммо ҳар доим ўта муҳим ва давлат учун ижтимоий аҳамияти юқори лойиҳаларни амалга ошириш бўйича давлат ва бизнес иттифоқи<sup>67</sup>, концессия ва операцион лизингга асосланган, транспорт, кўприк, туннел, касалхона, мактаб ва бошқа ижтимоий инфратузилмалар учун тузиладиган ҳамкорлик<sup>68</sup>, у ёки бу корхонани ташкил қилишдаги таваккалчилик ва нафларни тақсимлаш бўйича ўзаро муносабатлар<sup>69</sup>, давлат ташкилот ва хусусий компания ўртасида таваккалчилик ва даромад, масъулият ва мажбуриятларни тақсимлаш бўйича келишув<sup>70</sup>, давлат манфаатлари йўлида стратегик натижаларга эришиш учун амалга ошириладиган ўрта ва узоқ муддатли давлат-хусусий сектор муносабатлари<sup>71</sup>, ДХШ предмети давлат ва муниципал мулкдан, ҳамда ҳокимият органлари, бюджет сектори томонидан кўрсатиладиган хизматлардан ташкил топувчи давлатнинг хусусий сектор билан кенг иқтисодий фаолият турлари бўйича муносабатлари<sup>72</sup>, хусусийлаштириш мумкин бўлмаган – кўприк, автомобиль магистрал йўллари, труба қувурлари, аэродром, портлари каби стратегик объектларини давлат мулкида қолдириб, хусусий секторга узоқ муддатли

---

<sup>65</sup> Maskin, E., Tirole, J., Public-private partnerships and government spending limits. // International Journal of Industrial Organization 26 (2008) p.412–420.

<sup>66</sup> Yongjian, K., Xinping, L., Shouqing, W., Equitable Financial Evaluation Method for Public-Private Partnership Projects //Tsinghua Science and Technology, Volume 13, №5, Oct. 2008, pp. 702-707.

<sup>67</sup> История развития ГЧП// АО «Фонд устойчивого развития «Казына». – Казахстан, Астана, 2008. – <http://www.kazyna.kz>; Счетная палата Российской Федерации. Аналитическая записка по результатам экспертно-аналитического мероприятия «Анализ эффективности реализации крупномасштабных проектов и программ в субъектах Российской Федерации на условиях государственно-частного партнерства.

<sup>68</sup> Акитоби Б., Хемминг Р., Шварц Г. Государственные инвестиции и государственно-частные партнерства// Вопросы экономики. 2007. №40.

<sup>69</sup> Снелсон П. Государственно-частные партнерства в странах с переходной экономикой// Право на этапе перехода, № 6956, 2007.

<sup>70</sup> Policy, finance & management for public-private partnerships /ed. by Akintola Akintoye & Matthias Beck, Blackwell Publishing Ltd, 2009., p.124.; Государственно-частное партнерство: проблемы и перспективы. Пресс- релиз/ ИА «ЛИГАБизнесИнформ». – Украина, Киев. 6 июня 2008 г.

<sup>71</sup> Использование концессии как формы государственно-частного партнерства для реализации крупных предпринимательских проектов в автомобильной отрасли РФ. Отчет по научно-исследовательской работе/НОУ «Московская международная высшая школа бизнеса «МИРБИС». – М.: ИРБИС, 2007.

<sup>72</sup> Государственно-частное партнерство: теория и практика/ В. Г. Варнавский, А. В. Клименко, В. А. Королев и др.// Гос. ун-т – Высшая школа экономики. – М.: Изд. дом ГУ-ВШЭ, 2010. – 287 с.

ижарага бериш билан боғлиқ муносабатлар<sup>73</sup>, минтақа учун умумиктисодий манфаатларга эришиш ва долзарб вазифаларин ечишга қаратилган муҳим муносабатлар<sup>74</sup>, давлатнинг бизнесга ҳукм ўтказиб, иқтисодиётга чуқур аралашувини эмас, балки у билан ҳамкорликда, лойиҳалар бўйича маслаҳатда ишлашини кўзда тутувчи<sup>75</sup>, давлатнинг иқтисодий сиёсатининг умумий мақсадларига эришиш бўйича муносабатлар<sup>76</sup> каби минглаган талқинларини учратишимиз мумкин.

Бугунги кунда ДХШ механизмдан фойдаланиш ва уни қўллашни ривожланишининг уч босқичи фарқланади. Яъни биринчи босқичда ДХШдан фойдаланиш бўйича қарор қабул қилиш ҳамда ҳуқуқий асосларини шакллантириш масалалари, лойиҳалар портфелини шакллантириш тажрибалардан фойдаланиш, бозорни шакллантириш масалаларига эътибор қаратилади. Иккинчи босқичда эса қонунчиликдаги ислоҳотларни давом эттириш, ДХШ муаммоларини ўрганиш асосида янги моделларини шакллантириш ҳамда ДХШ бозорини ривожлантириш, молиялаштиришнинг янги манбаларини излаб топиш масалалари қараб чиқилади. Учинчи босқичда яхлит тизимни шакллантириш, ҳуқуқий тўсиқларни тўлиқ бартараф этиш, кафолатланган лойиҳалар портфелини шакллантириш, молиялаштириш манбаларининг барча йўналишларидан фойдаланиш каби қатор масалаларга эътибор қаратилади (2.1.1-жадвалга қаранг).

Натижада келтирилган учала босқичда келтирилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда мамлакатда ДХШ механизмни шакллантиришнинг мавжуд ҳолатига баҳо бериш имконияти мавжуд бўлади, бу эса истиқболда ривожланишнинг устувор йўналишларини белгилаб олишга хизмат қилади.

---

<sup>73</sup> Соснова С. Новые возможности для развития города и бизнеса: государственно-частное партнерство // Строительство и городское хозяйство в Санкт-Петербурге и Ленинградской области. №95, 2007.

<sup>74</sup> Михеев В.А. Государственно-частное партнерство в реализации приоритетных национальных проектов / Институт развития гражданского общества и местного самоуправления. 7 июля 2007 г.

<sup>75</sup> Ясин, Е. В складчину с государством // Российская газета. 17 ноября 2004 г.

<sup>76</sup> Якунин, В.И. Партнерство в механизме государственного управления. Социологические исследования. – М.: Институт социологии РАН, 2007. – №2.

ДХШ ривожланишининг уч босқичи<sup>77</sup>

Биринчи босқич	Иккинчи босқич	Учинчи босқич
<ul style="list-style-type: none"> <li>➤ Сиёсий қарорларни қабул қилиш</li> <li>➤ Амалдаги қонунларга мувофиқлигини текшириш</li> <li>➤ Лойиҳалар портфелини шакллантириш</li> <li>➤ Асосий тушунчаларни ишлаб чиқиш</li> <li>➤ Олдинги тажрибани бошқа тармоқларда қўллаш</li> <li>➤ бозорни шакллантиришнинг бошланиши</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>➤ қонунчилик ислоҳотини ўтказиш</li> <li>➤ стратегик ва амалий қўлланмаларни нашр этиш билан шуғулланадиган ихтисослаштирилган тузилмаларни яратиш</li> <li>➤ ДХШ муаммолари</li> <li>➤ ДХШ моделларини такомиллаштириш</li> <li>➤ ДХШ бозорини ривожлантиришни рағбатлантириш</li> <li>➤ Лойиҳа портфелини кенгайтириш ва бошқа тармоқларни қамраб олиш</li> <li>➤ молиялаштиришнинг янги манбаларини жалб қилиш</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>➤ тўлиқ, яхлит тизимни яратиш</li> <li>➤ ҳуқуқий тўсиқларни бартараф этиш</li> <li>➤ ДХШ моделларини такомиллаштириш ва такрорлаш</li> <li>➤ Хатарларни ҳар томонлама тақсимлаш</li> <li>➤ Кафолатланган лойиҳалар портфелини шакллантириш</li> <li>➤ Узоқ муддатли сиёсий консенсусни яратиш</li> <li>➤ молиялаштириш манбаларининг барча арсеналидан фойдаланиш</li> <li>➤ Пенсия ва хусусий улуш фондларини қамраб оладиган инфратузилма объектлари учун инвестиция бозорини яратиш</li> <li>➤ Давлат ва муниципал муассасаларнинг яхши ўқитилган ходимлари томонидан ДХШ тажрибасидан фойдаланиш.</li> </ul>

Худудлардаги туристик аҳамиятдаги кичик объектларни аниқлаш, уларнинг туристик жозибadorлигини ошириш ҳамда йўналиши жиҳатидан энг яқин жойлашган йирик туристик манзил ёки обидаларнинг саёҳат-ташрифий дастурига қўшиб бориш орқали худуд туристик салоҳиятини оширишга эришиш мумкин.

<sup>77</sup> Муаллиф ишланмаси.

ДХШни ривожлантириш амалиёти бир қатор халқаро ва миллий ташкилотлар томонидан, жумладан, Жаҳон банки, БМТ, ИРХТ, ЕИ доирасида мувофиқлаштирилиб тартибга солиб турилади<sup>78</sup>.

Халқаро ривожланиш бўйича АҚШ агентлигининг дастурларини (USAID) амалга ошириш доирасида ҳам 2001 йилда Ривожланиш бўйича Глобал Альянс ташкил этилди (ингл. The Global Development Alliance, GDA). GDA модели ривожланаётган мамлакатларга ДХШ механизми орқали ёрдам беришнинг самарали усули сифатида қўлланилди<sup>79</sup>.

GDA моделининг моҳияти АҚШ ҳукумати тажрибалари ва техник билимларини қўллаган ҳолда давлат ва хусусий корпорациялар, жамғармаларнинг молиявий маблағларини жалб қилишдан иборат эди. GDA моделининг мақсади – ривожланаётган мамлакатларда иқтисодий ўсишни, тадбиркорликни ривожлантиришни, соғлиқни сақлашни, экологик муаммоларни ҳал қилишни, аҳолининг таълим ва технологияларга эгалик қилишини рағбатлантиришдан иборат<sup>80</sup>.

2013 йилда GDA модели доирасида USAID хусусий сектор билан 200 дан ортиқ шерикчилик битимларини имзолади. Хусусан, ўтган йиллар давомида GDA модели ёрдамида АҚШда 3,5 мингдан ортиқ турли шерикчилик ташкилотлари томонидан 1,5 мингдан ДХШ келишувлари имзоланди ва уларнинг умумий қиймати 20 млрд. АҚШ долларидан кўпроқ давлат ва хусусий жамғармаларига тенг бўлди. Ушбу портфель USAID нинг ҳар бир долларига шерикчилик бадаллари орқали қўшимча 3 доллар маблағлар жалб қилишга имкон берди<sup>81</sup>.

ДХШ муносабатлари турли давлатларда ҳар хил шаклларда амалга оширилади. Хусусан, ДХШ АҚШда транспорт қатновларини

---

<sup>78</sup> Всемирный банк, секция ГЧП. URL: <http://www.worldbank.org/en/topic/publicprivatepartnerships>; Программа развития Организации Объединенных Наций (ПРООН). URL: <http://www.un.org/ru/ga/undp/>; Материалы рабочей группы организации экономического сотрудничества и развития (ОЭСР) по ГЧП «Network of Senior Public-Private Partnership Officials». URL: <http://www.oecd.org/gov/budgeting/ppp.htm>; Исследования ГЧП Европейского Союза (ЕС) «Research in Public Private Partnerships». URL: [http://ec.europa.eu/research/industrial\\_technologies/research-ppp\\_en.html](http://ec.europa.eu/research/industrial_technologies/research-ppp_en.html).

<sup>79</sup> Принцип «Buy American» подразумевает реализацию ГЧП лишь подрядчиками США. Источник: Тюрин С. ГЧП в Америке// ТПП-Информ, 25 апреля 2013 г. URL: <http://www.tpp-inform.ru/global/3404.html>

<sup>80</sup> Ўша жойда қаранг

<sup>81</sup> Қаранг ўша жойда:

такомиллаштириш, инфратузилмани модернизациялаш, маиший-техник чиқиндиларни утилизациялаш, сув ресурсларидан фойдаланиш соҳасида «Ву American» тамойили асосида<sup>82</sup>, БРИКС мамлакатларида ДХШ концессия битимлари сифатида, хусусан, ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалик, коммунал-маиший инфратузилма, хом ашё конларини ўзлаштириш соҳасида<sup>83</sup>, ХХРда ДХШнинг бошланғич босқичлари 1980-1990 йилларда бошланган бўлиб, асосан лойиҳаларни бошқариш механизмларини шакллан-тиришда давлат иштирокининг юқори даражаси билан ажралиб туради<sup>84</sup>.

Шунингдек, ХХРда оммавий равишда BOT (Build–Operate–Transfer,–ингл. «қурилиш-фойдаланиш-топшириш») лойиҳаларининг амалга оширилиши хорижий инвестициялар жалб қилинишининг фаоллашувига, инфратузилмани яхшилашга, ҳукуматнинг молиявий юқини енгиллашувига олиб келди. Ўтган асрнинг 90-йиллари бошларида ДХШни ҳам BOT лойиҳаларининг ҳам ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бошланди<sup>85</sup>.

Ҳиндистонда ДХШ ёрдамида 2012 йилда ҳукумат катта ҳажмдаги дон маҳсулотларини сақлашда қувватлар етишмаслиги каби кескин муаммони концессия келишуви орқали ечиш механизмини синаб кўрди. Ҳиндистон дунёда юқори даромадли тиббий туризм бозори билан ҳам ажралиб туради ва шунинг учун ҳам Ҳиндистон туризм вазирлиги ДХШ салоҳиятидан давлат учун анъанавий бўлган соғломлаштириш тизимлари учун фойдаланишга интилади (масалан, Аюрведа, Сиддха, йога). Шунинг учун ҳам, Ҳиндистон ҳукумати томонидан ДХШ асосида тиббиётни давлат секторини хусусий сектор томонидан қўллаб-қувватлаш орқали соғлиқни сақлаш инфратузилмасини такомиллаштириш асосида юқори сифатли тиббий хизматлар тақдим этишга бўйича янги моделни қабул қилган<sup>86</sup>.

---

<sup>82</sup> Қаранг ўша жойда:

<sup>83</sup> Балиев А. «Выгода делится на пять»// «Российская Бизнес-газета» - Государст-венно-частное партнерство № 958 (29) от 29 июля 2014 г. URL: <http://www.rg.ru/2014/07/29/opit.html>

<sup>84</sup> Садыхов А.П. Информационно-аналитическая справка об опыте ГЧП в Китайской Народной Республике. 2010. URL: [http://www.pppinrussia.ru/main/publications/foreign/inostrannie\\_modeli\\_gchp/country/kitai](http://www.pppinrussia.ru/main/publications/foreign/inostrannie_modeli_gchp/country/kitai)

<sup>85</sup> Қаранг ўша жойда.

<sup>86</sup> Индия испытывает бум в отношении медицинского туризма// новости Информацион-ного ресурса «Государственно-частное партнерство в России» 8 июля 2011 г. URL: <http://www.pppinrussia.ru/main/novosti/news/closeup/1667>

Европа мамлакатларида ДХШни қўллаш тажрибаси асосан лойиҳаларни молиялаштириш механизмларидан фойдаланиш ва ривожлантириш биан боғлиқ. Масалан, Стандарт & Пооръс баҳолашига ва Европани ривожлантиришнинг турли режаларига кўра, 2020 йилгача бўлган муддатда Европада инфратузилмага 1,5-2 трилион евро миқдорида инвестицияларни жалб қилиш талаб қилинади ва бу эса ўз навбатида учинчи томон сифатида кредит ташкилотларини шерикчилик асосида қўшишни талаб қилади<sup>87</sup>.

ЕИ мамлакатларида ушбу йўналишда Европа инвестиция банки (ЕИБ) муҳим роль ўйнайди ва кўпинча ДХШ лойиҳаларини молиялаштиришда етакчи кредит ташкилоти сифатида майдонга чиқади. ЕИБ томонидан инқирозгача темир йўл транспорти соҳасида бир қатор лойиҳалар амалга оширилган эди. Хусусан, Оресунд тармоғи (Дания, Швеция), HSL Zuid юқори тезликли магистрали (Нидерландия), TONNEL RAIL LINK темир йўл туннели (Буюк Британия)<sup>88</sup>.

Бир сўз билан айтганда, ДХШ механизми ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга оширишда давлат ва хусусий сектор ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик сифатида ҳар хил шаклларда амалга оширилади.

АҚШнинг «Deloitte & Touche LTD» консалтинг хизматлари маркази томонидан ДХШнинг ривожланишининг 2.1.1-расмда келтирилган уч босқичдан ўтиш имконияти ривожланиш ҳамда фаолият даражалари асосида мамлакатлар кесимида тадқиқ қилиб ўтилган.

Биринчи босқичда бўлган Жанубий Африка, Бразилия, Финландия, Мексикада бошқаларга қараганда фаолият даражаси анча кенг эканлигини кўриш мумкин.


Иккинчи босқичда бўлган АҚШ, Канада, Германия, Испания, Франция, Японияда фаолият даражаси юқори эканлиги аниқланган.

---

<sup>87</sup> Emerging Trends in Infrastructure. URL: <https://www.spratings.com/corporates/projectfinance/Emerging-Trends-in-Infrastructure.html>

<sup>88</sup> Кузьмин В.А. Государственно-частное партнерство: опыт реализации механизма в Германии и возможности его использования в России // Портал о ГЧП в России. URL: [http://www.pppinrussia.ru/userfiles/upload/files/PPP%20in%20foring%20country/Kuzmin\\_PPP\\_Germany.pdf](http://www.pppinrussia.ru/userfiles/upload/files/PPP%20in%20foring%20country/Kuzmin_PPP_Germany.pdf)

Учинчи босқичда Буюк Британия, Австралия ва Ирландия давлатлари келтирилган бўлиб, бу ерда айнан Буюк Британияда ривожланиш даражаси ҳам фаолият даражаси ҳам етарли даражада катта эканлигини кўриш мумкин.



2.1.1-расм. ДХШ бозорининг «етуклик эгри чизиғи»<sup>89</sup>

Бироқ шундай бўлишига қарамасдан ДХШ бозорининг «етуклик эгри чизиғи»нинг чап томонидан жойлашганлиги унинг фаолият даражаси мажуд имкониятидан тўлиқ фойдаланилмаётганлигини кўрсатади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда мамлакатимизда ДХШдан фойдаланиш йўналишларига қисқача тўхталиб ўтмоқчимиз. Ҳозирда Ўзбекистонда ДХШнинг замонавий ва истиқболли воситалари қаторига инвестиция фондлари, Ўзбекистон тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, давлат

<sup>89</sup> Deloitte and Touche USA LLP ([https://unece.org/DAM/ceci/publications/ppp\\_r.pdf](https://unece.org/DAM/ceci/publications/ppp_r.pdf))

улуши бўлган акционерлик жамиятлари ва бошқа давлат корпорациялари ҳамда компанияларини киритиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги ДХШ соҳасидаги ваколатли давлат органи бўлиб, ДХШ соҳасида давлат сиёсатини амалга оширади, давлат дастурларини ишлаб чиқади, амалга оширади, ДХШ лойиҳаларининг концепцияларини ишлаб чиқишда вазирликларга, давлат қўмиталарига, идораларга, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига кўмаклашади, инвесторлар, халқаро молия ва донорлик ташкилотлари, илмий ва эксперт ҳамжамиятлари, шунингдек ДХШнинг бошқа иштирокчилари билан ҳамкорликни ташкил этади, ДХШ услубий ҳужжатларни, қўлланмалар ва йўриқномаларни тайёрлайди<sup>90</sup>.

Мамлакатда ДХШ механизмини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашни яна бир муҳим воситаларидан бири - Ўзбекистон Республикасининг инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги бўлиб<sup>91</sup> иқтисодий учун стратегик аҳамиятга эга ва узоқ муддатли амалга ошириш муддатлари билан фарқланувчи лойиҳаларни амалга оширишда хусусий бизнесга ҳар томонлама имкониятлар яратади.

Сўнгги йилларда ДХШ ривожланаётган давлатларда янги тушунча эмас, балки бирламчи иқтисодий тушунчага айланди. Чунки, бу тушунча давлат идораларининг ташкилий ва бозор инфратузилмасига мустаҳкам кириб бормоқда. Жумладан, Ўзбекистонда ҳам ДХШ асосида ривожланаётган корпоратив бошқарув тузилмаларининг сони тобора ортиб, бу борадаги қонунчилик ҳам босқичма-босқич такомиллаштирилиб борилмоқда.

---

<sup>90</sup> <https://lex.uz/docs/4329270>

<sup>91</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 мартдаги ПҚ-4135-сонли «Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Қарори\ lex.uz



## **§2.2. Туризм соҳаси ривожланишини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизми**

Жаҳонда COVID-19, COVID-21 пандемияларидан кейинги шароитда хизмат кўрсатиш соҳаларининг аҳамияти янада ортиб, хизматлар соҳасининг етакчи йўналиши бўлган туризмни турли хил дастаклар билан қўллаб-қувватлаш, мамлакатларда миллий туризм сиёсати ролини кучайтириш усуллари ишлаб чиқиш муҳим масалалар сифатида майдонга чиқди. Натижада, туризм соҳасидаги сиёсатни амалга оширувчи ҳамда бевосита хизмат кўрсатишда қатнашувчи амалиётчилар бугунги пандемия инқирози ҳамда келажақдаги пандемия инқирозларига қарши механизм ишлаб чиқишлари талаби қилинмоқда<sup>92</sup>. Бунинг учун улар COVID-19 инқирозининг моҳияти ва ҳақиқий даражаси тўғрисида эмпирик билимларга эга бўлишлари керак. Аммо, бугунги кунга қадар улар томонидан ишлаб чиқиладиган сценарийлар COVID-19 пандемияси инқирозини потенциал таъсирини сезиларли даражада камайтира олмади<sup>93</sup>.

Тадқиқотларда марказий банклар пандемия туфайли иқтисодий ҳолатни кескинлашувни тезлашаётганини, яъни бутун дунё бўйлаб облигациялар рентабеллигининг кескин пасаяётганини тўғрисида айтилади. Натижада, турли мамлакатлар ҳар хил иқтисодий ёрдам дастурларини тақдир қила бошладилар<sup>94</sup>. Бу эса ўз навбатида туризм соҳасидаги сиёсатчилар ва амалиётчиларни пандемия инқирозининг туризм саноати ва иқтисодиётига таъсири тўғрисида билимга эга бўлишни талаб қилмоқда.

Ўтган пандемия эпидемияларининг тарихий таъсирини ўрганиш, COVID-19 нинг реал вақт параметрларини тузатган ҳолда шу маълумотга эга бўлиш натижаларига кўра тўрт қисмли иқтисодий стратегия талаб қилинади<sup>95</sup>:

<sup>92</sup> Skare, Marinko & Soriano, Domingo & Porada Rochoń, Małgorzata. (2020). Impact of COVID-19 on the travel and tourism industry. *Technological Forecasting and Social Change*. 163. 120469. 10.1016/j.techfore.2020.120469.

<sup>93</sup> Ўша жойда

<sup>94</sup> Kirby, J., 2020. Will Coronavirus Cause a Global recession? We still Don't know. *Vox*, 9 March 2020, available on. <https://www.vox.com/2020/2/28/21153492/coronavirus-recession-china-stock-market-economy/>. visited 14 March 2020.

<sup>95</sup> Skare, Marinko & Soriano, Domingo & Porada Rochoń, Małgorzata. (2020). Impact of COVID-19 on the travel and tourism industry. *Technological Forecasting and Social Change*. 163. 120469. 10.1016/j.techfore.2020.120469.

(1) иқтисодий йўқотишларни тан олиш ва қабул қилиш;

(2) соғлиқни сақлаш;

(3) мавжуд хавфсизлик тармоғи дастурларини кенгайтириш асосида тўсатдан даромад йўқотишларини бошдан кечираётган аҳолини қўллаб-қувватлаш;

(4) ишлаб чиқариш қувватларини ҳимоя қилиш ва иқтисодий ишлаб чиқариш қувватларини вирус камайиши биланоқ имкон қадар тезроқ ишлатиш<sup>96</sup>.

Юқорида келтирилганлардан маълум бўлишича COVID-19нинг мамлакатлар иқтисодиётига таъсирини камайтириш, хусусан энг кўп зарар кўраётган туризм соҳасига салбий оқибатларини юмшатиш масалаларига имлий тадқиқотларда алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимизда ҳам туризм соҳаси истиқболли йўналишлардан бири сифатида қаралиб ҳукуватимиз томонидан соҳа ривожини таъминлаш бўйича турли дастурлар амалга оширилиб келинмоқда. Хусусан, туризмнинг пандемиядан кейинги тараққиётинининг устувор йўналишларини белгилаш, илмий тадқиқ этиш бўйича изланишларни кенг қўламда олиб боришга эътибор қаратилмоқда. Ўрганишларимиз ва тадқиқот натижаларига кўра падемия таъсирини камайтиришда даставвал қуйидагиларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ бўлади. Яъни:

*Биринчидан*, аҳоли турмуш даражаси ва бандлигини оширишга ҳамда мамлакатни инқироз ҳолатларидан олиб чиқишга ёрдам берувчи ижтимоий туризмни янада кенгайтириш, миллий туризм бозорига минглаб маҳаллий ижтимоий йўналишда ишловчи туристик корхоналарини қайтариш зарур.

*Иккинчидан*, туристик маҳсулотнинг истеъмол қиймати кўп жиҳатдан рекреацион ресурслар сифати билан белгиланганлиги сабабли, мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш бўйича дастурлар ишлаб чиқиш лозим бўлади.

---

<sup>96</sup> Marron, D., 2020. Macroeconomic Policy in the Time of COVID-19. Federal Budget and Economy, TaxVox, 17 March 2020, available on. <https://www.taxpolicycenter.org/taxvox/macro-economic-policy-time-covid-19>. visited 15 March 2020.

Туризм соҳаси ўзига хос аҳамиятга эга бўлиб, у бутун дунёда бюджетни қайта тақсимлаш эмас, балки тадбиркорлик ҳудудини ифодалайди. Ушбу жараёнларда давлат туризм сиёсатини, унинг устувор йўналишларини белгилаб бергани ҳолда ички ва ташқи туризм бўйича тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш, ижтимоий-иқтисодий механизмларни тартибга солади. Бу эса туристик корхоналарнинг давлат томонидан тартибга солинадиган бозорда фаолият кўрсатишларига сабабчи бўлади. Бозордаги иккинчи субъект, истеъмолчилар турли уюшма ва жамиятларга бирлашиб, туристик хизматлардан фойдаланадилар ва ижтимоий туристик маҳсулотга талабни шакллантирадилар. Уларнинг ҳаракатини қўллаб-қувватлаш масалалари бўйича тартибга солувчи давлат органлари билан мулоқотга киришадилар<sup>97</sup>.

Ушбу жараёнда ҳар бир мамлакат ўзининг имкониятларидан келиб чиққан ҳолда ўзининг туризм соҳасини ривожлантириш ҳамда қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилади, натижада миллий туризм пайдо бўлади. Яъни одамларнинг ҳордик чиқариш, соғламлаштиришга (рекреацияга) йўналтирилган, аҳолининг барча қатламлари фойдалана оладиган туризм тушунилади. Туризмда хусусий сектор улуши ошаётган шароитида ижтимоий туризмнинг истиқболи бироз сўроқ остида қолади ва буни ечими ҳукумат томонидан ишлаб чиқиши талаб қилинади.

Кейинги даврда маҳаллий аҳоли реал даромадларини ошиши ҳамда чиқувчи туризм учун кенг ва қулай шароитларни яратилиши маҳаллий туроператорлар ушбу йўналишдаги фаолиятларини жонлаштириши ва аҳолини узоқ хорижга юбориш билан шуғулланишга қизиқишини ортиши натижасида хориждаги бандлик, туризм инфратузилмаси кўтарилишига ҳисса қўша бошладилар. Бу эса маҳаллий туроператорларнинг ички туристик хизматлар бозорида ишлашини кенгайтириш, арзон турлар ташкил этиш ва амалга ошириш бўйича ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш ҳамда қонуний равишда

---

<sup>97</sup> Экономические стратегии активных городов. – СПб.: Наука, 2002. – 212 с.

иқтисодий жиҳатдан рағбатлантириш механизмини ишлаб чиқишга зарурат мавжудлигини кўрсатмоқда<sup>98</sup>.

Мамлакатимизда туризмни ривожланиш даражасини баҳолаб ўтиш мақсадида қисқача статистик маълумотларга тўхталиб ўтмоқчимиз. Умумий хулосага эга бўлиш учун пандемиядан олдинги ҳолатни қараб чиқамиз, пандемия бу соҳада кескин ўзгаришларга сабаб бўлди. Рақамларни кўрсатишича пандемиядан олдинги даврда, яъни 2019 йилда жами ташриф бюрувчилар сони 6748512 кишини ташкил қилган бўлса, шундан 1043929 таси сайёҳлик мақсадида келганлиги мавжуд туристик салоҳиятдан етарли даражада фойдаланилмаётганлигини тасдиғидир<sup>99</sup>. 2021 йилга келиб бу кўрсаткич қарийб 3 марта ошган бўлсада, туризмда ДХШ механизмини такомиллаштириш орқали мавжуд туристик салоҳиятдан фойдаланиш, ички туризм бозорини жонлантириш, моддий базани мустаҳкамлаш мумкин.

Иқтисодиётнинг туризм тармоғи ривожланишидаги энг муҳим омиллар табиий-рекреация ва тарихий-маданий имкониятлардир. Бой маданий ва табиий салоҳиятнинг мавжудлиги, ҳаттоки иқтисодий ривожланмаган мамлакатларга ҳам туризмни ривожлантириш соҳасида фаол давлат сиёсатини олиб бориш шарти билан жаҳон туризм бозорида муҳим мавқега эга бўлиш имкониятини беради<sup>100</sup>.

Ушбу сиёсатнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат: саёҳатчиларнинг ҳуқуқларини, ички туризм маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, ички ва ташқи туризмни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш. Бундай қўллаб-қувватлаш шакллари туристик инфратузилмани шакллантиришга йўналтирилган тўғридан-тўғри инвестициялар, кадрлар тайёрлаш харажатлари, миллий туристик маҳсулотни жаҳон бозорига чиқаришни реклама ва ахборот билан таъминлаш,

---

<sup>98</sup> Ўзбекистонда туризм. Статистик тўплам. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, 2020, 38-бет.


<sup>99</sup> Ўша жойда қаранг

<sup>100</sup> Завлин П.Н., Васильев А.В. Оценка эффективности инноваций. – СПб.: «Бизнес-пресса», 2006. – 216 с.

инвестицияларнинг кириб келишини, ички ва ташқи туризмни ривожлантиришни рағбатлантирувчи солиқ, божхона имтиёзларидир<sup>101</sup>.

ДХШ механизмидан миллий, маҳаллий туристик маҳсулотларни ички ва ташқи бозорларда тартиб қилишда самарали фойдаланиш мумкин. Жаҳон туризм бозорида етакчи ўринларни эгаллаб турган мамлакатларнинг миллий туризм маъмуриятлари маблағларининг ярмидан кўпи айнан шу мақсадлар учун ажратилади ва бу ўз навбатида глобал молиявий инқирознинг олдини олиш ҳамда таъсирини камайтиришга ёрдам бергани ҳолда туризмни ДХШ орқали тартибга солиш соҳасидаги муаммоларни ҳал қилишга имкон берди<sup>102</sup>.

Туризм соҳасида стратегик мақсад ва вазифаларни амалга ошириш учун давлат ва хусусий сектор ўртасида самарали шериклик алоқаларини таъминлаш ҳамда ушбу жараёнга етакчи тадбиркорлар гуруҳларини, жамоат ташкилотларини жалб қилган ҳолда туризмни барқарор ривожлантириш йўналишларини аниқлаш лозим бўлади (2.2.1-чизмага қаранг).



2.2.1-расм. ДХШ асосида туризм соҳасини барқарор ривожлантириш йўналишлари<sup>103</sup>

<sup>101</sup> Ўша жойда қаралсин.

<sup>102</sup> Гермогенов М.А. Основные направления и проблемы государственного регулирования туризма в РФ. / Туризм и отдых. – 2007. – №7. – С. 42 – 46.

<sup>103</sup> Муаллиф ишланмаси

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, туризм ривожланишининг ижтимоий йўналишини баҳолаш сифатида унинг таълим тизими, соғлиқни сақлаш, жиноятчилик билан боғлиқ вазият ва миграция жараёнларига таъсир кўрсатиш даражаси билан белгиланади. Бундан ташқари, туризм ривожланишида инфратузилма юкламаси ҳам (йўллар, электр таъминоти тармоқлари, чиқинди чиқариш тизимлари, сув таъминоти тизимлари) баҳоланади, чунки улардан чет эллик ёки бошқа ҳудуддан келган ички туристларнинг қўшимча фойдаланиши маҳаллий аҳоли учун жиддий муаммолар туғдириши мумкин. Шунингдек, туризмнинг ҳудудни эстетик идрок этишга таъсири (биноларнинг кўпайиши, янги архитектура услублари, ахлат ва бошқалар) катта аҳамиятга эга<sup>104</sup>.

Туристик салоҳиятни давлат-хусусий шериклиги асосида бошқариш самарадорлигини туризм фаолиятида қўлланилувчи давлат мулки объектларини концессия шартномаси бўйича тижорат тузилмаларига вақтинчалик фойдаланишга бериш орқали таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

ДХШ асосида туризмни ривожлантиришни тартибга солишда давлат ташкилотлари, бизнес, жамоат ва илмий ташкилотлар биргаликда ҳаракат қилиш лозим. Туризмни ривожлантириш бўйича ДХШни тартибга солиш таркиби ушбу уюшманинг мақсадлари, шунингдек, давлат ва бизнеснинг ушбу сиёсатни олиб боришда қўлланиладиган воситалар билан белгиланади. Кўпгина давлатларда туризм соҳасидаги давлат сиёсати иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари сиёсатига қўшилган ҳолда юритилади<sup>105</sup>.

Биз тадқиқотларимиз давомида ДХШ механизми миллий туризмни ривожлантиришнинг истиқболли ва самарали йўналиши эканлигини инобатга олган ҳолда туризмни ривожлантириш соҳасида ДХШ сиёсатини амалга ошириш вазифалари ҳамда усулларини аниқлаштирдик(2.2.1-жадвал).

---

<sup>104</sup> Гаврильчаки И.Н. Туризм как определяющий фактор модернизации экономики и стабилизации социальной обстановки в России. Автореф. дис. канд. экон. наук. – СПб.: Санкт-Петербургский государственный университет экономики и финансов, 2002. – 20 с.

<sup>105</sup> Козырева Т.В. Управленческий учет в туризме. – М.: Финансы и статистика, 2005. – 160 с.

**Туризмни ривожлантириш соҳасида ДХШ сиёсати вазифалари ва усуллари<sup>106</sup>**

Вазифалар	Усуллар
<b>1. Туризмнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини ва давлат томонидан тартибга солиш, хавфсизлигини таъминлаш тизимини шакллантириш.</b>	-умумий тушунчалар, таърифлар, битим ва шартномалар тузиш, визалар олиш, чегарани кесиб ўтиш ва товарларни ташиш тартиби
<b>2. Туризм соҳасини ривожлантириш жараёнини ташкил қилиш</b>	- туризмни ривожлантиришнинг умумий стратегия ва концепцияларини ишлаб чиқиш, туристик объектларни маконга оид жойлаштиришни тартибга солиш, инфратузилма ривожини режалаштириш
<b>3. Ҳамкор ташкилотлар нинг ўзаро алоқалари</b>	-туризмни ривожлантириш маҳаллий дастурларини қўллаб-қувватлаш;
<b>4. Туристик фаолият хавфсизлигини таъминлаш</b>	-лицензиялаш, стандартлаштириш, сертификатлаш, суғурталаш
<b>5. Туризм учун кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини яратиш</b>	- туризм соҳасида узлуксиз таълим тизими учун намунавий давлат дастурларини яратиш, туристик корхоналар ишчиларининг малакасини оширишни ташкил этишга қўмаклашиш.
<b>6. Туризм бозори илмий тадқиқотларини таъминлаш</b>	-туризм соҳасида маркетинг тадқиқотлари, туризмни ўрганиш миллий марказлари ташкил қилиш
<b>7. Туристик фирмалар ташқи иқтисодий фаолияти-ни қўллаб-қувватлаш</b>	- хорижда ваколатхона ва филиаллар ташкил қилиш, халқаро шартномалар тузиш, низоларни ҳал қилишда иштирок этиш
<b>8. Атроф-муҳит ва тарихий ёдгорликларни муҳофаза қилишни таъминлаш</b>	-табiiй ресурсларни муҳофаза қилиш ва тиклаш, тарихий ёдгорликларни реконструкция қилиш, туристик рентани тақсимлаш, маданият муассасаларини молиялаштириш учун қондалар, қонунлар, иқтисодий рағбатлантириш шарт-шароитларини яратиш.
<b>9. Мамлакат, минтақанинг жозибадор туристик образи ва имижини яратиш</b>	- миллий турмахсулотни шакллантириш ва сотиш, маркетинг, реклама, ахборот ва таҳлилий ташвиқот (хариталар, маълумотномалар, хужжатли ва видеофильмлар тайёрлаш ва ҳ.к.бошқалар), солиқ ва инвестиция имтиёзлари бериш
<b>10. SWOT, PEST таҳлилларини ўтказиб доимий равишда назорат ва мониторинг қилиб бориш</b>	- кучли, заиф томонлар, имкониятлар ва таҳдидларни жорий назорат, аудит, халқаро рақобатбардошлилик мониторинги.

<sup>106</sup> Муаллиф ишланмаси

Туризмнинг ривожланишини бошқаришда ДХШ механизмини туризмни минтакавий ривожлантиришни режалаштириш билан ўзаро боғлиқлик асосида амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади. Худудда туризмни бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизми усуллари ва воситалари қуйидагилардан иборат бўлади (2.2.2-чизмага қаранг).



**2.2.2-расм. Худудда туризмни бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмининг усуллари ва воситалари<sup>107</sup>**

Тадқиқотларимиз натижаларига кўра ДХШ асосида минтакаларда туризмни ривожлантиришни қуйидаги усуллар орқали амалга оширилиши мақсадга мувофиқ бўлади:

а) минтақа иқтисодиётининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш концепциясида туризмга иқтисодиётнинг саноат, савдо, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва бошқа тармоқларининг таъсирини тадқиқ қилиш;

б) туризмни ҳар томонлама комплекс ёндошув асосида ривожлантириш масалаларини қараб чиқиш;

в) худудларни ривожлантириш бўйича комплекс дастурлар доирасида туристик хизматлар бозорида бошқарув ташкилотлари ва хусусий бизнес ўртасидаги самарали иқтисодий алоқаларни ривожлантириш бўйича сиёсат.

<sup>107</sup> Муаллиф ишланмаси



Туристтик хизматларни ташкил этиш ва бошқаришнинг яхлит жараёнини функционал жиҳатдан мустақил босқичларга ажратишга кўра давлат- хусусий шерикликни жорий этишнинг мантикий ва муддат жиҳатидан изчиллиги муҳим.

Исталган бир мамлакат ёки минтақанинг туризм сиёсати давлат ташкилотлари ва хусусий секторнинг муайян минтақанинг ҳудудий хусусиятларини инобатга олган ҳолдаги туризм саноатини ривожлантириш бўйича фаолияти ҳисобланади<sup>108</sup>.

Минтақавий туризмни тартибга солишда ДХШ воситаларидан фойдаланиш ва уларни таснифлаш ушбу тушунчага ойдинлик киритишга ҳамда моҳиятини очиб беришга хизмат қилади. Минтақавий туризмни тартибга солишда ДХШ механизмини қуйидаги йўналишларда амалга оширилиши мақсадга мувофиқ (2.2.2-жадвалга қаранг).

Туризмни тартибга солиш сиёсати борасида ДХШ маҳаллий ва хориж тажрибаси борасида ўтказилган таҳлил қатор сабабларга кўра мамлакат умумий ижтимоий-иқтисодий ривожланиши нуқтаи назаридан туризм муаммоларини ҳал қилиш зарурлигини кўрсатади<sup>109</sup>.

Биринчидан, туризм соҳаси ташкилотлари нисбатан пастроқ иқтисодий кўрсаткичларга эга бўлишига қарамасдан, минтақа ва умуман мамлакат иқтисодий-ижтимоий тизимининг ажралмас қисми ҳисобланади.

Иккинчидан, соҳани ривожлантириш жуда катта ҳажмдаги инвестицияларни ва молиявий ресурсларни жамлашни ҳамда ҳар бир босқичда у қурилиш, реконструкция босқичи бўлсин, корхонанинг туризм соҳасида фаолият кўрсатиш босқичи бўлсин кўплаб иштирокчиларни (ҳокимият органлари, бизнес, жамоат ва илмий ташкилотлар) ўз ичига олади<sup>110</sup>.

---

<sup>108</sup> [ie.org.ua/monografiyi/kotov-e-v-partnerstvo-gosudarstva-i-biznesa-novyie-vozmozhnosti-obespecheniya-ustoychivogo-razvitiya-2014-g/](http://ie.org.ua/monografiyi/kotov-e-v-partnerstvo-gosudarstva-i-biznesa-novyie-vozmozhnosti-obespecheniya-ustoychivogo-razvitiya-2014-g/)

<sup>109</sup> Жуков А.А., Закорин Н.Д. Инновационные аспекты управленческой деятельности на предприятиях сферы туризма. Новое в высшем профессиональном образовании. – СПб.: Издательство Д.А.Р.К., 2006. – 224 с.

<sup>110</sup> Жуков А.А., Закорин Н.Д. Инновационные аспекты управленческой деятельности на предприятиях сферы туризма. Новое в высшем профессиональном образовании. – СПб.: Издательство Д.А.Р.К., 2006. – 224 с.

**Минтақавий туризмни тартибга солишда ДХШ воситаларидан  
фойдаланиш<sup>111</sup>**

№	Соҳалар	Вазифалар
1.	Ҳуқуқий соҳада	<ul style="list-style-type: none"> <li>▪ меъёрий-ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш;</li> <li>▪ туризм соҳасида лицензиялаш, стандартлаштириш, сертификатлаш методологияларини такомиллаштириш;</li> <li>▪ божхона назоратини тартибга солиш;</li> <li>▪ туризмни ривожлантириш мақсадларини ҳисобга олган ҳолда мамлакатга кириш, чиқиш ва яшаш қоидаларини белгилаш;</li> <li>▪ турли фирром бизнес, жиноятчилик ва коррупцияга қарши кураш.</li> </ul>
2.	Иқтисодий соҳада	<ul style="list-style-type: none"> <li>▪ туристик объектларни қайта қуриш ва янгилаш учун чет эл инвестицияларни жалб қилиш орқали туризмнинг моддий базасини модернизациялашни рағбатлантириш;</li> <li>▪ солиқларни тартибга солиш ва туризмни ривожлантириш дастурларини бюджетдан мақсадли молиялаштириш;</li> <li>▪ туризмни инвестициялаш учун қулай шарт-шароитлар яратиш;</li> <li>▪ туризм соҳасида инсон капиталига инвестицияларни ошириш.</li> </ul>
3.	Ижтимоий соҳада	<ul style="list-style-type: none"> <li>▪ ёшлар, аёллар, нуронийлар, ногиронлар қатламлари ички ва ташқи ижтимоий туризмни кенг йўлга қўйиш;</li> <li>▪ соҳанинг ўзига хосликларини ҳисобга олган ҳолда туризмда мулкчилик муносабатларини тартибга солиш.</li> </ul>
4.	Илм-фан ва таълим соҳасида	<ul style="list-style-type: none"> <li>▪ туризм фанини ривожлантириш;</li> <li>▪ республика ва минтақавий даражада туризм соҳасида базавий илмий тадқиқотларни амалга ошириш;</li> <li>▪ туризм ва ёндош инфратузилма соҳалари ахборот-таҳлилий базасини яратиш;</li> <li>▪ туризм учун малакали кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш</li> </ul>
5.	Туризмни ташкил қилиш соҳасида	<ul style="list-style-type: none"> <li>▪ жаҳон туризм бозорида мамлакат имижини шакллантириш учун халқаро туризм дастурларида қатнашишга кўмаклашиш;</li> <li>▪ миллий туризм маҳсулотини ички ва жаҳон бозорларига тарғиб қилишга кўмаклашиш;</li> <li>▪ туристик инфратузилмадан кўп мақсадли фойдаланиш;</li> <li>▪ давлат ва хусусий секторларнинг туризмни ривожлантириш соҳасидаги фаолияти ва инвестицияларини мувофиқлаштириш.</li> </ul>
6.	Ахборот технологиялари соҳасида	<ul style="list-style-type: none"> <li>▪ Туризм соҳасига рақамли технологияларни кенг жорий қилиш, тархий обидалар кўп жойларда аудио, электрон гид. VAR мозийга саёҳат каби дастурларни қўллаш;</li> <li>▪ умумий ахборот маконини яратиш;</li> <li>▪ реклама-ахборот таъминоти – миллий туристик маҳсулот ишлаб чиқиш ва тарғиб этиш.</li> </ul>

<sup>111</sup> Муаллиф ишланмаси

Учинчидан, амалиёт шуни кўрсатадики, инвестицияланган капитални қайтариш бўйича энг юқори натижаларга туристик хизматларни ишлаб чиқариш ва сотишнинг барча босқичларида ривожланган кузатувчи инфратузилма ва рақобатбардош туристик маҳсулотни шакллантириш мумкин бўлганда эришилади.

ДХШ механизми асосида туристик фаолиятни ва сиёсатни юритиш бир канча ижтимоий, таркибий-саноат, минтақавий, ташқи иқтисодий, бандлик ва молиявий сиёсат каби таркибий қисмлардан ташкил топади. Шунингдек, ҳудудий даражадаги туризм сиёсатида ДХШ мақсадларини асослаш айнан мавжуд туристик салоҳиятни баҳолаш асосида амалга оширилади.

Ташқи муҳит омилларнинг прогнози туризм фаолияти нуқтаи назаридан энг муҳим экологик омилларнинг ривожланиш ҳолати ва истиқболларини баҳолашни ўз ичига олади ва уларга ДХШ ўзининг туризм сиёсати билан бевосита таъсир кўрсата олмайди. Ташқи муҳитни таҳлил қилиш юзага келиши мумкин бўлган таҳдидлар ва янги имкониятлар пайдо бўлишини ўз вақтида аниқлаган ҳолда қўйилган мақсадларга эришиш учун етарли ҳаракатлар режасини ишлаб чиқиш имконини беради. Ташқи муҳитни таҳлил қилганда, ички ва ташқи туризмнинг омиллари таҳлилини, алоҳида давлатларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ички ва ташқи туризмда туристик оқимларнинг интенсивлиги кўрсаткичларини таҳлил қилиш керак бўлади.

Туризм соҳасини ривожлантиришда ДХШ механизмининг стратегик мақсади маҳаллий ва хорижий фуқароларнинг эҳтиёжларига жавоб берадиган янги иш ўринлари ва валюта тушумини оширадиган, маданий ва табиий меросни сақлаб қолиш орқали мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришга ҳисса қўшадиган рақобатбардош туристик мажмуани, хизматларни яратиш.

Шуни айтиш жоизки, туризм сиёсатини шакллантириш тамойиллари барча мулкчилик шаклидаги корхоналарнинг тенглиги, истеъмолчилар ҳуқуқларини, миллий манфаатларни ҳимоя қилиш каби иқтисодий сиёсатнинг асосий қадриятларини туризм соҳасига нисбатан акс эттириши лозим.

Туризм соҳасини ДХШ асосида тартибга солиш ва қўллаб-қувватлашнинг ҳар бир босқичида мақсадларга эришиш даражасини аниқлашга имкон берувчи миқдорий кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиш орқали ушбу механизм самарадорлигини баҳолаш мақсадли мезонлари ва кўрсаткичлар тизимини шакллантирилади.

Туризмни ривожлантириш бўйича ДХШ тизими самарадорлигини оширишга туризмни давлат-хусусий тартибга солишнинг асосий йўналишларини амалга оширишга муаллифлик ёндашувини қўллаш орқали эришилади (2.2.3-расм).



**2.2.3-расм. Туризмни ДХШ механизми асосида тартибга солишнинг устувор йўналишлари<sup>112</sup>**

Ўтказган тадқиқотларимиз давомида минтақада туризм соҳасини ривожлантиришнинг режалари ва дастурларини ишлаб чиқиш, амалга ошириш, тузатиш киритиш ва мажмуавий тармоқ муаммоларини турли вариантларда ҳал қилиш асосида узоқ муддатли истиқболда самарали фаолият юритишни таъминлайдиган ва турдош секторларда намоён бўлиши хилма-хиллигини ҳисобга оладиган ДХШ тизими шакллантирилди.

<sup>112</sup> Муаллиф ишланмаси

Ҳар қандай тизим каби туризм соҳасини ривожлантиришда ДХШ бошқарувининг асосий йўналиши бўлиб мониторинг тизими майдонга чиқади. ДХШ бошқаруви асосидаги мониторинг тизимининг асосий мақсади – бозор ожизликларига, инқироз ҳолатларига жавобан тадбирлар ишалаб чиқиш эмас, балки уларни олдини олиш асосида тартибга солишга ўтиш, туризм ривожланиши ва хатарларни прогнозлаш, ДХШ жараёнига янги АКТларни ва замонавий бошқарув усуллари жорий қилиш ҳисобланади.

Демак, ДХШ механизми асосида туризмни комплекс ривожлантириш учун соҳа ривожланишини режалаштириш, кадрлар таъминоти, туризм соҳасида ИТИларни таъминлаш, туризм субъектларини қўллаб-қувватлаш, атроф-муҳит ва тарихий ёдгорликларни муҳофаза этиш, мамлакат ва минтақанинг туристик имижини яратиш, туристик фаолиятини назорат қилиш, ягона ахборот макони, ахборот-туристик марказлар тармоғини яратишни ўз ичига оладиган туризмнинг ривожланишини рағбатлантириш ва бошқариш дастурий-мақсадли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш зарур.

### **§2.3. Фарғона вилояти туристик салоҳиятини ривожлантириш истикболлари**

Бугунги замонавий глобаллашган дунёда, туризм ташқи иқтисодий фаолиятни кенгайтирувчи ва жалб қилувчи энг йирик, жуда тез ривожланаётган динамик иқтисодий тармоқлардан бири ҳисобланади<sup>113</sup>. Туризм маҳаллий иқтисодиётни диверсификациялашга, хорижий валюта оқимини ошириш орқали тўлов балансини яхшилашга, минтақаларни ривожлантиришга, бандликни таъминлашга, даромадларни оширишга, уй хўжаликлари истеъмолини рағбатлантиришга хизмат қилади<sup>114</sup>.

---

<sup>113</sup> Creaco, S. & Querini, G. (2003). The role of tourism in sustainable economic development. Presentation at the 43<sup>rd</sup> congress of the European Regional Science Association, 27 to 30 August 2003, Jyväskylä, Finland.; Reddy, P.C., Basha, A.M.M. & Kumar, M.V. (2014). A study on tourism and poverty reduction. International Journal of Trade and Global Business Perception, 5 (1), 754-758.

<sup>114</sup> Creaco, S. & Querini, G. (2003). The role of tourism in sustainable economic development. Presentation at the 43<sup>rd</sup> congress of the European Regional Science Association, 27 to 30 August 2003, Jyväskylä, Finland.; Steiner, C. (2006). Tourism, poverty reduction and the political economy: Egyptian perspectives on tourism's economic benefits in a semi-rentier state. Tourism Hospitality Planning and Development, 3 (3), 161-177.

Тадқиқотлардан маълум бўлишича қашшоқлик, ишсизлик ва малакали кадрлар етишмаслиги каби кўплаб ижтимоий муаммолар минтақанинг туризм сектори ошиши билан яхшиланиши мумкин. Туризм юқори мултипликацион таъсирга эга ва минтақага ташқаридан сарфларни жалб қилганлиги сабабли маҳаллий иқтисодиётда «экспорт» яратувчиси вазифасини бажаради. Агар ҳудуд тўғри танланган ва юқори сифатли экологик ҳолат, табиий манзараларга эга бўлса туризмни тезда ривожлантириш мумкин. Фақат маҳаллий ҳокимият кичик бизнес ва бошқа манфаатдор томонлар учун тадбиркорликни ривожлантиришга қулай шароит яратиши керак бўлади<sup>115</sup>.

Ўзбекистонда хорижий валюта тушумини ошириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадларини ошириш, минтақаларда ижтимоий-иқтисодий ривожланишини кучайтириш мақсадида туризм соҳасини давлат томонидан кўллаб – қувватлаш, туризм билан шуғулланувчи корхоналарга турли имтиёз ва преференциялар бериш, шунингдек, соҳа инфратузилмани шакллантириш бўйича бир қатор ислохотлар жадал суръатлар билан давом эттирилмоқда<sup>116</sup>.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 2019 йил 5 январдаги «Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ 5611 сонли Қарорида «2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш Концепцияси»га мувофиқ Европа ва Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатлари билан товар айланмаси, ташиладиган йўловчилар сони ва инвестицияларни кўпайтириш учун республикадаги транспорт алоқа тизимини тубдан яхшилаш мақсадида хорижий алоқаларни янада мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилди<sup>117</sup>.

Туризм истиқболли соҳалардан бири сифатида нафақат мамлакатда ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлаш драйвер балки ҳар бир

---

<sup>115</sup> Meyer D.F., Meyer N., The role and impact of tourism on local economic development: A comparative study. African Journal for Physical, Health Education, Recreation and Dance (AJPHERD) Volume 21(1:1), March 2015, pp. 197-214.

<sup>116</sup> Рузиев Ш.Р., Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш масаллари (хорижий тажрибалар асосида), «Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar» ilmiy elektron jurnali. № 6, noyabr-dekabr, 2020 yil

<sup>117</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2019 йил 5 январдаги ПФ-5611 Фармони.

худудда ижтимоий муаммоларни бартараф этиш воситаси сифатида каралмоқда. Бунинг учун ҳар бир худуднинг туристик салоҳиятини инобатга олган ҳолда туризмни ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. Хусусан, Фарғона вилояти мамлакатда юқори туристик салоҳиятга эга бўлган худудлардан бир ҳисобланиб, худудда туризмни ривожлантириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 3 октябрдаги «Фарғона вилоятининг туристик салоҳиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 843-сон Қарори қабул қилинган. Мазкур қарорнинг қабул қилиниши Фарғона вилоятининг туристик салоҳиятини янада ривожлантириш ҳамда ундан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, худудга хорижий ва маҳаллий туристларни кенг жалб қилиш учун қулай шароитлар яратиш, замонавий инфратузилмани жадал ривожлантиришни таъминлаш, кўрсатилаётган туризм, меҳмонхона ва транспорт хизматларини кенгайтириш ва уларнинг сифатини оширишга хизмат қилди<sup>118</sup>.

Кейинги даврда мамлакатимизда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган чора тадбирлар натижасида соҳага оид кўрсаткичларнинг ижбобий ўзгариши ва кескин ошиши кузатилмоқда. Биз 2020 йилда пандемия сабабли энг кўп зарар кўрган соҳалардан бири туризм эканлигини ҳамда туризм соҳаси кўрсаткичларида кескин пасайиш кузатилганлигини инобатга олган ҳолда, мамлакатимизда кейинги даврларда туризмнинг умумий ривожланиш тенденциясини 2017-2021 йиллар маълумотлари асосида қараб чиқишда ва пандемия натижасидаги таъсирларни алоҳида баҳолашга қарор қилдик.

Туризмни ривожланиш даражасини ифодалашда унинг ЯИМни шакллантиришга таъсири кўрсаткичидан фойдаланилади. Туризм юқори ривожланган давлатларда бу кўрсаткич 60-70 фоизни ташкил қилади. Мазкур кўрсаткичнинг Ўзбекистонда ҳам ижобий ўзгариши таъминланган бўлиб, кейинги йилларда 2017 йилдаги 2,9 фоиздан 3,4 фоизгача ошиши

---

<sup>118</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 3 октябрдаги «Фарғона вилоятининг туристик салоҳиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 843-сон Қарори

таъминланди<sup>119</sup>. Табиийки бу мамлакатнинг мавжуд туризм салоҳияти ҳамда ушбу салоҳиятдан самарали фойдаланиш билан бевосита боғлиқ ҳисобланади. Шу ўринда мамлакатнинг туризм салоҳиятини ифодаловчи баъзи кўрсаткичлар ва уларнинг кейинги йиллардаги динамикасига тўхталиб ўтмоқчимиз.

Кейинги даврда мамлакатимизда ташриф буюрувчилар сони 2021 йилга келиб 2017 йилга нисбатан 1,4 баробарга камайиб, 1 881 300 кишини ташкил қилган. Бироқ ушбу ташриф буюрувчиларни таркибий қисмлари бўйича ўзгаришларга эътибор қаратиш, вазиятга янада тўлароқ баҳо бериш ҳамда ўзига хос бўлган ривожланиш тенденцияларини кузатиш имкониятини яратиб беради. Пандемия йилларида пасайиш суръатлари чиқувчи туристлар сонидан кузатилиб, уларнинг сони 2021 йил 2195000 кишини ташкил этгани ҳолда, 2017 йилга нисбатан 2,4 баробарга камайган. Пандемия йилларида ички туризм салмоғининг 2017 йилга нисбатан 2,45 баробарга ошганлигини кузатиш мумкин.

Натижада мос равишда жами ташриф буюрувчилар таркибида кирувчи, чиқувчи ҳамда ички туризмнинг улушини ўзгариши таъминланган. Яъни чиқувчи ва ички туризм бўйича ташриф буюрувчилар сонидан ўсиш жамига нисбатан паст бўлганлиги сабабли улар улушининг камайиши кузатилган (2.3.1-расмга қаранг).



**2.3.1-расм. Жами ташриф буюрувчиларнинг таркибий қисмларининг ўзгариши<sup>120</sup>**

<sup>119</sup> <https://knoema.com/atlas/topics/Tourism/Travel-and-Tourism-Total-Contribution-to-GDP/Contribution-of-travel-and-tourism-to-GDP-percent-of-GDP?mode=amp>

<sup>120</sup> Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.



2017-2019 йилларда энг юқори улуши чиқувчи туризм ҳиссасига тўғри келиб, жами ташриф буюрувчиларнинг ярмидан ошиғини ташкил қилган, 2018 йилгача мазкур кўрсаткичнинг ошиши кузатилган бўлсада, кейинги даврдаги ўзағаришлар натижасида, 2021 йилга келиб олдинги йилларга нисбатан пасайгани ҳолда 22,2 фоизни ташкил қилган.

Ички туризмни ривожлантириш бўйича қатор амалий ишлар олиб борилаётганлиги натижасида унинг миқдор жиҳатдан ошиши таъминланмоқда, 2020-2021 йилларда ички туризмнинг улуш жиҳатдан кўтарилиши кузатилди. Натижада, энг юқори ва ижобий ўзгаришлар ички туристлар ҳиссасига тўғри келгани ҳолда, уларнинг улуши 2017-2021 йилларда 34,8 фоизга ошган.

Туризмни ривожланишида туристик инфратузилманинг ривожланган ҳолати ҳамда туристларга хизмат кўрсатувчи корхона ва ташкилотлар сони уларнинг сифати аҳамиятли эканлигини инобатга олган ҳолда айнан, кирувчи туризм ривожидида уларнинг ролини баҳолаб ўтмоқчимиз (2.3.1-жадвалга қаранг).


### 2.3.1-жадвал

#### Кирувчи туристларга туристик фирма ва ташкилотлар томонидан хизмат кўрсатишнинг қамрови даражаси<sup>121</sup>

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2017	2018	2019	2020	2021	2017 йилга нисбатан, (+,-)
Кирувчи туризм	сони	2690074	5346219	6748512	1504100	1881300	- 808779
Туристтик фирма ва ташкилотлари томонидан	сони	167394	224796	348731	89193	118710	- 48694
	улуши	6,22	4,20	5,17	5,93	6,31	+ 0,09
Меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситалари томонидан	сони	615865	932602	1094231	277356	378706	-237159
	улуши	22,89	17,44	16,21	18,44	20,13	-2,76
Санатория ва курорт муассалари томонидан	сони	8502	17481	24505	5264	7337	-1165
	улуши	0,32	0,33	0,36	0,35	0,39	-0,07
Дам олиш ташкилотлари ва туристик базалар томонидан	сони	14566	25856	53339	13687	21070	6504
	улуши	0,54	0,48	0,79	0,91	1,12	0,48

<sup>121</sup> Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси

2017 йилда жами кирувчи туристларнинг 6,22 фоизига туристик фирма ва ташкилотлар томонидан хизмат кўсатилган бўлса, бироқ 2021 йилга келиб, мазкур кўрсаткич 6,31 фоизни ташкил этган. Меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситалари томонидан кирувчи туристларга хизмат кўрсатиш даражаси эса мос равишда 22,89 ва 20,13 фоизни ташкил қилган. Санатория ва курортлар, дам олиш ташкилотлари ва туристик базаларнинг кирувчи туристларга хизмат кўрсатишдаги улушини жуда ҳам кам эканлигини кузатишимиз мумкин. Бундан кўринадики мамлакатимизда туризмни ривожлантириш бўйича таъминланаётган ижобий кўрсаткичлар салоҳиятимиздан тўлиқ фойдаланаётганимизни билдирмайди, шунингдек кирувчи туристлар ичида туризмнинг етакчи ва сердаромад йўланилиш бўлган дам олиш ва ҳордиқ чиқариш мақсадида келувчилар улуши камлигини рақамлардан кўришимиз мумкин. Юқорида келтирилган муаммоларни сабабни ўрганиш мамлакатимизга кирувчи туристларнинг мақсади бўйича таркибини қараб чиқишни талаб қилади (2.3.2-расмга қаранг).



**2.3.2-расм. Ўзбекистон Республикасига кирувчи туристлар сонининг мақсади бўйича таркиби<sup>122</sup>.**

Кирувчи туристларнинг келишдан мақсади бўйича таркибидан кўринадики, асосий улуши қариндошларга ташрифга тўғри келмоқда. Яъни ушбу кўрсаткич жами кирувчи туристларнинг 80-90 фоизини ташкил

<sup>122</sup> Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси

килмоқда. Бирок умумий тенденцияда пандемиягача бўлган даврда ушбу кўрсаткичнинг ҳам ижобий ўзгаришлари кузатилган бўлиб, айнан сайёҳлик мақсадида келувчи туристларнинг улуши деярли икки борабарга ошиши таъминланган. 2021 йилга келиб хизмат юзасидан ташриф буюрувчилар улушида кескин пасайиши кузатилиб 5,9 фоиздан 2,6 фоизгача камайди. Айнан шу йили қариндошларга ташриф буюрувчилар улуши 84,5 фоиздан 80,3 фоизга камайганини кўришимиз мумкин. Пандемия шароитида 2021 йилга келиб, қариндошларга ташриф буюрувчилар улуши пасайиши ҳисобига, тижорат мақсадида келувчи туристлар улуши 3,9 фоизга ўсиб, 4,7 фоизга етди.


Мамлакатимиз туристик салоҳиятини ошириш, соҳанинг сердаромад йўналишларини ривожлантиришда ҳудудларнинг туристик имкониятларини қараб чиқиш, улардан самарали фойдаланиш истиқболли йўналишларни белгилаб олиш муҳим ҳисобланади. Мазкур ҳолатдан келиб чиққан ҳолда, биз тадқиқотимиз объекти бўлган Фарғона вилоятининг туристик имкониятларини қиёсий таҳлилин амалга оширишни жоиз деб билдик.

Тадқиқот натижаларига кўра, Фарғона вилоятида туризмнинг ривожланишини қониқарли даражада дейиш қийин. Хусусан мамлакатдани туристик фирма ва ташкилотлар сонига вилоят улуши анча кичик миқдорга эга бўлиб, 3,3 фоизни ташкил қилади. Хизмат кўрсатилган ташриф буюрувчилар сонига нисбатан улуши янада кичик бўлиб, 0,2 фоизга тенг, шу билан бирга ушбу хизмат кўрсатилганларнинг деярли барчаси ички туризм ҳиссасига тўғри келмоқда. Вилоятнинг туристик салоҳиятини баҳолаш мақсадида баъзи кўрсаткичларга тўхталиб ўтамоқчимиз. Хусусан, вилоят мавжуд меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситалари объектларининг 7,7 фоизига, улардаги жойлар бирликлари бўйича 6,3 фоизига эга бўлишига қарамасдан жойлаштирилган ташриф буюрувчилар сони бўйича улуши 3,3 фоизни ташкил қилоқда, холос. Вилоятининг туризм салоҳиятига нисбатан олинган юқорида келтирилган кўрсаткичларни талаб даражасида деб бўлмайди<sup>123</sup>.

---

<sup>123</sup> Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитаси маълумотлари

Таъкидлаш жоизки, таҳлилларимизга кўра, вилоятнинг мавжуд туристик имкониятлари ҳамда ушбу йўналишда амалга оширилган таҳлил натижаларига асосланган ҳолда туризмнинг дам олиш ва ҳордиқ чиқариш йўналишлари воҳа учун айнан мақбул ва истиқболли ҳисобланади. Буни инобатга ҳолда вилоятда ушбу йўналишларда ривожланиш динамикасининг қиёсий таҳлилини қараб чиқамиз (2.3.3-расмга қаранг).



**2.3.3-расм. Вилоятда дам олиш ва туристик базалар, санатория ва курорт муассасалари улушини ўзгариш динамикаси<sup>124</sup>**

Вилоятда дам олиш ва туристик базалар ушлуши жамига нисбатан пасаймоқда. 2021 йилга келиб 3,9 фоизни ташкил қилгани ҳолда 2017 йилга нисбатан улунинг 3,3 бирликка камайган. Бунинг асосий сабабларини ўрганиш натижаларига кўра, вилоятда дам олиш ва туристик базалар сони ўзгаришсиз қолган, 2018 йилда биттага ошган, аммо 2019 йилга келиб қайтадан 18 тага тушиб қолган. Пандемия йилларида уларнинг сони ўзгармаган. Шунини таъкидлашимиз мумкинки, 2017-2021 йиллар мобайнида мамлакатдаги дам олиш ва туристик базалар сонидан кескин ўсиш кузатилиб, уларнинг сони 2,1 баробарга ошгани ҳолда, 531 тага етган.

Мамлакатда мавжуд санатория-курорт муассасалари объектларининг салмоқли улуши, яъни 17,1 фоизи вилоят ҳиссасига тўғри келади. Улардаги мавжуд жойларнинг эса 14,9 фоизи, хизмат кўрсатилган ташриф буюрувчиларнинг 28,9 фоизи ҳудуд ҳиссасига тўғри келмоқда. Мавжуд ҳолатдан,

<sup>124</sup> Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси

вилоятда дам олиш, ҳордик чиқариш туризмини ривожлантириш бўйича имкониятлар юқори бироқ уларга хорижий туристларни жалб қилиш масаласи оқсаётганлигини кўришимиз мумкин. МДХ яъни қўшни давлатлардан ташриф буюрувчилар сони бўйича улуши анча катта 41,7 фоизга тенг лекин, узок хориж давлатларидан ташриф буюрувчилар сони нолга тенглигича қолмоқда. Узок хориждан ташриф буюрувчи туристлар сонини ошириш масаласини қараб чиқиш, мавжуд санатория-курот муасса-саларида халқаро талаблар асосида хизматларни ташкил қилиш, уларни замон талаблари асосида реконструкция қилиш, улардани бошқарув тизмини бозор қонунларига таянган ҳолда йўлга қўйиш масалаларини қараб чиқиш лозим.

Кейинги даврда пандемия таъсирида бутун дунёда хусусан мамлакатимизда туристик хизматлар динамикасида кескин пасайиш кузатилган бир даврда, Фарғона вилоятида туристик хизматларнинг юқори суръатларда ўсиши таъминланган (2.3.3-жадвалга қаранг).

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, COVID-19 пандемияси йилларида Фарғона вилоятида меҳмонхона ва хостеллар сони 39 тадан 57 тага етган ва 2021 йил 2020 йилга нисбатан 146 фоизни ташкил этган. Шунингдек, меҳмон уйлари ва квартиралар сони 156 тадан 210 тага етган, ўсиш суръатлари 135 фоиз бўлган.

### 2.2.3-жадвал

#### **Фарғона вилоятида туристик фаолиятни амалга оширувчи фирма ва ташкилотлар динамикаси ва улар фаолияти натижалари<sup>125</sup>**

	Туристтик фаолиятни амалга оширган фирма ва ташкилотлар сони, бирлик	Хизмат кўрсатилган ташриф буюрувчилар, киши	Ҳар бир фирма ва ташкилотга тўғри келадиган ташриф буюрувчилар, киши
2017	4	9792	2448
2018	9	9459	1051
2019	17	1557	92
2020	133	4152	31
2021	130	16830	130

<sup>125</sup> Муаллиф ишланмаси

Жумладан, туристик фаолиятни амалга оширувчи фирма ва ташкилотлар сони 2017 йилда тўрттани ташкил қилган бўлса, 2020 йилга келиб 133тани, 2021 йил 130тани ташкил этган. Бу ердаги асосий ўзгариш охириги йилларга тўғри келиб, 17 тадан 130 тагача ошган, натижада хизмат кўрсатилган ташриф буюрувчилар сони 1557 кишидан 16830 кишига ошганлигини кузатишимиз мумкин. Туристик фаолиятни амалга оширувчи фирма ва ташкилотлар фаолиятида миқдорий ўзгаришлар таъминланган бўлишига қарамасдан сифат ўзгаришлари яъни самарадорлик пасайган. Яъни 2017 йилда ҳар бир субъект томондан хизмат кўрсатилган ташриф буюрувчилар сони 2448 кишини ташкил қилган бўлса, мазкур кўрсаткич пасайиш тенденциясига эга бўлгани ҳолда 2021 йилга келиб 130 кишини ташкил қилган ҳолос. Табиийки бу бозорда рақобат курашини кескинлашаётганлиги ва мавжуд имкониятларда самарали фойдаланиш йўналишларини излаб топишга эътибор қаратиш лозимлигини асослайди.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда вилоятда меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситалари сони ҳамда улардаги номер, жойлар, уларга жойлаштирилган кишилар сонини кейинги тўрт йилдаги динамикасига эътибор қаратиб ўтмоқчимиз.

#### 2.2.4-жадвал

### Фарғона вилоятида Меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситалари сони ва улар салоҳиятини динамикаси<sup>126</sup>

	Меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситалари сони	номер (хоналар) сони	жойлар	жойлаштирилган шахслар сони киши
2017	48	859	1997	59933
2018	55	879	1717	73304
2019	81	1273	2917	72118
2020	109	1273	2543	65980
2021	267	1882	4160	60764
2021 йилда 2017 йилга нисбатан ўзгариши (марта)	5,6	2,2	2,1	1.01

<sup>126</sup> Муаллиф ишланмаси

Ҳисоб китобларимизга кўра меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситалари сони кейинги беш йилда 5,6 баробарга ошган бўлишига қарамасдан улардаги номер ва ўринлар сони мос равишда 2,2 ва 2,1 баробарга ошганлигини кузатиш мумкин. Шунингдек, уларга жойлаштирилган шахслар сони 1,01 баробарга ошган бўлиб, бу йўналишда ҳам сифатий кўрсаткичларда салбий тенденцияни кузатиш мумкин. Шунга алоҳида эътибор қаратишимиз мумкинки, 2021 йилда меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситалари сони аввалги йилга нисбатан 158 тага ёки 2,4 марта ошган бўлишига қарамасдан номер ва ўринлар сони, мос равишда 1,5 ва 1,6 марта ортган ҳалос. Бундан шуни тушуниш мумкинки, мавжуд меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситаларини алоҳидалаш эвазига уларнинг сони оширилмоқда ҳолос. Бу борада амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижаларини сифат кўрсаткичлари асосида туман ва шаҳарлар кесимида қараб чиқамиз. Таҳлилни амалга ошириш учун ҳар бир номер ва ўринга жойлаштирилган шахслар сони динамикаси ўзгаришни қараб чиқамиз (2.3.5-жадвалга қаранг).

Фарғона вилоятида 2017 йилда ҳар бир номерга жойлаштирилган шахслар 69,8 кишини ташкил қилган бўлса, 2021 йилга келиб 32,3 кишигача камайган. Ҳар бир ўринга жойлаштирилган шахслар сони эса мос равишда 30,0 кишидан 14,6 кишигача камайган.

Умумий тенденцияда барча йилларда номер ва ўринларда фойдаланиш самарадорлиги Данғара тумани, Фарғона ва Марғилон шаҳарларида юқори қийматга эга бўлган. Шунингдек, Марғилон шаҳри ва Олтиариқ туманида номерлардан фойдаланиш самарадорлиги юқори суръатларда ўсишига эришилган. Мавжуд ўринлардан фойдаланиш самарадорлик кўрсаткичларидаги ижобий ўзгариш Қўқон ва Марғилон шаҳри ҳамда Риштон туманида сезиларсиз даражага ўсиш таъминланган.

**Меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситаларидаги номер  
ва ўринлардан фойдланиш даражаси<sup>127</sup>**

	2017		2018		2019		2020		2021	
	Ҳар бир номерга жойлаштирилган шахслар сони, киши	Ҳар бир ўринга жойлаштирилган шахслар сони	Ҳар бир номерга жойлаштирилган шахслар сони, киши	Ҳар бир ўринга жойлаштирилган шахслар сони	Ҳар бир номерга жойлаштирилган шахслар сони, киши	Ҳар бир ўринга жойлаштирилган шахслар сони	Ҳар бир номерга жойлаштирилган шахслар сони, киши	Ҳар бир ўринга жойлаштирилган шахслар сони	Ҳар бир номерга жойлаштирилган шахслар сони, киши	Ҳар бир ўринга жойлаштирилган шахслар сони
<b>Фарғона</b>	69.8	30.0	83.4	42.7	57.6	25.9	51.8	25.9	32,3	14,6
<b>шаҳарлар:</b>										
Фарғона	99.3	55.5	107.5	58.5	67.7	36.4	67.7	36.4	42,2	20,5
Қўқон	34.8	10.4	44.5	21.7	29.2	13.8	29.2	13.8	18,2	7,8
Марғилон	74.3	34.3	115.3	54.0	120.5	59.7	120.5	59.7	75,1	33,6
<b>туманлар:</b>										
Олтиариқ	54.2	26.5			105.3	26.3	105.3	26.3	65,6	14,8
Бувайда	10.3	6.2								
Риштон	4.6	2.2	3.3	1.7	4.9	2.5	4.9	2.5	3,1	1,4
Фарғона	11.7	5.9	16.0	8.3	3.1	1.6	3.1	1.6	1,9	0,9
Данғара	94.6	48.9	110.1	56.8	35.9	18.5	35.9	18.5	22,4	10,4

Юқорида келтирилганлардан маълум бўлишича вилоятда туризмни ривожлантириш бўйича ишлар талаб даражасида эмас, яъни туристик хизматлар кўрсаткичларини миқдор жиҳатдан ошиши таъминланаётган бўлсада, улардан фойдаланиш самарадорлиги яъни сифат кўрсаткичларида салбий тенденциялар кузатишмоқда. Таҳлилларимиз кўрсатишича, пандемия даврида нафақат Ўзбекистон, балки бутун жаҳон туризм саноати азият чекиб, чегаралар ёпилганлиги боис, вилоят туристик хизматларида миқдорнинг

<sup>127</sup> Муаллиф ишланмаси



асосий қисмини республикамизнинг ички маҳаллий туристлари ташкил қилиб, айнан ички туризм бу даврда нисбатан барқарор ривожланди.

Фикримизча, Фарғона вилоятида туризмни ривожлантиришнинг асосий вазибаларидан бири хорижий туристларни тарихий обидалар, меъморчилик, диний ва маданий ёдгорликлар ҳамда бошқа диққатга сазовор замонавий жойлар билан таништириш орқали уларга воҳанинг ижтимоий-маданий тарихи ҳақида батафсил маълумот бериш орқали вилоятнинг туристик жозибадорликни оширишдир.

Фарғона вилоятида жойлашган туристик объектлар орасида Вилоят Ҳунармандчилик марказлари, Қўқон давлат музей қўриқхонаси, Мехригиё экотуризм маркази, "Ёдгорлик" ипакчилик фабрикаси ҳамда Саид Ахмадхўжа мадрасасининг ўрни катта.

Шуни таъкидлашимиз мумкинки, хорижий давлатлардан Фарғона вилоятига туристларни жалб қилиш жозибадорлигини ошириш мақсадида Қўқон шаҳрида йиллик ўтказиладиган Ҳунармандлар фестивали ташкил этилиб, хорижий шериклар билан фаол ҳамкорлик қилиб келмоқда. Айни пайтда, мунтазам равишда ҳар йили фестивалда дунёдаги кўпгина мамлакатлар туризм ташкилотларининг вакиллари меҳмон бўладилар.

Фарғона вилоятида жойлашган туристик объектлар ва уларнинг жозибадорлигини ошириш имкониятларини тадқиқ этар эканмиз, бунда ходимларнинг сифатли таркибини шакллантириш, сайёҳлик компаниялари сайёҳлик маҳсулотининг самарали тақдимотларини ўтказиш бўйича тренинглар, шу жумладан тегишли ўқув дастурлари билан таъминлашни танлайдиган тизимга ўтиш зарурлигини таъкидлашимиз зарур.

Фикримизча, тренинг дастурларидаги туризм бизнеси тўғрисидаги маълумотларнинг барчаси ходимларини ривожлантиришга қаратилган бўлиши керак, хусусан:

- туризм соҳасидаги қонун ҳужжатлари ва уларни тартибга солиш;
- тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш қоидалари;

туристик компаниялари тўғрисидаги маълумотлар, уларнинг яратилиш тарихи, фаолиятнинг стратегик йўналишлари, амалга оширилаётган асосий лойиҳалар;

турмахсулотларининг ўзига хос хусусиятлари, уларнинг рақобат афзалликлари;

турмахсулотни рағбатлантириш бўйича тадбирлар ташкил этиш;  
савдони ривожлантиришнинг амалий усуллари ва бошқалар.

Турмахсулотни сотишда энг асосий жиҳатлардан бириси бу бизнес-мулоқот ва музокаралар ва суҳбатлар учун технологияни ишлаб чиқишдир. Бевосита турмахсулот сотиш самарадорлигини ошириш учун туристларни сотиб олиш иштиёқи ва товар ёки хизмат жозибадорлигини оширишга қаратилган турли хил рағбатлантириш чораларини қўллаш керак. Хизматлар савдосини тарғибот қиладиган ва сотишни тезлаштирадиган қисқа муддатли реклама тадбирларини амалга оширишни ўз ичига олади.

Мазкур чора-тадбирлар номавсумий. савдо ҳажми камайган даврларда турли туристик йўналишидаги кўргазма, ярмаркалар, тақдимотлар, юбилей тадбирлари билан бир даврда амалга оширилиши мақсадга мувофиқ.

Бундай тадбирларни амалга оширилишини рағбатлантириш туризм маҳсулоти ва туркомпанияга истеъмолчилар эътиборини тобора кўпроқ жалб қилиш, туризм хизматларини истеъмолини ва сотишни кучайтириш рағбатлантириш, туризм бозорида савдонинг мавсумий ўзгаришларининг салбий таъсирларини юмшатиш каби вазифаларни амалга оширишни таъминлаш учун мўлжалланган.

Бизнинг фикримизча, вилоятда туристик салоҳиятни ошириш учун мақсадли туристик сегментларини шакллантириш керак, Жумладан, туристик маҳсулотни шакллантириш ва туристларнинг хавфсизлигини таъминлаш, маркетинг тадбирларини йўлга қўйиш ва салоҳиятли турист жўнатувчи мамлакатлар гуруҳлари учун виза сиёсатини соддалаштириш, замонавий меҳмондўстлик инфратузилмасини ва умумий туристик инфратузилмани такомиллаштириш.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, вилоятда туризмни ривожлантириш учун юқори салоҳият мавжуд бўлиб, ундан фойдаланиш самарадорлиги пастлигича қолмоқда. Фикримизча, вилоятдаги мавжуд туристик объектларни тўлиқ хусусийлаштириш ёки уларни ДХШ механизми асосида бошқарувини ташкил қилиш, улардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга ва мавжуд салоҳиятни янада кўтаришга хизмат қилади.

#### **§2.4. Туризм фаолиятини ривожланишини бошқаришда ДХШнинг роли ва аҳамиятини баҳолаш**

Бугунги глобаллашув ва пандемиядан кейинги ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг ҳозирги босқичида ДХШ аксарият ривожланган мамлакатларда кенг миқёсда қўлланилаётган ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, тадбиркорлик субъектларини ҳукумат билан ҳамкорлигини янада кенгайтириш асосида ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этаётган истиқболли ва таъсирчан механизм сифатида майдонга чиқмоқда. Давлат ва бизнеснинг шерикчилиги ҳозирги замонавий ривожланиш босқичида иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш ҳамда уни изга солишнинг муҳим воситаси бўлиб, ДХШ механизмини муваффақиятли қўллаш ижтимоий-иқтисодий тараққиёт учун жуда катта самара беради.

Кейинги даврда мазкур соҳада амалга оширилган тадқиқот натижалари ҳамда тўпланган тажриба ДХШни иқтисодий тараққиётни таъминлашда ресурслар ҳамда имкониятлардан оптимал фойдаланиш, давлат ва жамоатчилик мулкни бошқариш самарадорлигини оширишнинг асосий механизмларидан бири эканлигини тасдиқламоқда. Бу каби шериклик жаҳон хўжалигида янги йўналиш ҳисобланиб, у давлат ва хусусий секторнинг ўзаро таъсирини кенгайтириш имкониятларини ўзида намоён қилади.

Хусусий сектор учун ДХШ механизми давлат мулкида иштирок қилиш имконияти бўлиб, давлат ва бизнес секторининг инвестицион алоқаларини фаоллаштиришга хизмат этмоқда. Яъни «ДХШ амалдаги қонунлар доирасида давлатнинг узоқ муддатли стратегик вазифалари ва мақсадларидан келиб

чиққан ҳолда, юзага келиши мумкин бўлган турли хил иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маданий ва бошқа таваккалчиликлар, хавф-хатарлар, рискларни тақсимлаш асосида хусусий сектор билан аҳоли учун ўта ижтимоий-иқтисодий, керак бўлса, сиёсий аҳамиятга молик объектларни қуриш ёки шу аснодаги ижтимоий хизматларни кўрсатиш учун хусусий сектор билан амалга оширадиган том маънодаги ўзаро манфаатли алоқаларидир»<sup>128</sup>.

Бозор иқтисодиёти шароитида давлат бюджетининг қарз мажбуриятларини оширишига хизмат қиладиган, капиталталаб ва норентабел бўлган ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни молиялаштиришда ДХШ асосида хусусий бизнеснинг маблағларини жалб этиш мақсадга мувофиқдир. Бунгунги кунда ДХШ механизмини қўллаш бўйича тараққий қилган давлатлар тажрибаларини тадқиқ қилган, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини инобатга олган ҳолда самарали тизимларни ишлаб чиқиш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Ўзбекистонни 2017-2021 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг 3.4.банди<sup>129</sup> *давлат-хусусий шериклигини кенгайтириш* устувор вазифалардан бири сифатида келтирилган. Натижада кейинги йилларда ДХШ механизмдан фойдаланиш бўйич ҳуқуқий асосни шакллантирилди ва қатор лойиҳаларни амалга оширишда ундан фойдаланилди.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси бўйича амалга оширилган қидирув натижаларига кўра айнан 2016 йилдан кейинги даврда қабул қилинган қонун ҳужжатларидан ДХШ мезханизми ва ундан фойдаланиш масалаларига эътибор қаратилган. Қидирув натижаларига кўра «Давлат хусусий шериклик» тушунчаси қатнашган жами 553 та ҳужжат топилган бўлиб шуладан 406 таси 2016 йилдан кейинги даврда қабул қилинган. Биз ушбу йўналишнинг меъёрий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар

---

<sup>128</sup> Джуманиязов У.И. Давлат-хусусий шерикчилиги асосида уй-жой қурилиши соҳасида корпоратив бошқарувмеханизмларини такомиллаштириш. Автореф. дисс. PhD. – Т.: ТДИУ. 2017. – 56 с.,

<sup>129</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони \ lex.uz

натижаларини мамлакатимиз минтақаларида туризмни ривожлан-тиришга таъсирини таҳлил қиламиз (2.4.1-жадвалга қаранг).

## 2.4.1-жадвал

### Ўзбекистон Республикасида туризм соҳаси корхона ва ташкилотларининг асосий кўрсаткичлари<sup>130</sup>

Йиллар	ДХШ сўзи бевосита қанашган қонун ҳужжатлар сони	Туристик фирма ва ташкилотлар сони	Меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситалари объектлари сони	Санатория ва курорт муассасалари объектлари сони	Дам олиш воситалари ва туристик воситалари объектлари сони
2017	14	449	816	193	298
2018	114	502	916	211	376
2019	134	517	1051	211	531
2020	123	337	1156	215	584
2021	123	330	1271	215	642
2017 йилга нисбатан ўзағариши (%)	878,6	73,5	155,7	111,4	215,4

Тадқиқ қилинаётган давр мобайнида республика бўйича барча йўналишдаги туризм соҳаси корхона ва ташкилотларнинг сонида ижобий ўзгариш таъминланган. Энг катта ўсиш дам олиш ташкилотлари ва туристик базалари сонида, паст ўсиш эса санатория ва курорт муассасалари объектлари сонида кузатилган. Ушбу ўзгаришларни таъминлашда ДХШ механизмини ривожланишининг аҳамияти ва роли қанчалик даражада муҳимлигини қараб чиқмоқчимиз. Маъумотлардан кўринишича ДХШ механизмини шакллантириш бўйича қонун ҳужжатлар сони ҳам йилдан-йилга ошиб бориши таъминланган натижада 2019 йилда мамлакатда қабул қилинган ДХШ механизмига таалукли бўлган қонун ҳужжатлар сони энг юқори қийматига эришган бўлиб, 134 тани ташкил қилган, 2020-2021 йилларда бу кўрсаткич 123 тани ташкил қилган.

<sup>130</sup> Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

Шу ўринда мамлакатимизда ДХШ механизмини шакллантириш ва уни ташкилий-ҳуқуқий асосларини яратиш бўйича амалга оширилаётган чоратadbирлар натижалари самарадорлиги, хусусан мамлакат ва унинг ҳудудларида туристик салоҳиятдан фойдланиш, туризмни ривожини таъминлашдаги ролини баҳолаш мақсадида улар орасидаги жуфт корреляция коэффициентларини аниқладик (2.4.2-жадвалга қаранг).

#### 2.4.2-жадвал

#### Жуфт корреляция коэффициентлари<sup>131</sup>

	ДХШ сўзи бевосита қантaшган қонун ҳужжатлар сони	Туристик фирма ва ташкилотлар сони	Меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситалари объектлари сони	Санатория ва курорт муассасалари объектлари сони	Дам олиш воситалари ва туристик воситалари объектлари сони
ДХШ сўзи бевосита қантaшган қонун ҳужжатлар сони	1.00				
Туристик фирма ва ташкилотлар сони	0.16	1.00			
Меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситалари объектлари сони	0.87	-0.31	1.00		
Санатория ва курорт муассасалари объектлари сони	0.84	-0.36	0.96	1.00	
Дам олиш воситалари ва туристик воситалари объектлари сони	0.88	-0.26	0.99	0.92	1.00

Корреляцион таҳлил натижаларидан маълум бўлишича туристик фирма ва ташкилотлар сони билан ДХШ механизмини ривожланиши орасида заиф корреляцион боғлиқлик кузатилмоқда бунинг асосий сабаби 2020 йилга келиб пандемия сабабли туристик фирма ва ташкилотлар сонини олдинги йилга нибатан 180 бирликка камайганлигидир. Агар 2021 йилни ҳисобга олмаганда мазкур коэффициент 0,99га тенг эканлиги аниқланган. Бироқ, меҳмонхона ва

<sup>131</sup> Муаллиф ишланмаси

шунга ўхшаш жойлаштириш воситалари, санатория ва курорт муассасалари, дам олиш воситалари ва туристик воситалари объектлари сони ДХШ билан боғлиқ ҳуқуқий асосни шакллантириш орасида юқори корреляцион боғлиқлик мавжуд бўлиб барча ҳолатларда корреляция коэффициентлари 0,8 дан катта қийматга эга бўлмоқда.

Келтирилган таҳлилдан турфирма ва ташкилотлар сонидан ташқари барча кўрсаткичлар бўйича туризм соҳаси корхона ва ташкилотлари сонининг ўзаро таъсирлари ҳам юқори бўлиб, уларнинг ривожини бевосита бир-бири билан боғлиқ эканлигини кўрсатмоқда.

Юқоридаги таҳлил натижаларидан маълумки мамлакатда туризмни тараққиёти бевосита минтақалар кесимида туризм ривожини билан боғлиқ. Агар минтақаларда уларнинг имкониятларига мос ҳолда туризм йўналишлари ривожини таъминланмаса туристик салоҳиятдан фойдаланиш даражасини пастлигича қолаверади. Тадқиқотимиз объекти ҳисобланган Фарғона вилоятида туристик хизматларни ривожлантириш бўйича катта салоҳият мавжуд, яъни дам олиш ташкилотлари ва туристик базалар, кўпгина санатория ва курорт муассасалари вилоятда жойлашган бўлсада уларни сифат ва миқдор жиҳатдан ошириш, самарали фойдаланиш бўйича ишлар тўғри йўлга қўйилмаган.

Шунингдек, улардан фойдаланиш самарадорлигини оширишда, реконструкция қилишида ДХШ механизмидан фойдаланиш, уларда шароитларни жаҳон талабларига даражасига чиқариш асосида хорижий ташриф буюрувчилар сонини ошириш масалалари ўз ечимини кутаётганлигини аниқланган.

Юқорида келтирилганларни ҳисобга олган ҳолда Фарғона вилоятида туризм соҳаси корхона ва ташкилотларининг асосий кўрсаткичлари ўзгариш динамикасига эътибор қаратган ҳолда уларнинг ушбу ўзгаришларига ДХШ механизми таъсирини қараб чиқмоқчимиз (2.4.3-жадвалга қаранг).

## 2.4.3-жадвал

### Фарғона вилоятида туризм соҳаси корхона ва ташкилотларининг асосий кўрсаткичлари<sup>132</sup>

Йиллар	ДХШ сўзи бевосита қанташган қонун ҳужжатлар сони	Туристлик фирма ва ташкилотлар сони	Меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситалари объектлари сони	Санатория ва курорт муассасалари объектлари сони	Дам олиш ташкилотлари ва туристик базалар сони
2017	14	4	48	41	18
2018	114	9	55	44	19
2019	134	17	81	36	18
2020	123	133	109	40	19
2021	123	128	147	44,3	21
2017 йилга нисбатан ўзгариши (%)	878,6	2216,7	265,9	101,5	105,6

Келтирилган 2.4.3-жадвал маълумотларидан кўринадикки Фарғона вилоятида туризм соҳаси корхона ва ташкилотларининг асосий кўрсаткичларининг барчасида ижобий ўзгариш таъминланган. Бирок санатория ва курорт муассасалари объектлари, дам олиш ташкилотлари ва туристик базалар сонидаги ўзгаришга қаратиб ўтмоқчимиз. Чунки, улар сонида ўзгаришлар анча паст бўлиб бошқаларга нисбатан сезиларсиз аҳамиятга эга. Қизиғи шундаки, ушбу муассасалар айнан ички туристларга хизмат кўрсатишга ихтисослашган бўлиб, улар одиндан мавжуд бўлган ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган корхоналар ҳисобланади. Айнан уларнинг ривожини таъминлашда ДХШлик ўрни жуда муҳим саналади. Дам олиш ташкилотлари ва туристик базалар учун ҳам юқорида келтирилган фикрлар ўринли ҳисобланади.

Бошқа томонда эса хусусий бизнес томонидан кенг ривожланиши таъминланаётган, фаолияти фойда олишга йўналитирилган, катта миқдорда инвестиция харажатларини талаб қилмайдиган, ижтимоий аҳамияти нисбатан

<sup>132</sup> Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.



паст бўлган корхоналар сонида ижобий ўзгариш таъминланган. Хусусан, туристик фирма ва ташкилотлар сони дастлабки даврда сезиларли даражада ўзгармаган бўлсада, охириги йили олдинги йилдагига нисбатан 7,8 баробарга ошганлигини кузатиш мумкин ва бу ўзгариш айнан пандемия таъсири даврига тўғри келади.

Фикримизча ДХШ механизмидан фойдаланган ҳолда туризм соҳасини ривожлантириш имкониятларини кенгайтириш, айнан ижтимоий аҳамиятга эга бўлган туризм йўналишларини ривожлантириш ҳамда корхона ва муассалар фаолияти самарадорлигини ошириш, мавжуд салоҳиятдан тўлақонли фойдаланишга хизмат қилади. Чунки, мамлакат миқёсида амалга оширилган тақиқот натижалари ДХШ механизмини ривожлантириш ижобий таъсирга эгаллигини тасдиқлади.

Фарғона юқори туристик салоҳиятга эга бўлган ҳудудлардан ҳисобланиб, асосан маҳаллий туристларга хизмат кўрсатишга ихтисослашган, бундан ташқариш мазкур ҳудудда ижтимоий объектлар сони юқори бўлиб, бу вилоятда туристик хизматларни ривожланишида ДХШ механизмидан фойдаланиш зарурлигини асослайди. Буни инобатга олган ҳолда 2.4.3-жадвал маълумотлари асосида ДХШ механизмини вилоятдаги туризм соҳаси корхона ва ташкилотлари сонига таъсирини қараб чиқамиз. Амалга оширилган корреляцион таҳлил натижаларига кўра қуйидаги коэффициентларга эга бўлдик (2.4.4-жадвал).

Юқорида республика миқёсида амалга оширилган таҳиллардан фарқли равишда ДХШ механизмининг ҳуқуқий асосларини шакллантириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар билан вилоятда туризм соҳаси корхона ва ташкилотлари сони ўзгариши орасидаги корреляцион боғлиқлик анча заиф эканлиги, баъзи ҳолатларда манфий қийматга эга бўлганлигини кўриш мумкин. 2.4.4-жадвал маълумотларига кўра энг юқори корреляцион боғлиқлик ДХШ механизмининг ҳуқуқий асосларини шакллантириш ва меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситалари объектлари сони орасида аниқланди.

Санатория ва курорт муассасалари объектлари сони билан ДХШ механизми ҳуқуқий асослари орасида манфий заиф боғлиқлик аниқланди.

#### 2.4.4-жадвал

#### Жуфт корреляция коэффициентлари<sup>133</sup>

	ДХШ сўзи бевосита қанташган қонун ҳужжатлар сони	Туристик фирма ва ташкилотлар сони	Меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситалари объектлари сони	Санатория ва курорт муассасалари объектлари сони	Дам олиш ташкилотлари ва туристик базалар сони
ДХШ сўзи бевосита қанташган қонун ҳужжатлар сони	1.00				
Туристик фирма ва ташкилотлар сони	0.42	1.00			
Меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситалари объектлари сони	0.75	0.88	1.00		
Санатория ва курорт муассасалари объектлари сони	-0.17	-0.05	-0.30	1.00	
Дам олиш ташкилотлари ва туристик базалар сони	0.51	0.61	0.50	0.63	1.00

Туристик фирма ва ташкилотлар, дам олиш ташкилотлари ва туристик базалар сони ошишига ДХШ механизми ижобий тъсир кўрсатдаги. Санатория ва курорт муассасалари объектлари сони дам олиш ташкилотлари ва туристик базалар сонини ҳисобга олмаганда барча кўрсаткичлар билан тескари заиф корреляцион боғлиқликка эга бўлмоқда. Бундан кўринадики вилоятда айнан санатория ва курорт муассасалари фаолиятини ривожлантириш уларга ДХШ механизмини жорий этиш талаб қилинади. Чунки, ушбу муассасалардан мавжуд салоҳиятдан фойдаланиш даражаси анча пастлигича қолмоқда. Шунингдек, улардаги шароитларни халқаро талаблар даражасига кўтариш лозимлиги уларга капитал жалб қилишнинг мақбул йўлларини излаб топиш кераклигини асослайди.

<sup>133</sup> Муаллиф ишланмаси

Келтирилган таҳлил натижаларига кўра ДХШ механизмини шакллантириш ва уни туризмни ривожлантиришда қўллаш ижобий натижаларга эришишга хизмат қилади. Жумладан, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ҳамда катта миқдорда сармоя талаб қиладиган туризм йўналишларини ривожлантириш, туристик объектларни қуриш, улардан фойдаланишда ДХШ механизми самарали йўналишлардан бири эканлигини тадқиқот натижалари асосида ўз тасдиғини топди. Шунингдек, бугунги кунда ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлаш, давлатнинг иқтисодиётга аралашувини чеклаш, давлат мулкини бошқаришга хусусий секторни жалб қилишда ДХШ механизми истиқболли йўналишлардан биридир.

Бироқ, ҳуқуқий асосларини ҳали етарли даражада шаклланган дейиш қийин, шунингдек, иқтисодиётнинг ҳар бир тармоғига мос бўлган ДХШ механизмларини ишлаб чиқиш ва уларнинг ҳуқуқий асосларини шакллантириш масалалари тўлиқ ўз ечимини топмаган. Бугунги кунга қадар ДХШ механизми билан боғлиқ бўлган 553 та қонун ҳужжатлари қабул қилинган бўлса, сарлавҳасида «давлат хусусий шериклик» бирикмаси қатнашган қонун ҳужжатлари сони 30 тани ташкил қилмоқда. Афсуски, аниқланган 30 та қонун ҳужжатларини 2 тасини ичида туризм сўзини учратиш мумкин. Қидирувни тескари ҳолатда амалга оширилганида, яъни сарлавҳасида «Туризм» сўзи мавжуд бўлган қонун ҳужжатларининг 12 тасида «давлат хусусий шериклик» бирикмаси мавжуд эканлиги аниқланди.

ДХШ механизми фақат унинг ҳуқуқий асосларини таъминлаш билан боғлиқ эмас балки, ушбу ҳужжатларни ижросини таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлади. Юқоридаги таҳлил натижаларидан маълум бўлишича республика миқёсида ДХШ механизмидан фойдаланиш етарли даражада йўлга қўйилган бўлишига қарамасдан минтақалар кесимида ДХШ механизмини қўллашда, ушбу йўналишда қабул қилинган ҳужжатларни ижросини таъминлашда муаммолар мавжудлигини кўриш мумкин. Чунки, ДХШ механизми бевосита давлат мулкига хусусий секторни жалб қилишга асосланганлиги сабабли минтақаларда бир томондан маҳаллий ҳокимият

вакиллари бошқа томонда хусусий сектор вакиллари туради. Ушбу механизмдан фойдаланиш учун эса иккала томон ҳам уни тўлақонли тушуниши ва бир-бирларини манфаатларини паймол қилмаслиги, ҳуқуқ ва мажбуриятларни белиглашда ўзаро бир ечимга кела олиши талаб қилинади.

Амалга оширилган тақиқот ва кузатувлар натижаларига кўра кўпчилик ҳолатларда иккала субъектнинг бир ечимга кела олмаслиги, қонун доирасидан ташқаридаги талаб ва мажбуриятларни қўйиши, келишув шартларини мустаҳкамлигига шубҳанинг бўлиши каби омиллар улар орасидаги шерикликни амалга оширишга тўсқинлик қилувчи асосий муаммолар сифатида майдонга чиқмоқда. Ушбу муаммоларни бартараф этишда маҳаллий ҳокимият вакиллари ҳуқуқий ва иқтисодий саводхонлигини ошириш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилинишини, шерикликни амалга оширишда шаффофликни таъминлаш каби муҳим эканлиги тадқиқотларимиз жараёнида аниқланди.

Жаҳон амалиётида туризмни барқарор ривожини таъминлаш учун давлат ва хусусий секторни ҳамкорлик қилиши мумкин бўлган бир қатор механизмлари мавжуд. Булар: тез-тез хусусий сектор ихтиёрий кўмаги асосида бўлиши мумкин бўлган кичик, маҳаллий лойиҳалардан тортиб, асосий инфратузилма ва диққатга сазовор жойларни ривожлантириш лойиҳаларига қадар бўлган йирик шерикликлардан иборатдир.

Туризмни барқарор ривожини таъминлашда ДХШ механизмини қўллаш бир қатор йўналишларда аҳамиятли бўлиши мумкин. Ушбу йўналишдаги шерикликнинг жаҳон амалиётида кўп учрайдиган кўринишлари маркетинг ва тарғибот, маҳсулот ишлаб чиқариш саналади.

Маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича шериклик шакллари ўз навбатида қуйидаги кичик гуруҳларга бўлинади. Булар:

- инфратузилмани ривожлантириш ёки янгилаш;
- туристларни жалб қилишни географиясини диверсификациялаш;
- самарадорликни ошириш ва хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш;
- туризмга нисбатан жамиятни қарашларини ривожлантириш;

➤ маданий меросни ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш ёки яхшилаш.

Ушбу рўйхат кенг миқёсда бўлишига қарамасдан, табиатан фақат ҳукумат томонидан бошқарилиш характерига эга бўлган баъзи фаолият турлари мавжудлигини унутмаслик керак. Маълумотларни йиғиш, базани шакллантириш баъзи ҳолларда қимматга тушиши мумкин бўлсада айрим ҳолатлар ҳукумат жавобгарлигида қолади. Чунки, 100 фоиз ҳамма тармоқни хусусий секторга бериб бўлмайди. Жумладан, айрим фаолият турлари давлат томонидан бошқарилиши ва амалга оширилиши мақсадга мувофиқ:

- миллий ёки ҳудудий туризм стратегиясини аниқлаш ва тасдиқлаш;
- туризмда йирик инфратузилма лойиҳалари учун шартномалар;
- халқаро молия институтлари ва бошқа донор ташкилотларнинг грант лойиҳаларини тасдиқлаш, рухсатнома ва лицензиялаш;
- бажарилган шартномавий хизматларини баҳолаш / кузатиб бориш;
- шартнома бўйича хизматлар учун тўловни тасдиқлаш ва мувофиқлаштириш.

Амалга оширилган таҳлил натижалари ҳамда фикр мулоҳазалар, жаҳон тажрибаларига асосланган ҳолда шуни таъкидлашимиз мумкинки мамлакатимиз минтақаларида туризмни барқарор ривожини таъминлаш учун ДХШ механизмини такомиллаштириш, маҳаллий ҳокимият вакилларини ҳуқуқий ва иқтисодий саводхонлигини ошириш каби муаммоларни ечиш талаб қилинади.

## **II боб бўйича хулосалар**

Туризмни ривожланиш даражасини ифодалашда унинг ЯИМни шакллантиришга таъсири кўрсаткичидан фойдаланилади. Туризм юқори ривожланган давлатларда бу кўрсаткич 60-70 фоизни ташкил қилади. Мазкур кўрсаткичнинг Ўзбекистонда ҳам ижобий ўзгариши таъминланган бўлиб, кейинги йилларда 2017-2021 йилларда 2.9 фоиздан 3.4 фоизгача ошиши таъминланди. Табиyki, бу мамлакатнинг ва унинг минтақалари мавжуд

туризм салоҳиятидан самарали фойдаланиш ва уни ошириш билан бевосита боғлиқ ҳисобланади.

Кейинги йилларда мамлакатимизда ташриф буюрувчилар сони 2021 йилга келиб 2017 йилга нисбатан 1,4 баробарга камайиб, 1 881 300 кишини ташкил қилган. Бироқ ушбу ташриф буюрувчиларни таркибий қисмлари бўйича ўзгаришларга эътибор қаратиш, вазиятга янада тўлароқ баҳо бериш ҳамда ўзига хос бўлган ривожланиш тенденцияларини кузатиш имкониятини яратиб беради. Пандемия йилларида пасайиш суръатлари чиқувчи туристлар сонидан кузатилиб, уларнинг сони 2021 йил 2195000 кишини ташкил этгани ҳолда, 2017 йилга нисбатан 2,4 баробарга камайган. Пандемия йилларида ички туризм салмоғининг 2017 йилга нисбатан 2,45 баробарга ошганлигини кузатиш мумкин.

Аммо, Фарғона вилоятида туризмнинг ривожланишини қониқарли даражада дейиш қийин. Хусусан мамлакат туристик фирма ва ташкилотлар сонидан вилоят улуши анча кичик миқдорга эга бўлиб, 1.4 фоизни, ташриф буюрувчилар сонидан эса 0.2 фоизни ташкил қилади. Демак, вилоятнинг туризм салоҳиятига нисбатан олган юқорида кўрсаткичлар жуда паст.

Вилоятда жойлаштириш воситалари 8.8 фоизга, улардаги жойлар сони 6.3 фоизлик улушга эга бўлсада, ташриф буюрувчилар сони бўйича улуши 3.3 фоизни ташкил қилолмоқда холос.

Бироқ, мамлакат санатория-курорт муассасаларининг 17.1 фоизи Фарғона вилояти улушига, улардаги мавжуд жойларнинг эса 14.9 фоизи, ташриф буюрувчиларнинг 28.9 фоизи ҳудуд улушига тўғри келди. Демак, вилоятда дам олиш, ҳордик чиқариш туризмни ривожлантириш бўйича имкониятлар юқори бироқ уларга хорижий туристларни жалб қилиш масаласи оқсаётганлигини кўришимиз мумкин. МДХ яъни қўшни давлатлардан ташриф буюрувчилар сони бўйича улуши анча катта 41.7 фоизга тенг лекин, узок хориж давлатларидан ташриф буюрувчилар сони нолга тенглигича қолмоқда. Бунинг учун айнан чет давлатлардаги туристик ярмарка ва кўргазмаларда вилоятнинг фаол иштркони таъминлаш, мавжуд санатория-курорт

муассасаларида халқаро талаблар асосида хизматларни ташкил этиш уларни замон талаблари асосида реконструкция қилиш, бошқарув тизимини такомиллаштириш керак.

Дам олиш ташкилотлари ва туристик базалар фаолиятининг асосий кўрсаткичлари бўйича амалга оширилган таҳлил натижаларига кўра ҳам юқоридаги каби ҳолатни кузатиш мумкин. Фақат юқоридагидан фарқли равишда узоқ хориж давлатларидан келувчи туристларга хизмат кўрсатиш мавжудлиги ва у жамига нисбатан 0.1 фоизга эга. Бу эса ушбу йўналишда нафақат узоқ хорижлик туристлар балки, МДХ давлатларидан туристларни жалб қилиш ҳам анча оқсаётганлигини кўрсатади.

Таҳлилларимиз натижаларига кўра, вилоятнинг мавжуд туристик имкониятларини баҳолаган ҳолда дам олиш ва ҳордиқ чиқариш туризмини ривожлантириш истиқболли соҳалардан деб ҳисоблаймиз.

Фикримизча, вилоятдаги мавжуд туристик объектларни хусусийлаштириш ва уларда давлат улушини камайтириш, бозор қонунлари асосида бошқарувни ташкил қилиш, ДХШ механизmidан фойдаланиш улардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга ҳамда мавжуд салоҳиятни янада кўтаришга хизмат қилади.

### **III БОБ. МИНТАҚАДА ДХШ МЕХАНИЗМИ АСОСИДА ТУРИСТИК САЛОҲИЯТНИ ОШИРИШНИ БОШҚАРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ**

#### **§3.1. Туристтик кластерни ташкил қилишда ДХШнинг концептуал асослари**

Мамлакатимиз ва унинг ҳудудларида бугунги замон талабларига жавоб берадиган, рақобатбардош ва юқори самарадорликка эга бўлган туристик комплексларни шакллантириш, ҳудудларда инвестицион муҳитни яхшилаш асосида уларнинг инвестицион жозибадорлигини ошириш жараёнида кластерларни ташкил қилиш ҳамда уларга асосланган минтақавий сиёсат ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этади.

Туристтик мажмуани кластерлар шаклида ташкил қилиш унинг иштирокчиларга инновацион технологиялардан фойдаланиш, малакали ишчи кучини жалб қилиш, ахборот, бизнес хизматлари сифатини яхшилаш ҳамда самарадорлигини ошириш имкониятини таъминлайди. Шунингдек, минтақаларда туристик кластерларни ривожлантириш мамлакатнинг ўзаро ҳудудлариаро самарали ижтимоий-иқтисодий алоқаларни ташкил этиш ҳамда комплекс ҳолда туризм инфратузилмасининг ривожланишига имкон яратади.

Кейинги даврда кластерлар иқтисодий таҳлил ва синтез объекти сифатида кенг кўламдаги иқтисодчилар эътиборини жалб қилаётганига қарамасдан кластерларни ташкил қилишнинг аниқ ўзига хос услубиятлари ишлаб чиқилмаган. Таҳлиларимизга кўрсатишича, туризмда кластер ёндошувидан фойдаланган ҳолда товар ва хизматларни етказиб бериш фаолият самарадорлигини оширишда алоҳида ўрин тутаяди. Бундай ҳолатда ДХШнинг асосий ўрни кластер сиёсатини ва минтақада туристик кластерни ташкил қилиш қоидаларни ишлаб чиқишдан иборат ҳисобланади.

Кластерларни ташкил қилишда мазкур сиёсатининг устувор йўналишлари сифатида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:



➤ кластернинг таркибий тузилиши, SWOT таҳлил қилиш, стратегия ва режаларини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотларни рағбатлантириш;

➤ ўзаро тажриба, малака ва кўникмаларни алмашиш, бошқарув марказларини яратиш ва тегишли субъектларни кластер доирасидаги шерикчилик алоқаларини ташкил этиш;

➤ кластер таркибидаги корхоналарини ташқи бозорларга чиқишига кўмаклашиш, қўшма маркетинг тадқиқотлари ва реклама тадбирларини ўтказиш;

➤ кадрлар тайёрлаш дастурлари самарадорлигини ошириш, жумладан, кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш дастурларини биргаликда ташкил этиш, таълимни кредитлашни қўллаб-қувватлаш, ўтказилган изланишларни сотишга кўмаклашиш;

➤ ташкил этилган туристик кластерларда ишлаб чиқариладиган турмахсулот ва турхизматларнинг рақобатбардошлигини ошириш;

➤ туризмга бевосита ва билвосита хизмат қилувчи ижтимоий инфратузилмани қўллаб-қувватлаш, субсидиялар тақдим этиш ва кредитлаш.

Кластерларни исталган иқтисодий йўналишда қўллашдан олдин уни ташкил қилишда ўзига хос хусусиятларини аниқлаш ҳам шунга мос равишда фаолиятини таъминлаш талаб қилинади. Амалга оширилган ўрганишларимиз натижаларига асосланган ҳолда кластерларнинг асосий хоссалари сифатида қуйидагиларни келтириб ўтиш мумкин.

*Биринчидан*, кластерлар ўз-ўзидан шаклланиб қолмайди, даставвал тараққиётни таъминлаш ва ундан кейингина молиялаштириш керак бўлади.

*Иккинчидан*, кластерларни ташкил қилишда маълум бир ҳудуд нуқтаи назаридан қаралади ва унинг ресурс салоҳиятига таянади. Натижада бирон ҳудуддаги кластерни тузилишини бошқа ҳудудга тадбиқ қилиб бўлмайди. Бу нуқтаи назардан кластерлар ноёб хўжалик юритувчи субъектлар бирлашмаси ҳисобланади.

*Учинчидан*, кластер ёндошувининг ўзи уни ташкил қилувчи менежерлар фаолиятининг бир йўналиши бўлиб, кластерлар самарали фаолият кўрсатишининг ўзаги стратегик режалаштириш жараёни ҳисобланади.

*Тўртинчидан*, келажакда кластернинг ўзагини, унинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини шакллантириш ва ривожлантириш, бажарилишини назорат қилишнинг институционал таркибини ташкил қилиш мақсадга мувофиқ.

*Бешинчидан*, айнан инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш кластерларнинг асосий хусусиятларидан ҳисобланади.

*Олтинчидан*, кластер муҳотида барча даражадаги ва кўламдаги хўжалик юритувчи субъектларнинг ўртасида синергетик самара юзага келади ва инфратузилма тўлақонли ишга туширилади.

*Еттинчидан*, албатта кластерларни шакллантириш жараёни эволюцион ходиса бўлиб, бундай мураккаб лойиҳалар босқичма-босқич яратилади.

Кластерларнинг юқорида келтирилган ўзига хосликлари уни шакллантириш учун аниқ усуллар ишлаб чиқилмаганлигини асослайди ва хусусиятларнинг ҳар бири тўла амалга ошмаган мураккаб илмий муаммо сифатида майдонга чиқади. Натижада бугунги кунда кластер тузишда унинг услубиятини шакллантиришда мавжуд билимларга таянилади. Яъни кластер тузиш дастурини амалга ошириш натижасида вужудга келадиган вазият ўрганилади. Бунда биринчи босқич объектнинг якуний ҳолатини тасвирлашда инновацион тамойилга риоя қилишни талаб қилади, чунки баъзи ҳолатларда ҳеч қачон эришиб бўлмайдиган, лекин унга интилиш лозим бўлган муайян идеаллаштирилган ҳолат сифатида қаралиши мумкин.

Айрим тадқиқотчилар фикрича, кластерларни тўртта тизимларнинг яхлит бирлиги сифатида кўриб чиқиш тавсия этилади. Бунда барча иқтисодий тизимлар хилма-хиллиги қуйидаги турларга бўлинади<sup>134</sup>:

1) «объектлар» – юридик ва жисмоний шахслар, ташкилотлар, корхоналар, уларнинг гуруҳлари, давлатлар, давлатлар иттифоқлари ва ҳ.к.;

---

<sup>134</sup> Боисова Е.В. Жизнь наладится / Турбизнес – 2009 - №3 – С. 4 – 6.

2) «жараёнлар» – мавжуд муҳит ёки объектлар у ёки бу даражада эволюцион ўзгаришлари;

3) «муҳитлар» – иқтисодий объектларининг ўзаро алоқаларни амалга ошириш ва иқтисодий жараёнлар содир бўлиши учун яратилган шарт-шароитлар;

4) «лойиҳалар» - ижтимоий-иқтисодий соҳадаги вазиятнинг нисбатан қисқа муддатли жиддий ўзгариши.

Санаб ўтилган тизимлар макон ва замонда иқтисодий тизимлар хилма-хиллигини ифодалайди.

Санаб ўтилган тушунчаларни аниқлаш ҳамда белгилашда «объектлар»ни ўзини уч тоифага ажратиш мақсадга мувофиқ бўлади. Фиркимизча туристик йўналишдаги объектларни «товар ва хизматлар ишлаб чиқарувчилар»; «товар ва хизматлар»; «товар ва хизматлар истеъмолчилари» қараб чиқиш вазиятни янада тўлароқ тушунишга ёрдам беради. Шунингдек, туристик кластерларни ташкил қилишда «муҳит» тушунчаси туристик ва рекреацион ресурслар сифатида ҳам қаралади.

Кластерларни ишлаб чиқишда минтақа тараққиётини таъминлашга хизмат қиладиган идеал ҳолат сифатида қараб чиқилади. Шу сабабли кластернинг зарурий ҳолатини тасвирлаш учун уни шакллантириш мақсадларини аниқ ифодалаш керак бўлади. Минтақада туристик кластер тузишнинг стратегик мақсадлари келтириб ўтмоқчимиз (3.1.1-расмга қаранг).

Минтақада туризм тараққиёти бевосита самарали ҳамда рақобатбардош туризм бозорининг ривожланиши билан боғлиқ бўлиб, бунинг учун қатор вазифаларни амалга ошириш ва шарт-шароитларни таъминлаш талаб қилинади. Жумладан ҳудуд ривожини, ажтимоий-иқтисодий барқарорлигини таъминлаш, инфратузилма, хусусан туристик инфратузилмани ривожлантириш ҳамда сифатини ошириш, мавжуд табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни йўлга қўйиш, экологик хавфсизлик даражасини таъминлаш кабилар шулар жумласидандир.



**3.1.1-расм. Ҳудуд туристик кластерини шакллантиришда стратегик мақсадлар.**

Манба: Муаллиф ишланмаси

Юқоридаги барча вазифаларни тўлақонли ва самарали амалга оширилиши туристлар географияси, саёҳат мақсади бўйича минтақада туристик оқим таркибини оптималлаштиришга хизмат қилгани ҳолда самарали ва рақобатбардош туризм бозори шакллантириш учун зарур бўлган вазифаларни таркибий қисмлари сифатида намоён бўлади.

«Бизнес», «объект», «жараён», «муҳит» тушунчалари минтакаларда туристик кластерни шакллантиришда муҳим таркибий қисмлар ҳисобланади ва уларни ҳудудда яшаётган одамлар фикрлари нуқтаи назаридан кўриб чиқиш лозим. Бунинг учун мавжуд ҳамда салоҳиятли истеъмолчиларнинг фикрлари ўрганилгани ҳолда кластер таркибидаги элементлар ўртасидаги мантикий боғланишлар ўрнатилиб, рўйхатлар аниқлаштирилади. Ушбу босқичда рўйхат элементларини солиштириш ва синергетик таъсир яратувчи элементларни аниқлаш жуда муҳим ҳисобланади. Чунки, максимал синергетик таъсирга эга бўладиган тизимни шакллантириш кластер ташкил қилишнинг асосий мақсади саналади. Бу эса илмий муаммо сифатида кластернинг элементлари синергетик таъсирини баҳолаш ва тавсифлаш усулларини яратишни кун таритбига қўяди.

Шуни алоҳида айтиш жоизки, кластердаги ҳар бир таркибий қисмнинг ривожланиши кластернинг ривожланишига ҳам ижобий таъсир кўрсатгани ҳолда бошқа томонидан салбий таъсир кўрсатиши ҳам мумкин. Шунинг учун страгегик ривожланиш дастурларини ишлиб чиқишда айнан салбий жиҳатларни бартараф қилишга эътибор қаратилиши керак. Худди шунингдек, кластернинг ижобий жиҳатларидан асосий ҳаракатга келтирувчи куч сифатида фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Элементлар танлаб бўлинганидан кейин уларнинг бирликлари шакллантирилади ва якуний ҳолатни тасвирлаш учун ишлаб чиқилган атамалардан фойдаланилади. Шундагина жорий ҳолатни тавсифлаш учун қандай маълумотларни тўплаш кераклиги ойдинлашади ва қандай маълумотлар базасини шакллантириш лозимлиги аниқланади.

Сўнгра лойиҳа танлаш моделлари синфига кирувчи тизимнинг элементларини бошланғич ҳолатдан яқуний ҳолатга ўтказиш учун оптималлаш моделлари тузилиб, иқтисодийнинг муайян секторига йўналтирилган моделларни қуриш босқичи муаммо сифатида майдонга чиқади.

Замонавий шароитларда маҳаллий ва минтақавий ҳукумат органлари зиммасида ҳудудларнинг ижобий имижларини, уларни ташриф қоғозларини, саёҳатнинг устувор сабабларини асослаш, туристларни хавфсизлигини таъминлаш кластерларни шакллантиришда етарли эътибор берилмаётган ва туризм ривожланишига тўсик бўлаётган муаммолардан саналади.

Республикамизда минтақаларида туризм сиёсатида асосий устувор эътибор туристик кластерларни шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилиши лозим. Зеро, туризмни муайян ҳудудда ривожлантириш институционал, иқтисодий, ташкилий ва бошқа элементларнинг махсус тизимини шакллантиришни талаб этади ва бунга кластер механизми ёрдамида эришиш мумкин. Муайян бир минтақада кластерларни ташкил этиш ёки шакллантиришнинг шарт-шароитлари мавжуд турхизматларнинг мураккаблиги, ушбу хизматларни тақдим қилиш орқали олиш мумкин бўлган синергетик самараларнинг ҳажмидан келиб чиқади. Кластер тузишнинг яна бир муҳим шarti маданий ва табиий ресурсларни муҳофаза қилиш ва экологик вазиятни яхшилаш чора-тадбирларини ишлаб чиқишдан иборат.


Минтақа туризм кластерининг таклиф этилган тузилмаси намунавий ва мамлакатимизга мосланган шаклни таклиф қилиб ўтмоқчимиз (3.1.2-расмга қаранг). Минтақанинг иқтисодий тараққиёт даражаси жойлашган ўрни, табиий-иқлим шароитлари, ҳудуддаги экологик ҳолат, аҳолини турмуш тарзи каби кўплаб олмиллар уларда ёрдамчи ва қўллаб-қувватловчи хизматлар, экологик ҳолат, ихтисослашган, дам олиш ва кўнгилочар хизматлар, туризм саноати вакиллари, профессионал туризм уюшмалари, инфратузилма, транспорт ва бошқалар турлича бўлишини таъминлайди. Бу эса ўз навбатида туризмнинг кластерларга асосланган минтақавий ривожланиши маҳаллий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда мувофиқлаштирилишини талаб қилади.

Туристтик фаолиятин ривожлантиришда муҳим объектлар, жараён ва муҳитни таъминлаш нуқтаи назаридан туристик кластерни шакллантириш ва ривожлантиришда ДХШ механизмидан фойдаланмаслик, ҳудудда мавжуд илмий салоҳиятдан фойдаланмасликнинг ҳеч иложи йўқ.

Жойларда туристик кластерларни ташкил қилишда асосий муаммоларни ҳал этишга қаратилган тадқиқот гуруҳларини яратиш, бажарилган ишлар учун маъсулиятни ошириш ва лойиҳаларда иштирок этиш учун демократик шарт-шароитларни таъминлаш мақсадида иш натижалари кенг илмий жамоатчиликка ва фуқароларга тақдим этиш туристик кластерларни ишлаб чиқиш ва уларнинг самарали фаолиятини таъминлашнинг гарови сифатида қаралади.

Туристтик кластерларни ташкил қилишда ДХШ механизмидан фойдаланиш зарурати давлат мулки бўлган туристик объектлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ҳамда уларни реконструкция қилишга, сақлашга хусусий сектор маблағларини жалб қилишда ўз аксини топади. Шундай қилиб, амалда хусусий бизнес давлат объекти қурилиши ёки қайта таъмирланишини ўзининг маблағлари ҳисобига амалга оширади. Хусусий инвесторнинг харажатларини қоплаш кейинчалик операциядан олинган даромад ҳисобига ёки бюджетдан тўловлар ҳисобига амалга оширилади. Хусусий молиявий ташаббуснинг кўп ҳолларида инвестор объектни кейинги эксплуатация қилишга ва унинг фаолиятини ташкил этишга жалб қилинади.

Туристтик кластерни шакллантириш асосида самарали ва рақобатбардош туризм бозорини ривожлантириш унинг таркибий қисмларини қараб чиқиш, бажарилиши зарур бўлган вазифаларни аниқ бўлгилаб олиш, уларни бажарилишини назорат қилишни талаб қилади. Бироқ келтирилган вазифаларни белгилаб олишдан один туристик кластерни шакллантиришда муҳим таркибий қисмлар ҳисобланган «объект», «жараён», «муҳит», «лойиҳа» тушунчаларини аниқлаштириш, уларнинг аҳамиятлилик даражасини ҳудуднинг имкониятлари нуқтаи назаридан қараб чиқиш керак бўлади.



3.1.2-расм. Муаллиф таклиф қилаётган Фарғона вилояти туристик кластери таркиби



Фикримизча Фарғона вилоятида туризм бозори ривожини таъминлашда ДХШ асосида туристик кластерни шакллантириш туристик маҳсулотларни яратиш ва таклиф қилишда синергетик самараларни олиш, водийда мавжуд табиий, маданий-тарихий ресурсларни муҳофаза қилиш ва экологик вазиятни яхшилашга, мавжуд салоҳиятдан тўлақонли фойдаланган ҳолда бозорга янги турмаҳсулот ва хизмат турларини киритиш, ҳудудга ташриф буюрувчи миллий ва хорижий туристлар сонини кўпайшига олиб келади.

### **§3.2. Минтақаларда туризмни ривожлантиришни бошқаришда ДХШ механизмидан фойдаланишнинг концептуал моделини ишлаб чиқиш**

Жаҳон иқтисодиёти ривожланишининг ҳозирги босқичида туризм мамалакатлар иқтисодиётининг «локомотиви» сифатида тан олинди, ушбу сектор дунё миқёсидаги энг муҳим тармоқлардан бирига айланди<sup>135</sup>. Тармоқ минтақалар ва компаниялар учун рақобатбардош устунликнинг муҳим омили сифатида қабул қилинди<sup>136</sup>.

Рақобат курашининг глобаллашуви корхоналар олдида бир вақтда рақобатбардош бўлиш, атроф-муҳитга мослашиши, маҳаллий даражада самарали фаолият олиб бориши масаласини кўймоқда. Халқаро рақобатбардошликни ошириш, тезкор технологик тараққиёт ва барқарор бозор, миқозлар ва етказиб берувчиларнинг ўзига хосликлари каби омиллар натижасида стратегик ҳамкорликларнинг ташкилотлар учун аҳамияти сезиларли даражада ошиб бормоқда<sup>137</sup>. Стратегик шериклик, давлат сектори субъектлари ўртасида ёки хусусий сектор компаниялари ўртасида, ҳатто давлат ва хусусий ташкилотлар ўртасида ўрнатилиши мумкин бўлган ҳамкорлик усули ҳисобланади. Шериклик - бу умумий мақсадлар ёки ўзаро манфатларга эришиш учун куч, иш, қўллаб-қувватлаш ёки маълумотни

<sup>135</sup> PITER. Terras do Vouga e do Caramulo: dinamização do turismo em áreas de montanha. [S.l.: s.n.], 2005.

<sup>136</sup> PORTER, M. The competitive advantage of nations. New York, NY: Free Press, 1990.

<sup>137</sup> BARBEIRA, M. As alianças como estratégia e inteligência competitiva na partilha de conhecimento organizacional. In: ENCONTRO LUSO-BRASILEIRO DE ESTRATÉGIA – ELBE, 2., 2008, ISCTE, Lisboa.

бошқалар билан бўлишишни ўз ичига олган муносабатлар сифатида қаралади<sup>138</sup>.

Ҳамкорлик бир неча сабабларга кўра тузилиши мумкин. Мазкур йўналишда амалга оширилган тадқиқот натижаларига кўра ҳамкорликка олиб келадиган бир неча сабаблар мавжуд<sup>139</sup>:

➤ янги бозорларга чиқиш хавфи ва харажатларини камайтириш молиявий ресурсларни ва кадрлар улушини кучайтириш;

➤ операцион ҳаракатлар кўламини кенгайтириш, каттароқ миқёсдаги компаниялар ёки гуруҳларга қўшилиш орқали кичик корхоналарни халқаро бозорларга чиқиши;

➤ салоҳият ва билимларга эга бўлиш;

➤ маҳсулот ва хизматни самарали тарқатиш каналларидан фойдаланиш;

➤ янги маҳсулот ёки хизматларни яратиш;

➤ самарадорликни юқорироқ даражасига эришиш.

Юқорида кўриб ўтилганидек шериклик корхоналар фаолиятида ижобий натижаларга эришишга ёрдам беради, аммо уни муваффақиятли амалга оширишга қатор омиллар таъсир остида бўлади. Тадқиқотларни кўрсатишича қуйидаги омиллар шерикликни муваффақиятини таъминлашга хизмат қилади<sup>140</sup>:

1) эришилиши лозим бўлган мақсад бўйича кучли тасаввурга эга бўлиш;

2) кучли ва умумий раҳбарлик;

3) муаммо бўйича тушунча ва ёндашув;

4) тенг ҳуқуқлилиқ,

5) ўзаро боғлиқлик ва бир-бирини тўлдириш,

6) жавобгарликни тақсимлаш,

8) жараёнга эътибор,

---


<sup>138</sup> KERNAGHAM, K. Partnership and public administration: conceptual and practical considerations. Canadian Public Administration, v.36, p.57-76, 1993.

<sup>139</sup> RIEGE, A.; PERRY, C.; GO, F. Partnerships in international travel and tourism marketing: a systems-oriented approach between Australia, New Zealand, Germany and the United Kingdom. Journal of Travel & Tourism Marketing, v.11, n.1, p.59-77, 2001.

<sup>140</sup> SPINK, L.; MERRILL-SANDS, D. Successful collaborative partnerships: key elements and self-assessment inventory. Organizational Change Briefing Note, Simmons Institute for Leadership and Change, Simmons College, Boston MA, n.5, p.1-17, 1999.

- 7) алоқада бўлиш имкониятлари,
- 8) аниқ қарор қабул қилиш жараёни,
- 9) ишонч ва мажбурият ва
- 10) кредит ва тан олиш.

Юқорида келтирилган элементлар ўзаро боғлиқ бўлиб, қуйидаги 3.2.1-расмда кўрсатилгандек, уларни муваффақиятли амалга ошириш очик ва ишончли муҳитни яратиш ва ривожлантиришга имкон беради.



3.2.1-расм - Муваффақиятли ҳамкорликнинг зарурий элементлари<sup>141</sup>

Одатда бир хил бозор учун агрессив рақобатлашадиган, аммо ушбу рақобатбардошликни кучайтириш учун ҳамкорликнинг афзалликларини кўра

<sup>141</sup> SPINK, L.; MERRILL-SANDS, D. Successful collaborative partnerships: key elements and self-assessment inventory. Organizational Change Briefing Note, Simmons Institute for Leadership and Change, Simmons College, Boston MA, n.5, p.1-17, 1999. Асосида муаллиф томонидан такомиллаштирилди

оладиган, тушунадиган корхоналар ўртасида кўплаб стратегик шериклик муносабатлари шаклланади<sup>142</sup>.

ДХШлик бугунги кунда шерикликнинг самарали ҳамда синергетик самарага эришишга хизмат қиладиган механизми ҳисобланади. ДХШ механизмидан фойдаланиш қатор имтиёзларни вужудга келтиради<sup>143</sup>:

*Харажатларни пасайтириш* – ДХШ билан ҳукуматлар нафақат капитал лойиҳаларни амалга ошириш, балки ундан ҳам муҳими, хизматлардан фойдаланиш ва техник хизмат кўрсатишда харажатларни тежашга қодир;

*Хатарларни тақсимлаш* – ДХШ асосида ҳукумат хатарларни хусусий шерик билан бўлишиши мумкин. Хатарларга ортиқча харажатлар, хизматни тақдим этиш муддатида бажармаслик, атроф-муҳит қоидаларига риоя қилишдаги қийинчилик, даромад, жорий ва капитал харажатларни тўлаш учун етарли бўлмаслиги хавфи киради;

*Хизмат кўрсатиш даражаларини яхшилаш ёки амалдаги хизмат даражаларини сақлаш* – ДХШлар хизматни ташкил қилиш ва амалга оширишда йўналишларига янгилик киритишига имконият яратади.

*Даромадни яхшилаш* – ДХШлар маълум бир хизмат учун ҳақиқий харажатларни акс эттиради, фойдаланувчи учун тўлов миқдорини тўғри белгилашга ёрдам беради. ДХШ, шунингдек, анъанавий хизмат кўрсатиш усуллари орқали бошқача тарзда мавжуд бўлмайдиган инновацион даромад манбаларини жорий этиш имкониятини тақдим этади;

*Самарадорликни ошириш* – самарадорликни яратиш, куриш, сотиб олиш ва ижара муносабатларида эгилувчанликни таъминлаш, самарали молиялаштириш йўналишларини тезда тасдиқлаш, қарор қабул қилиш каби қатор тадбирларни бирлаштириш орқали ошириш мумкин;

*Бошқа иқтисодий имтиёзлар* – давлатнинг хусусий шериклик сиёсатидаги улкан иштироки хусусий секторга ёрдам бериши ва

---

<sup>142</sup> WTO –World Tourism Organization. Public-private sector cooperation – enhancing tourism competitiveness. Madrid, 2000.

<sup>143</sup> KIM, D.; KIM, C.; LEE T. Public and private partnership for facilitating tourism investment in the Apec Region. APEC Tourism Working Group (TWG) & Ministry of Culture and Tourism, Republic of Korea, Asia-Pacific Economic Cooperation, 2005.

рағбатлантириши ҳамда бандлик ва иқтисодий ўсишни кўпайишига ёрдам бериши мумкин.

ДХШ механизми асосида муносабатларни шакллантириш ижобий ҳолатлар билан бир қаторда ўизга хос бўлган салбий ҳолатларни ҳам келтириб чиқариши мумкин. Ушбу ҳолатларни қуйида келтирилган хатарлар сифатида қараб чиқиш мумкин<sup>144</sup>:

*Давлат назоратини йўқотиш* – ДХШ ўз хусусиятларига кўра хатарлар тақсимлаш ва шериклар ўртасида қарор қабул қилишни назарда тутати. Сармоялар ва хатарлар ўз зиммасига олишда хусусий шерикнинг ҳиссасини катта бўлиши хизматлар тақсимоти ва нархини белгилашда хусусий шерикнинг қарор қабул қилишдаги устунлигини таъминлайди;

*Харажатлар юқор бўлиши* – хизмат учун нархлар ва тўловлар сиёсатини белгилашда барча ҳукуматлар хизмат кўрсатиш учун «ҳақиқий» харажатларни ҳисобга олмайдилар. ДХШ орқали тақдим этиладиган хизмат бутун харажатларни акс эттиради нарх ва солиқ сиёсатини талаб қилади;

*Сиёсий хатарлар ва ишчи кучи масалалари* – Кўпгина ҳукуматлар ДХШ бўйича тажрибага эга бўлмайдилар, ҳукумат ва манфаатдор томонларнинг ДХШ билан танишиш даражаси катта сиёсий хатарларга олиб келиши мумкин. ДХШда қўлланиладиган жамоавий шартномалар ва меҳнат тўғрисидаги қонунлар қасаба уюшмалари ёки давлат хизматчиларининг норозилигига сабаб бўлиши мумкин;

*Масъулият масалалари* – ДХШларда хизмат кўрсатиш учун жавобгарлик анъанавий усулга қараганда жамоатчилик учун камроқ бўлиб, бу жамоатчиликни шериклик ва алоқадор шерикнинг танқидига олиб келиши ёки жамоатчилик талабларига мувофиқ жавобни таъминлаш учун ҳукуматнинг катта иштирокини талаб қилиши мумкин;

---

<sup>144</sup> KIM, D.; KIM, C.; LEE T. Public and private partnership for facilitating tourism investment in the Apec Region. APEC Tourism Working Group (TWG) & Ministry of Culture and Tourism, Republic of Korea, Asia-Pacific Economic Cooperation, 2005.

*Ишонсиз хизматлар* – хусусий шериклар меҳнатга оид низолар, молиявий муаммолар ёки ўз мажбуриятларни бажаришга ҳалақит қиладиган бошқа ҳолатларга дуч келишлари мумкин;

*Рақобатнинг етишмаслиги* – рақобат янгиликка, самарадорликка ва арзон нархларга олиб келади. Муайян йўналишда ДХШни ташкил қилиш бўйича ноу-хау қобилиятига эга бўлган потенциал хусусий шерикларни чекланганлиги, ҳукуматни ДХШдан самарали фойдалана олмаслигига сабаб бўлади;

*Сифат ёки хизмат самарадорлигининг пасайиши* – ДХШ шартномаларини тўғир тузилмаслиги хизмат сифатини пасайишига, самарасиз бўлишига олиб келиши мумкин;

*Танлов жараёнидаги мувозанат* – хизмат кўрсатишнинг одатий шакллари ҳукумат учун потенциал муаммоларни келтириб чиқариши мумкин, яъни улар таклифларни танлашда тарафкашликда айбланиши мумкин.

ДХШ туризмни ушбу йўналишдаги рақобатбардошликнинг бир қисми сифатида ривожлантириш учун қатор шаклларда ташкил қилиниши мумкин, яъни стратегияларни янгилаш ва воситалардан фойдаланиш асосида<sup>145</sup> айнан туризм соҳасидаги ДХШ механизмидан фойдаланиш имкониятларини тадқиқ қилишни мақсадга мувофиқ деб бидик.

Иқтисодиётни анъанавий тармоқларида иш ўринлари чекланганлиги сабабли ҳукуматлар томонидан туризм иқтисодий ривожланишга эришиш учун мумкин бўлган восита сифатида қаралмоқда. Шунингдек, туризмни ривожлантириш келажакда юзага келиши мумкин бўлган ҳажмни жалб қилиш ва қўллаб-қувватлашга қодир бўлган яхлит ҳудудий мақсадни ишлаб чиқаришга қодир<sup>146</sup>.

Бунда глобал тармоқлар сайёҳлик компаниялари учун жуда муҳим, чунки бу глобал мижозларни жалб қилиш ва дунё бўйлаб сайёҳлик бозорида

---

<sup>145</sup> ECLAC – Economic Commission for Latin America and the Caribbean. Tourism in the Caribbean competitiveness, upgrading, linkages and the role of public-private partnership (PPP) and public policy. United Nations, 2007.

<sup>146</sup> JACKSON, J.; MURPHY, P. Tourism destinations as clusters: analytical experiences from the New World. Tourism and Hospitality Research, v.4, n.1, p.36-52, 2002.

рақобатбардошликни сақлаб қолиш учун зарур бўлган туроператорлар, етказиб берувчилар ва компаниялар ўртасида мустахкам алоқалар мавжуд бўлишининг муҳим шартидир<sup>147</sup>. Шу нуқтаи назардан, кўплаб туризм соҳасидаги ҳамкорлик ушбу фаолиятнинг рақобатбардошлигини ошириш учун муҳим деб ҳисобланган давлат ва хусусий сектор билан шуғулланадиган турли томонлар ўртасида расмий шериклик алоқаларини ўрнатиш томон ривожланиб бормоқда.

Туристтик дестинация бу барча манфаатдор томонларнинг афзалликларини максимал даражада оширадиган тарзда туризмнинг таъсирини идрок этиш, шунингдек талаб ва таклифни бошқаришни имконини берадиган маълум бир аниқ географик ҳудудда тақдим этиладиган маҳсулотлар, хизматлар ва тажрибаларнинг бирлашиши ҳисобланади<sup>148</sup>. Ҳиссадорлар назариясини татбиқ этиши корхона бошқарувида ахлоқий масалаларини ошкор қилишни кераклигини талаб этади<sup>149</sup>.


Исталган туристик дестинация томонидан қабул қилинган маркетинг стратегиялари доимий манфаатдор томонларнинг истаклари ва умидларини, жумладан, доимий аҳоли, тадбиркорлар ва инвесторлар, сайёҳлар, туроператорлар, воситачилар ва бошқа гуруҳлар қизиқишларини инобатга олиши лозим. Табиий ресурслар каби давлат активларидан барча ҳиссадор томонлар манфаати учун фойдаланишни таъминлаш ва шу билан бирга келажак авлодлар учун ушбу ресурсларни сақлаб қолиш катта қийинчиликлардан ҳисобланади. Манфаатдор томонлар мавжуд манбалардан қисқа муддатли истиқболда фойдаланишда келишмовчиликлар тез-тез учраб туради. Шу нуқтаи назаридан туризмга оид манфаатдор томонлар ўртасидаги муносабатлар қараб чиқамиз (3.2.2-расмга қаранг).

---

<sup>147</sup> WTO –World Tourism Organization. Cooperation and partnerships in tourism: a global perspective. Madrid, 2003.

<sup>148</sup> BUHALIS, D. Marketing the competitive destination of the future. *Tourism Management*, v.21, p.97-116, 2000.

<sup>149</sup> ROBSON, J.; ROBSON, I. From shareholders to stakeholders: critical issues for tourism marketers. *Tourism Management*, v.17, n.7, p.533-540, 1996.



3.2.2-расм - Туризмда манфаатдор томонлар ўртасидаги муносабатлар<sup>150</sup>

Манфаатдорлар назарияси туризмни режалаштиришда меъёрий восита бўлиб, иштирок этувчи асосий томонлар ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилади. Ҳиссадорларнинг ўзаро алоқаси шерикликнинг муҳимлигини қатнашувчи турли гуруҳларни сафарбар қилиш ва ҳар бирининг манфаатларини самарали мувофиқлаштириш усули сифатида таъкидланади<sup>151</sup>.

Туризм соҳасидаги стратегик шериклик меҳмонхоналар ва умумий овқатланиш соҳаси, сайёҳлик ва туризмнинг бошқа соҳаларида кичик корхоналарни сақлаб қолиш учун калит вазифасини бажаради<sup>152</sup>. Ҳамкорлик тармоғини яратиш орқали келишувлар кичик бизнес учун қўлланилиши

<sup>150</sup> Муаллиф ишланмаси

<sup>151</sup> ROBERTS, L.; SIMPSON, F. Developing partnerships approaches to tourism in Central and Eastern Europe. In: BRAMWELL, B.; LANE, B. (Ed.). Tourism, collaboration and partnerships politics, practice and sustainability. [S.l.]: Channel View Publications, 2000. p.230-271.

<sup>152</sup> WITT, S.; MOUTINHO, L. Tourism marketing and management handbook. New York: Prentice Hall International, 1995.



мумкин. Ушбу келишувлар тармоқ ва туристик саноат билан боғлиқ бўлган нисбатлар ва халқаро миқёсдаги тенденциялар асосида пайдо бўлади.

Туристтик шериклик – бу илгари белгиланган ташкилий даража ва чегаралаган ҳудудда умумий коидалар, меъёрлар ва инфратузилмалардан фойдаланган ҳолда, интерактив жараёнда бирлашиш, туризмни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар бўйича ҳаракат қилиш ёки қарор қабул қилиш мақсадида икки ёки ундан ортиқ соҳалардаги туризмга қизиқиш билдирувчи ташкилотларнинг вакили бўлган автоном манфаатдор томонлар ўртасидаги ҳамкорлик ҳаракатидир<sup>153</sup>.

Туризм соҳасида ДХШ иштирокчиларининг функция ва мажбуриятлари қуйидагилардан иборат (3.2.1-жадвалга қаранг).

Турли хил фаолият йўналишларига кўра, шерикликни яратишга олиб келадиган асосий мақсадлар аниқланди. Қуйидаги жадвалда туристик манфаатдор томонларни ташкил этувчи турли томонлар томонидан шерикликни асослайдиган баъзи бир асослар келтирилган.

Минтақанинг сайёҳлик йўналишини ёшартиришни ДХШ механизми асосида рағбатлантириш мумкин, чунки фақат келажакни кўзлайдиган узок муддатли лойиҳалар орқали йўналишларнинг умумий рақобатбардошлиги таъминланади<sup>154</sup>.

Туризмни ривожлантиришда давлат ва хусусий сектор ўртасидаги шерикликка стратегик танлов сифатида алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу билан бирга, ушбу мавзу бўйича олиб борилган тадқиқотларда, асосан, бундай шерикликларнинг самарадорлиги тўғрисида бўшлиқ мавжуд. Шунинг учун туризм соҳасидаги ушбу ҳамкорлик шакллариининг муваффақият омилларини аниқлаш талаб қилинади<sup>155</sup>.

---

<sup>153</sup> LONG, P. Researching tourism partnership organizations: from practice to theory to methodology. In: MURPHY, P. (Ed.). Quality Management in Urban Tourism. Chichester: Wiley, 1997. p.235-251.

<sup>154</sup> WEIERMAIR, K.; PETERS, M.; FREHSE, J. Success factors for public private partnership: cases in alpine tourism development. Journal of Services Research, Special Issue, Feb. 2008.

<sup>155</sup> AUGUSTYN, M. Marketing tourism regions: effectiveness through cooperation. In: RICHARDS, G. (Ed.). Tourism in Central and Eastern Europe: education for quality. [S.l]: Tilburg University Press, 1996. p.261-274.

## Давлат ва хусусий шериклар вазифалари ва мажбуриятлари

Давлат сектори	Хусусий сектор
Туризм ҳақида тасаввурга эга бўлиш	Давлат ва маҳаллий даражадаги экологик ва ижтимоий муаммоларини англаш
Туризм учун қулай бўлган, яъни хусусий сектор учун капиталнинг эркин оқимини ва инвестициялашни осонлаштирадиган, барқарорлик ва фойда келтирадиган муҳитни яратиш	Туризм хизматларини ривожлантириш ва фойдаланиш учун малака ва молиявий имкониятлардан фойдаланиш истакларини ривожлантириш
Тегишли инфратузилмани таъминлаш ва уларга хизмат кўрсатиш	Одоб-ахлоқ ва адолатлилиқ асосида саноат стандартларини белгилаш ва фойдаланиш учун жамоавий жавобгарлик таъминлаш
Туризмнинг барқарор ривожланишини рағбатлантириш учун етарли шарт шароитларини яратиш	Туризм соҳасини барқарор ва мутаносиб ривожлантириш учун маданият, дин, урф-одат, анъаналар ва атроф муҳитни муҳофаза қилишга ҳисса қўшиш
Рағбатлантириш билан бир қаторда хусусий секторга кўмак бериш, қулай шароитлар яратиш ва хизмат кўрсатиш	Маҳаллий жамоатчиликни туризмни ривожлантиришга жалб қилиш ва берилган имтиёзлардан қониқишларини таъминлаш
Мослашувчан меҳнат қонунчилигини таъминлаш	Хизмат кўрсатиш сифатининг юқори даражасига эришиш учун касбий меҳнат кўникмаларини ривожлантириш бўйича чоратadbирлар ишлаб чиқиш
Доимий равишда тартибга солиш ва адолатли солиқ сиёсатини таъминлаш	Туристлар хавфсизлиги ва фаровонлигини таъминлаш учун ҳукумат билан ҳамкорлик қилиш
Табий, иқлимий, тарихий-маданий ва ижтимоий муҳитни муҳофаза қилиш учун манфаатдор томонлар билан келишиш асосида тартибга солувчи моделни ишлаб чиқиш	Туризм бўйича илмий, оммабоп ва социологик тадқиқотларни ривожлантириш ва статистик маълумотлар базасини яратиш
Маҳаллий аҳоли учун иш ўринлари ва даромад манбаларини яратиш, фаровонлигини таъминлаш	Фаолият самарадорлиги, туризм маркетинги ва хизмат кўрсатиш сифатини оширишда технологиялардан фойдаланиш
Хусусий сектор билан бирга инвесторларни туризм саноати ва бозорлар ҳолати тўғрисидаги маълумот билан таъминлаш, уларни бозор ўзгаришларини идрок этиш ва тушуниши учун тадқиқотлар ўтказиш	

**Ҳамкорлик алоқаларини яратиш мақсадлари**

<b>Маҳсулотлар</b>	<b>Маркетинг ва сотиш</b>
Ресурсларни қадрлаш ва сақлаш	Туристик дестинацияни тасвирлаш
Сифат стандартларини ўрнатиш	Маркетинг самарадорлигини ривожлантириш
Аттракционлар, истироҳат боғлари ва меҳмонхоналарни ривожлантириш	Бозорларнинг қамров даражасини кенгайтириш
Инновацион дастурларни ишлаб чиқишда техник ёрдам кўрсатиш	Интернетни ҳисобга олган ҳорда маркетинг ва электрон тарқатишни қўллаб-қувватлаш
Жамиятнинг иқтисодий фаровонлигига ҳисса қўшиш	Кўргазмаларда қатнашишни қўллаб-қувватлаш
Туризмнинг барқарор ривожланишини таъминлаш	Маркетинг дастурларида ҳамкорликни қўллаб-қувватлаш
Инвестиция тўсиқларини енгиб чиқиш	Янги бозорларга кириш
Истеъмолчиларни ҳимоя қилиш	
Рақобатга дуч келиш	
<b>Тадқиқот ва технология</b>	<b>Инфратузилмалар</b>
Тадқиқот методологиясини ва миқдорий таҳлилини таъминлаш	Йўллар, транспорт инфратузилмаси ва асосий хизматларни ривожлантириш
Туризм сунъий йўлдош ҳисобини шакллантириш	Аҳоли саломатлиги ва санитария ҳолатини таъминлаш
Технологик ишланмаларга кўмаклашиш	Хавфсизликни таъминлаш
	Алоқа тизимларини ривожлантириш
<b>Кадрлар бўлими</b>	<b>Молиялаштириш</b>
Сифат ва хизмат меъёрларини ишлаб чиқиш	Инвестиция ва маблағга эга бўлиш
Тренинг ва таълим дастурларини таклиф қилиш	Давлат инвестицияларига кўмаклашиш
Унумдорлик ва инновацияларни ривожлантириш	Бошланғич инвестицияга эга бўлиш

Ҳамкорлик муваффақиятига таъсир қилувчи омилларни аниқлаш уни таҳлил қилиш ва ушбу турдаги ҳамкорлик кўламини тўлиқ англаш учун муҳимдир. Шу маънода, биз мажбуриятларни қабул қилган субъектларга ДХШ яратишга, туризм соҳасида ҳамкорликни қўллаб-қувватлаши ва қўллаб-қувватлаши керак бўлган тамойилларни тезроқ ва тўғри идрок этишга имкон берадиган омиллар рўйхатини тақдим этмоқчимиз.

Туризм соҳасидаги ДХШ алоқаларини бошқаришда баъзи муваффақият омиллари келтирилган<sup>156</sup>:

<sup>156</sup> WTO – World Tourism Organization. The future of small and medium-sized enterprises in European tourism faced with globalization. Madrid,

➤ вазифаларни тақсимлаш ҳамда жавобгарликнинг мувозанатли тузилмаси;

➤ умумий ва аниқ белгиланган мақсадлар, реал кутишлар ва ҳар икки томоннинг афзалликларини аниқлаш асосида иккала томон ўртасида етакчилиқни тақсимлаш;

➤ ҳар бир шерикнинг эҳтиёжларини англаган ҳолда ДХШда қандай улушда қатнашишини белгилаш;

➤ барча шерикларнинг туризмни ривожлантириш иқтисодий, шу билан бирга ижтимоий ва экологик нуқтаи назардан барқарор бўлиши кераклиги тўғрисида хабардорлигини таъминлаш;

➤ стратегик қараш ва режалаштиришни аниқ қисқа муддатли мақсадлар билан ўлчаш имкониятини бирлаштирган узоқ муддатли мажбуриятларни ишлаб чиқиш;

➤ ҳар бир шерик томонидан бажариладиган вазифалар самарадорлигини даврий баҳолаш;

➤ ҳамкорлар ўртасида ва шериклардан барча манфаатдор томонларга тўғри ва самарали алоқа.

Тадқиқотлар натижаларига кўра туризм соҳасидаги ДХШни бошқаришда муваффақиятнинг муҳим омиллари қуйидагиларни ўз ичига олади<sup>157</sup>:

➤ эксперт тажрибаси;

➤ асосланган мақсадлар мақсадлар,

➤ шерикликни ривожлантириш таркиби,

➤ шериклик ҳаракатларининг самарадорлиги ва фойдалилиги

➤ шерикликнинг барқарорлиги.

Ушбу ҳамкорлик учун катта аҳамиятга эга бўлган бошқа муҳим муваффақият омиллари қуйидагилардир<sup>158</sup>:

---

<sup>157</sup> KIM, D.; KIM, C.; LEE T. Public and private partnership for facilitating tourism investment in the Apec Region. APEC Tourism Working Group (TWG) & Ministry of Culture and Tourism, Republic of Korea, Asia-Pacific Economic Cooperation, 2005.

<sup>158</sup> AUGUSTYN, M. Marketing tourism regions: effectiveness through cooperation. In: RICHARDS, G. (Ed.). Tourism in Central and Eastern Europe: education for quality. [S.l.]: Tilburg University Press, 1996. p.261-274.

➤ шериклик асосида ўрнатиладиган келишувнинг расмийлиги, содда ва қонуний талабларга асосланган бўлиши;

➤ мақсадларни аниқ белгилаш - хусусий сектор манфаатларини акс эттирувчи аниқ мақсадларнинг етишмаслиги потенциал компанияларнинг шериклик мақсадларига эришиш мажбуриятини пасайтириши;

➤ ташкилий тузилма – шериклик самарали ахборот тизими ва қўллаб-қувватлаш тармоғини яратишни талаб қиладиган самарали равишда мувофиқлаштиришга асосланиши лозим.


Ҳамкорликнинг муваффақияти учун ижтимоий тармоқлардан олинган маълумотларнинг аҳамиятлилиги жуда муҳимдир. Ҳар қандай шериклик муваффақиятининг калити, ўзаро бизнес муносабатларини ташкил этишини тан олишга асосланади, бунда аъзолар ҳар қандай муваффақият ёки мағлубият учун хавф, муқофот ва жавобгарликни тақсимлашади.

Ҳамкорликнинг муваффақиятига таъсир қилиши мумкин бўлган муҳим омилларни аниқлаш уларнинг муваффақияти учун жуда аҳамиятлидир. Бунда шерикликни шакллантириш ва ташкил этиш, ушбу тузилиш ва уларнинг ташкилий тузилишининг мақсадлари каби масалаларга ёндашув муҳимдир.

Фикримизча, муваффақиятли минтақавий ривожланишга ҳисса қўшиш учун ДХШни концептуал моделини тақдим этиш, келажакдаги географик ва вақтинчалик таққослаш, минтақавий амалий тадқиқотлар учун ёрдам сифатида хизмат қилади.

Таклиф этилаётган модел туристик манфаатдор томонларнинг ўзаро алоқалари тармоғидан (туризм соҳаси, туроператорлар, маҳаллий ҳокимият идоралари, сайёҳлар, давлат сектори ва ҳукумат, университетлар ва ҳамжамият) туристик детинациянинг ДХШ билан ўзаро алоқалари тармоғидан иборат бўлган марказий нуқтага эга. Мақсадлар маҳсулот, инфратузилма, инсон ресурслари, маркетинг ва тарғиб қилиш, молиялаштиришга асосига қурилади. Муваффақиятнинг муҳим омиллари келишувларнинг расмийлиги, мақсадларни аниқ белгилаш, ташкилий тузилиш, етакчилик ва мослашувчанлик, ижтимоий тармоқлар ва шериклик фаолияти

самарадорлигига асосланади. Модел ўзаро ҳамкорликдаги туризм тизимини акс этиради. Агар турли хил муносабатлар ва ўзгарувчилар ўртасида уйғунлик мавжуд бўлса, ушбу жиҳатлар шериклик муваффақиятига шунингдек, туристик йўналишнинг минтақавий ривожига ёрдам беради(3.2.3-расм).



3.2.3-расм. Минтақавий ривожланишда ДХШ асосида туристик салоҳиятни бошқаришнинг концептуал модели<sup>159</sup>

<sup>159</sup> Муаллиф ишланмаси

3.2.3-расмда минтақавий туристик йўналишни ривожлантириш давлат ва хусусий шериклик алоқаларининг назарий концептуал модели келтирилган.

Ҳамкорликни ўрганиш бўйича кўплаб ёндашувлар мавжуд бўлиб, улар турли нуқтаи назарлар асосида ўрганилиши мумкин. Муҳим аҳамиятга эга бўлган концепция шундан иборатки, ҳамкорликнинг ички ва ташқи кучларга жавобан динамик тарзда ривожланади. Ҳамкорликка олиб борадиган асосий омил, давлат ёки хусусий секторнинг барча шериклари, ресурслар ва мақсадларни биргаликда ишлатишдан фойда кўришни исташларига боғлиқ. Тадқиқот натижалари шерикликнинг аҳамиятини туризм соҳасининг барқарор ривожланишини таъминлаш усули сифатида ўзини аниқ ва равшан нарса сифатида намоён этишини асослайди. Шу билан бирга, шериклик алоқаларини яратиш ва ташкил этишдаги катта қийинчиликлар ва тўсиқлар ҳам инкор этилмайди.

Ҳамкорликнинг муваффақияти учун асосий таҳдидлар, одатда, потенциал аъзоларнинг бир-бирлари ҳақидаги тасаввурлари ва улардаги ташкилий тузилиш билан боғлиқ. Худди шу нуқтаи назардан қараганда, муваффақиятли ҳамкорликнинг муҳим омилларини аниқлаш, ушбу ҳамкорлик усулини яратиш ва сақлаш учун яхши амалиётга ҳавола сифатида тўғри ҳамкорликни бошқариш учун катта аҳамиятга эга эканлиги аниқланди.

Бу ерда таклиф этилаётган ДХШ концептуал модели минтақавий ривожланишга ҳисса қўшади, рақобатбардош ривожланишнинг бўшлиқлари ва салоҳиятларини аниқлашга ёрдам беради, бу уларнинг ваколатли субъектлари томонидан бошқариш вазифаларига ёрдам беради.

### **§3.3. Фарғона вилояти туристик салоҳиятини ривожлантиришни бошқаришнинг истиқбол кўрсаткичлари**

Фарғона вилояти юқори туристик салоҳиятга эга бўлган, туризмни ривожлантириш учун мос табиий-иқлим шароити мавжуд ҳамда азалда соғламлаштириш, ререацион туризм ривожланган, ушбу йўналишдаги туризмни ривожлантириш учун етарли даражада ресурсга эга бўлган ҳудудлардан бири сифатида танилган. Бироқ тадқиқотларимиз натижаларига кўра вилоятда туризмни ривожланиш даражасини мавжуд салоҳиятга нисбатан етарли даражада дейиш қийин. Бошқа томонда эса вилоятда туристик салоҳиятни ошириш бўйича ишлар ҳам талаб даражасида эмас натижада баъзи кўрсаткичла ривожда салбий тенденцияларни кўрсатишимиз мумкин. Вилоятда туристик салоҳиятни пасайишида уч хил ҳолатни кузатиш мумкин, яъни биринчида маълум бир йўналишдаги туристик ресурслар сонини камайиши, иккинчидан туристик ресурслар сонидан кейинги даврларда ўзгаришсиз қолиши натижасида бошқа ҳудудларга нисбатан ҳамда мамлакатдаги туристик салоҳиятни пасайиши, учунчидан туристик ресурсларни мамлакатда ўсиш темпига нисбатан паст даражаларда ўсиши натижасида вилоятнинг жами мамлакатдаги улушини пасайиши кабилардир.

Биз юқорида таҳлил қилинган кўрсаткичлар орасидаги боғлиқлик даражасини регрессион таҳлил усулидан фойдаланган ҳолда баҳолаб ўтамиз. Ушбу таҳлилни амалга ошириш учун панел маълумотларидан фойдланилади, яъни 2017-2021йиллар маълумотлари вилоятдаги мавжуд 4 шаҳар ва 5 туман кесимида олиб қаралади. Натижада таҳлил амалга ошириши жараёнида жами кузатувчлар сони 76 тани ташкил қилади. Амалга оширилган регрессион таҳлил натижаларини қуйидаги 3.3.1-жадвалда келтириб ўтдик.



**Фарғона вилояти ҳудудий бирликларида туристик фаолиятни амалга оширувчи фирма ва ташкилотларнинг туристик салоҳиятни оширишга таъсири регрессион таҳлили натижалари<sup>160</sup>**

№	Моделнинг математик кўриниши	t-статистика	R <sup>2</sup>
1.	$H_a = 6,49 + 0.79 * t_f$	b <sub>0</sub> =2,4 b <sub>1</sub> =3,5	R <sup>2</sup> =0,38
2.	$H_r = 128,8 + 9.1 * t_f$	b <sub>0</sub> =2,5 b <sub>1</sub> =2,3	R <sup>2</sup> =0,22
3.	$H_p = 267,57 + 18,0 * t_f$	b <sub>0</sub> =2,6 b <sub>1</sub> =2,2	R <sup>2</sup> =0,22

Бу ерда:  $t_f$  - Туристтик фаолиятни амалга оширувчи фирма ва ташкилотлар сони, бирлик;  $H_a$  - Меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситалари сони, бирлик;  $H_r$  - номер (хоналар) сони;  $H_p$  – жойлар сони;

Регрессион таҳлил натижаларига кўра туристик фаолиятини амалга оширувчи фирма ва ташкилотлар сони билан хизмат кўрсатилган ташриф буюрувчилар сони боғлиқлигини ифодаловчи коэффицент адекват эмаслиги аниқланди. Шу сабабдан мазкур модел натижаларига келтирилмади. Юқорида келтирилган 3.3.1-жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки ишлаб чиқилган моделларнинг коэффицентлари Стьюдент мезони бўйича адекват, бироқ детерминация коэффицентини бироз кичик қийматга эга эканлигини кўришимиз мумкин.

Шундай бўлишига қарамасдан биз юқорида келтирилган модел натижаларидан хулосалар чиқаришда фойдаландик, чунки бу каби маълумотлар бўйича моделлаштиришни амалга оширилганида детерминация коэффицентини кичик қийматга эга бўлиши табиий ҳол ҳисобланади. Туристтик фаолиятни амалга оширувчи фирма ва ташкилотлар сони, бирликка ошиши меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситалари сони 0.79 бирликка, улардаги мавжуд номер (хоналар) ва жойлар сонини мос равишда 9,1 ва 18,0 бирликка оширишга хизмат қилади.

<sup>160</sup> Муаллиф ишланмаси.

Бироқ бошқа томондан уларга жойлаштирилган шахслар сони билан туристик фаолиятни амалга оширувчи фирма ва ташкилотлар сони орасида боғлиқликни ифодаловчи коэффициент ҳам мезонларга кўра адекват эмаслиги аниқланди. Таҳлил натижаларини кўрсатишича туристик фаолиятни амалга оширувчи фирма ва ташкилотлар сонини ошиши минтақадаги мавжуд туристик салоҳиятни оширишга хизмат қилмоқда аммо ташриф буюрувчилар ва меҳмонхоналарга жойлашувчилар сонига таъсири кузатилмаяпти. Ушбу натижалар юқорида келтирилган хулосаларимизга уйғун бўлиб, вилоятда туристик фаолиятнинг миқдорий кўрсаткичлари ошмоқда, бироқ сифат кўрсаткичларида ўзгариш сезилмаяпти ёки уларнинг пасайиши кузатилмоқда.

Натижада кейинги даврда вилоятда туристик салоҳиятнинг ошиши, шунингдек туристик хизматларни ифодаловчи сифат кўрсаткичларини камайиш тенденцияси кузатилмоқда. Бу эса ўз навбатида вилоятнинг республикадаги туристик салоҳиятини пасайишига сабаб бўлмоқда. Буни инобатга олган ҳолда биз кейинги даврда вилоят туристик салоҳиятидан қандай ўзгариши ва унинг мамлакат миқёсидаги улишини прогноз кўрсаткичлари асосида қараб чиқмоқчимиз.

Келтирилганларни ҳисобга олган ҳолда тадқиқотимизнинг мазкур қисмида вилоятда туристик салоҳиятни ифодаловчи кўрсаткичлар тенденцияларини ўрганган ҳолда уларнинг миқдор ва сифат кўрсаткичларини прогноз қийматларини, ҳамда уларни янада самарали фаолиятни ташкил қилиш бўйича таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишни мақсад қилганмиз. Таҳлилларимиздан маълумки вилоятда санатория-курорт муассалари сони етарли даражада кўп бўлиб ушбу туристик ресурслар бўйича республикадаги улуши анча катта, бироқ камайиш тенденцияси кузатилмоқда. Хусусан 2015 йилда 24 фоизни ташкил қилган бўлса, 2020 йилга келиб 17 фоизгача пасайган. Бу каби кескин пасайишнинг асосий сабаби республика миқёсида мазкур туристик ресурслар сони ошиши таъминланган бўлса, вилоятда камайиши кузатилган. Мавжуд тенденцияни ўрганган ҳолда санатория-курорт муассалари республика ва Фарғона вилоятидаги сонини 2025 йилгача прогноз

кўрсаткичларини ишлаб чиқиб, вилоятнинг туристик ресурслар салоҳиятини қандай даражада ўзгаришини қараб чиқамиз (3.3.1-жадвалга қаранг).

### 3.3.1-жадвал

#### Фарғона вилоятида санатория-курорт муассалари сони қиёсий ўзгариши динамикаси<sup>161</sup>

	Ўзбекистон	Фарғона	Вилоятнинг республикадаги улуши
2015	174	41	24
2016	183	39	21
2017	193	41	21
2018	211	44	21
2019	211	36	17
2020	215	36	17
2021	229	36	16

Мазкур жавдал маълумотлари асосида вилоятдаги санатория-курорт муассалари улушини сақлаб қолиш ёки унинг ўзгаришини қатор сценарийларини қараб чиқмоқчимиз. Биринчи сценарий бўйича вилоятда санатория ва курорт муассалари сонини жорий ҳолатини ўзгартирмасдан сақлаб қолинган ҳолатни қараб чиқамиз, иккинчи сценарийда эса уни пасайиш тенденция давом қиладиган бўлса визият қандай ўзгаришини ўрганамиз.

Бунинг учун Ўзбекистон республикасида санатория-курорт муассалари сони прогноз кўрсаткичларини аниқлаймиз. Тадқиқотлар натижасида кейинги 6 йилда ушбу кўрсаткичнинг барқарор ўсиши кузатилган бўлиб, унинг вақтга боғли тренд моделини аниқлаймиз.

$$SQM_{o,t} = 167,1 + 8,8 * t$$

$$se = (4,8) \quad (1,2)$$

$$t = (34,8) \quad (7,1) \quad R^2 = 0,93$$

Бу ерда:  $SQM_{o,t}$  - Ўзбекистон Республикасида санатория-курорт муассалари сони;  $t$  – вақтни ифодалайди тренд.

<sup>161</sup> Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

Келтирилган натижаларга кўра моделнинг барча коэффицентлари Стьюдент мезонига кўра адекват ва ундан прогноз қийматларини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин. Детерминация коэффицентининг 0,93 га тенг эканлиги натижавий омил ўзгаришларининг 93 фоизи вақтга боғлиқ эканлигини асослайди.

Худди шу тартибда Фарғона вилоятидаги санатория ва курорт муассасалари сонини вақтга боғлиқ бўлган тренд моделини ишлаб чиққамиз. Аммо регрессион таҳлил натижаларига кўра ушбу моделда вақтга боғлиқликни ифодаловчи коэффицент адекват эмаслиги ва детерминация коэффицент ҳам 0.27 га тенг эканлиги аниқаланди. Бу каби натижалар прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқиш учун етарли эмаслигини инобатга олган ҳолда ARIMA (1 0 0) моделидан фойдаланган ҳолда прогноз қийматларини ишлаб чиқдик.

$$SQMF_t = 0.99 * SQMF_{t-1}$$

$$se = (0.0083)$$

$$t = (119,9) \quad R^2 = 0,95$$

*Бу ерда:  $SQMF_t$  – Фарғона вилоятида санатория-курорт муассасалари сони;*

Келтирилган ARIMA (1 0 0) модели коэффицентлари адекват ва детерминация коэффиценти ҳам катта бўлиб, мазкур моделдан фойдаланган ҳолда прогноз кўрсаткичларни ишлаб чиқиш мумкин.

Ушбу келтирилган моделлар асосида мамлакатимиз ҳамда Фарғона вилоятида санатория-курорт муассасалари сонини 2025 йилга қадар прогноз қийматлари аниқланди (3.3.2-жадвалга қаранг).

Аниқланган прогноз қийматларидан маълум бўлишича мамлакатимизда санатория ва курортлар сони динамикаси бугунги темпда ривожланиши таъминланса 2025 йилга бориб улар сони 264 тани ташкил қилгани 23 фоизга ошиши таъминланади. Вилоятда эса санатория ва курортлар сони ўзгаришида бақарорлик мавжуд бўлиб, ўсиш ва камайиш ҳолатлари кузатилмоқда, шунингдек айрим йилларда кескин ўсиш ёки пасайишни кўриш мумкин.

Бироқ умумий ҳолатда пасайиш тенденция мавжуд. Ўзгаришнинг анча беқарор бўлганлиги учун вилоятда санатория-курорт муассасалари сони бўйича ишлаб чиқилган тренд моделининг адекват эмаслиги аниқланди ва прогноз қийматларини ишлаб чиқиш учун аниқланган ARIMA (100) моделидан фойдаланилди. Натижада ушбу тенденция бўйича вилоятда санатория-курорт муассасалари сони 2025 йилга келиб 35 тани ташкил қилгани ҳолда мамлакатдаги улуши 13 фоизгача камайиши аниқланди.

### 3.3.2-жадвал

#### Фарғона вилоятида санатория-курорт муассасалари сони прогноз кўрсаткичлари<sup>162</sup>

	Ўзбекистон	Фарғона	вилоятининг республикадаги улуши
2022	237	36	15
2023	246	36	15
2024	255	35	14
2025	264	35	13

Агар вилоятда мавжуд курорт-санаториялар сони сақлаб қолинса унда вилоятнинг мазкур йўналишдаги туристик ресурслар бўйича улуши 17 фоиздан 14 фоизгача камаяди, агар камайиш тенденцияси давом этадиган бўлса, 13 фоизгача пасаяди. Фикримизча мавжуд шароитда вилоятнинг туристик салоҳиятини сақлаб қолишда санатория-курорт муассасалари сонини мавжуд ҳолатда сақлаб туриш ва улар фаолияти самарадорлини янада ошириш энг оптимал ечимлардан ҳисобланади.


Маълумотларга кўра 2015 - 2020 йилларда санатория-курорт муассасаларидаги ўринлар сони бўйича вилоятнинг улушини 24 фоиздан 17 фоизгача камайиши кузатилган бўлсада, хизмат кўрсатилган ташриф буюрувчилар сони бўйича 17 фоиздан 29 фоизгача ошганлигини кузатиш мумкин. Фикримизча вилоятда мавжуд санатория-курорт муассасалари мавжуд сонини сақлаб қолган ҳолда улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш соҳа ривожини таъминлашдаги муҳим ўйналиш ҳисобланади. Бунда

<sup>162</sup> Ўзбекистон Республикаси Статистик Қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.


ушбу объектларни ДХШ механизми асосида молиялаштириш йўлга қўйиш уларни моддий техник базасини замон талабларига мос равишда шакллантириш ҳамда улар фаолиятини фақат маҳаллий аҳолига хизмат кўрсатишга эмас балки хорижий туристларни жалб қилишга ҳам йўналтириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Тадқиқотларимиз натижаларига кўра туризм ривожини таъминлашда меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситаларини мавжудлиги муҳим омиллардан бири саналади. Хусусан, 3.3.1-жадвалда келтирилган жадвалда келтирилган моделлар натижаларидан маълумки, туристик фаолиятни амалга оширувчи фирма ва ташкилотлар сони билан меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситалари сони, улардаги номер (хоналар) ҳамда жойлар сони билан мусбат боғлиқлик мавжуд эканлигини кўриши мумкин.

Вилоятда ушбу йўналишда ижобий натижаларга эришилмоқда. Хусусан 2020 йилга келиб вилоятдаги 2015 йилдагига нисбатан 3,0 баробарга ошиши таъминлангани ҳолда унинг мамлакат миқёсидаги улушининг ҳам ижобий ўзгариш таъминланган, яъни вилоятнинг улуши 5,7 фоиздан 9,6 фоизгача ошган. Ушбу натижага эришишга вилоятда меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситалари сонини республикадагига нисбатан юқорироқ суръатлар билан ўсиши сабаб бўлган. Мазкур кўрсаткичлар бўйича ҳам прогноз қийматларини ишлаб чиққан ҳолда вилоятнинг мазкур йўналишда амалга оширилаётган чора-тадбирлари самарадорлигини қараб чиқамиз. Вилоятда меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситалари сони тренд моделини ишлаб чиқишда квадрат тенгламадан фойдаланиш ҳолати ҳам қараб чиқилди. Натижалар адекват эканлиги аниқланди фақат даражали функцияларда прогноз қийматларини ишлаб чиқишда муаммоларнинг мавжудлиги, хусусан вақт ошиб бориши билан кескин ўсиш ҳолатларини кузатилиши сабабли чизикли функциядан фойдаланишга қарор қилинди. Чунки таъкидланганидек квадрат тенглама асосида олинган прогноз қийматлари жуда қатта қийматларга эга бўлгани ҳолда реалликдан узоқлашиб борди.



**3.3.3-Ўзбекистон Республикасида  
меҳмонхона ва шунга ўхшаш  
жойлаштириш воситалари сонининг  
вақтга боғлиқлиги тренд модели**



**3.3.4-Фарғона вилоятида меҳмонхона ва  
шунга ўхшаш жойлаштириш воситалари  
сонининг вақтга боғлиқлиги тренд  
модели<sup>163</sup>**

Меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситалари сони республикада барқарор ўсиш тенденциясига эга бўлган, бўлса вилоятда юқори ўсиш суръатлари таъминланиб, анча беқарор эканлигини кўришимиз мумкин. Натижада иккала моделнинг детерминация коэффициентлари фарқи кўришимиз мумкин. Умуман олганда детерминация коэффициентлари етарли даражада юқори бўлиб, ушбу тренд модел асосида прогноз қийматларни ишлаб чиқишга имкон беради (3.3.3-жадвал).

### 3.3.3-жадвал

**Фарғона вилоятида меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш  
воситалари сонининг қийсий динамикаси<sup>164</sup>**

Йиллар	Ўзбекистон	Фарғона	вилоятининг республикадаги улуши
2015	633	36	5.7
2016	750	41	5.5
2017	816	48	5.9
2018	916	55	6.0
2019	1051	81	7.7
2020	1134	109	9.6
2021	1234	111	9.0
Тренд моделлар асосида прогноз кўрсаткичлари			
2022	1335	125	9.4
2023	1435	139	9.7
2024	1535	153	10.0
2025	1636	167	10.2

<sup>163</sup> Ўзбекистон Республикаси Статистик Қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

<sup>164</sup> Ўзбекистон Республикаси Статистик Қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

Тадқиқотлар натижаларига кўра республика ҳамда вилоятда мавжуд ўсиш тенденциялари сақланиб қоладиган бўлса 2025 йилга келиб вилоятнинг меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситалари сони бўйича улуши 9.6 фоиздан 10.2 фоизгача ошиши таъминланади. Бунинг учун вилоятда мавжуд меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситалари сони 109 тадан 167 тага етиши яъни 53.3 фоизга ошиши лозим бўлади.

Бошқа томондан қараганда 2020 йилда меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситаларидаги жойлар сони бўйича вилоятнинг улуши 6,6 фоизга етган яъни кейинги 5 йилда 1,6 бандга кўтарилган. Ташриф буюрувчилар сони бўйича улуши 3,2 фоиздан 3,4 фоизгача ошганлигини кўришимиз мумкин. Юқорида келтирилган маълумотларга кўра меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситалари сони бўйича вилоятнинг улуши катта бўлишига қарамасдан улардан фойдаланиш даражаси республика кўрсаткичига нисбатан анча пастлигича қолмоқда.

Амалга оширилган таҳлил натижаларига кўра кейинги даврда вилоятда туристик ресурслар сонининг анча беқарор ўзгаришга эга бўлганлиги, ҳамда улардан фойдаланиш самарадорлигига, истиқболли йўналишларга эътибор кам қаратилганлиги аниқланди. Хусусан, вилоятда санатория-курорт муассалари сони ва улардаги мавжуд ўринлар сони камайиш тенденциясига эга бўлмоқда, бироқ хизмат кўрсатилган ташриф буюрувчилар сонидан кескин ўсиш кузатилади. Бу эса бугунги кунда ўзининг бозори ҳамда истеъмолчисига эга бўлган туристик хизматларни, уларни учун зарур бўлган туристик ресурсларни ривожлантиришга етарли эътибор қаратилмаганлигини асослайди.

Бошқа томондан меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситалари сони ҳамда уларнинг республика кўрсаткичларига нисбатан улушини кескин ошиши кузатилган бўлишига қарамасдан, жойлаштирилган ташриф буюрувчилар сони анча беқарор бўлиб, ўзгариб турганлигини умумий ҳисобда республикага нисбатан улушда сезиларсиз даражадаги ўсишни кузатиш мумкин.



Санатория-курорт муассасалари ташкил этиш, сақлаш анча кўп молиявий маблағ талаб қилиши уларнинг ривожлантиришдаги асосий муаммолардан бири сифатида майдонга чиқмоқда. Буни каби муаммоларни бартараф этиш вилоятда туристик хизматлар ривожини таъминлашда ДХШ механизмидан фойдаланган ҳолда кенг миқёсда молиявий ресурсларини жалб қилиш муҳим йўналишлардан бири сифатида қаралмоқда.

### **III боб бўйича хулосалар**

Бизнинг фикримизча, мамлакатимизда санатория ва курортлар сони динамикаси бугунги суръатларда ўсиш таъминланса 2025 йилга бориб уларнинг сони 264 тани ташкил қилгани ҳолда 23 фоизга ўсиш таъминланади. Вилоятда эса санатория ва курортлар сони ўзгаришида бақарорлик мавжуд бўлиб, 2025 йилга келиб 35 тани ташкил қилади ёки республикадаги улуши 13 фоизни ташкил қилади.

Маълумотларга кўра 2015-2021 йилларда санатория-курорт муассасаларидаги ўринлар сони бўйича вилоятнинг улушини 21 фоиздан 14 фоизгача камайиши кузатилган бўлсада, хизмат кўрсатилган ташриф буюрувчилар сони бўйича 17 фоиздан 29 фоизгача ошганлигини кузатиш мумкин. Бу эса ушбу йўналишда ДХШ механизми асосида молиялаштириш механизмларини жалб қилиш амда улар фаолиятини фақат маҳаллий аҳолига хизмат кўрсатишга эмас балки хорижий туристларни жалб қилишга ҳам йўналтириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Республикаимиз ҳамда Фарғона вилоятида мавжуд ўсиш тенденциялари сақланиб қоладиган бўлса 2025 йилга келиб вилоятнинг меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситалари сони бўйича улуши 9,6 фоиздан 10,2 фоизгача ошиши таъминланади. Бунинг учун вилоятда мавжуд меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситалари сони 109 тадан 167 тага етиши, яъни 53,3 фоизга ошиши лозим бўлади.

Бошқа томондан қараганда 2021 йилда меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситаларидаги жойлар сони бўйича вилоятнинг улуши

6,6 фоизга етган яъни кейинги 5 йилда 1,6 бандга кўтарилган. Ташриф буюрувчилар сони бўйича улуши 3,2 фоиздан 3,4 фоизгача ошганлигини кўришимиз мумкин. Бошқа томондан эса, 2020 йилда жойлаштириш воситаларидаги жойлар сони бўйича вилоятнинг улуши кейинги 5 йилда 1.6 бандга кўтарилиб, республика улушида 6.6 фоизга етган. Ташриф буюрувчилар сони бўйича эса улуши 3.2 фоиздан 3.4 фоизгача ошган.

Хулоса қилиб айтганда, вилоятда туристик ресурслар сонининг анча беқарор ўзгаришга эга бўлганлиги, ҳамда улардан фойдаланиш самарадорлигига, истиқболли йўналишларга эътибор кам қаратилганлиги аниқланди. Хусусан, вилоятда санатория-курорт муассалари сони ва улардаги мавжуд ўринлар сони камайиш тенденциясига эга бўлмоқда, бироқ хизмат кўрсатилган ташриф буюрувчилар сонидан кескин ўсиш кузатилади. Бу эса бугунги кунда ўзининг бозори ҳамда истеъмолчисига эга бўлган туристик хизматларни, уларни учун зарур бўлган туристик ресурсларни ривожлантиришга етарли эътибор қаратилмаганлигини асослайди.

Бошқа томондан меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситалари сони ҳамда уларнинг республика кўрсаткичларига нисбатан улушини кескин ошиши кузатилган бўлишига қарамадан, жойлаштирилган ташриф буюрувчилар сони анча беқарор бўлиб, ўзгариб турганлигини умумий ҳисобда республикага нисбатан улушда сезиларсиз даражадаги ўсишни кузатиш мумкин.

Санатория-курорт муассасалари ташкил этиш, сақлаш анча кўп молиявий маблағ талаб қилиши уларнинг ривожлантиришдаги асосий муаммолардан бири бўлиб, кам молиявий маблағ талаб қиладиган барча туристик ресурслар сонидан ижобий ўзгариш таъминланган бўлишига ва талаб юқори бўлишига қарамадан санатория-курорт муассасалари сонидан камайиш кузатилган. Бу каби муаммоларни бартараф этишда вилоятда туристик салоҳиятни оширишнинг ДХШ механизмидан фойдаланиш ва катта молиявий ресурсларини жалб қилиш мумкин.

## ХУЛОСА

Минтақада туристик салоҳиятни оширишда давлат-хусусий шериклик механизмларини такомиллаштириш бўйича амалга оширган тадқиқотларимиз натижалари қуйидаги хулосаларни қилиш имконини берди:

1. Ўзбекистон Республикаси минтақаларида туризм соҳасини жадал ривожлантириш ва мавжуд туристик салоҳиятдан самарали фойдаланиш давлат сиёсатининг энг муҳим стратегик мақсадларидан бири бўлиб, тадқиқотда биз томонимиздан «умумий туристик салоҳият», «ҳудуд туристик салоҳияти» «туристик салоҳиятни бошқариш» тушунчалари аниқлаштирилди.

2. Фарғона вилояти туристик салоҳиятини оширишнинг ҳудудлар ва тармоқлараро илмий амалий омиллари ва йўналишлари аниқлангани ҳолда ушбу таклифни қўллаш асосида ҳудудда туризм соҳасининг самарали ривожланишига эришилди. Шунингдек, туристик салоҳиятни оширишга йўналтирилган асосий йўналиш сифатида вилоятнинг туман ва шаҳарларида кичик туристик ҳудудларни ташкил қилиш ва фаолиятини уйғунлаштириш сифатид эътироф қилинди. Ушбу тавсиянинг амалиётга жорий этилиши натижасида ҳудудда туристик салоҳиятнинг янада оширишга эришилди.

3. Фарғона вилояти туманларида туризмни ривожлантиришнинг, туристик салоҳиятни оширишнинг замонавий шаклларида бири бу агротуризм бўлиб – бу қишлоқ ҳудудларида ёки «туризм қишлоқ»ларида махсус ташкил қилинган дала ҳовли, қишлоқ уйлари, кўҳна услубда безатилган кичик меҳмонхоналарга жойлаштириб, баҳаво қадимий дарахтлар экилган ҳовуз бўйларида, махсус қадимий урф-одатлар билан танишиб, маҳаллий таом тайёрлаш, фермер хўжаликларида махсус мева, сабзавот ва полиз плантацияларида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ҳосилини териш, ишлов беришда бевосита иштирокни назарда тутувчи туризм шаклидир.

4. Бизнинг тадқиқотларимиз натижаларига кўра, вилоятнинг кўпгина туман (шаҳар)ларида ижтимоий, айниқса, тадбиркорлик ва айнан туризм инфратузилмаси етарлича шаклланмаганлиги боиси шу ҳудуднинг

хусусиятларидан инобатга олиб, туризмнинг «ўсиш нуқталари»ни аниқлаган ҳолда туристик салоҳиятни ошириш мақсадга мувофиқ.

5. Фикримизча, Фарғона вилоятида туристик салоҳиятни оширишнинг энг катта заҳиралари қишлоқ туманларида мужассамлашган бўлиб, истиқболли соҳаларидан бири сифатида агротуризмни илмий жиҳатдан асосланди. Шунингдек, Фарғона вилояти туманларининг ўзига хос туристик ресурслари, салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда эко, агро, этно, ов, спорт, тиббий, рекреацион, сафари, тоғ туризми каби шакллари хамда туризм маҳалласи ва қишлоқларини ташкил қилиш лозим.

Бундан ташқари, айнан Фарғона вилояти шароитида *агротуризм қишлоқлари, туризм маҳаллалари* ташкил қилиш ва унда асосан жойлаштириш воситалари сифатида махсус туризм талабларига мос ҳолда эски анъанавийликни сақлаган ҳолда таъмирланган ёки маҳаллий услубда безатиб, жиҳозланган *қишлоқ оилавий меҳмон уйлари, дала ҳовлилар*, намунавий лойиҳа асосида қурилган коттеж-уйларни олиш мумкин.

6. Шунингдек, туристик ресурслар ва салоҳият етарли бўлганлигини инобатга олган ҳолда Фарғона вилоятининг Шоҳирмардон мажмуасида ва бошқа тарихий ёдгорликлари атрофида пляж ва тоғ туризми, Қўқон ҳудудида гастрономик туризм ва рекреацион туризм зоналарини ташкил қилиш, Бешариқ, Олтиариқ, Қува туманларида туманларида эко, этно, агро туризм, Риштонда Арт туризмни ривожлантириш мақсадга мувофиқ.

7. ДХШ асосидаги туристик хизматлар кўрсатувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш ДХШ лойиҳаси бюджет самарадорлиги хамда тадбиркорлик фаолияти самарадорлиги кўрсаткичларини интеграллаш асосида такомиллаштирилди. Мазкур баҳолаш тартибини амалиётга жорий этиш натижасида ДХШ механизми асосида ҳудудларда туризм зоналарини яратиш бўйича чора-тадбирлар самарадорлигини ошириш имкони яратилди.

8. Фарғона вилояти ижтимоий-иқтисодий ривожланишида туризмнинг ҳозирги ҳолати, ташкилий-иқтисодий, ижтимоий-маданий омиллари, ички заҳира ва имкониятлари, шарт-шароитларини баҳолаш асосида ҳудудда

туризмни ривожлантириш тенденциялари ва йўналишлари таклиф этилди. Ушбу таклифнинг амалиётга жорий қилиниши вилоятда туризмни ривожлантиришнинг ички заҳираларидан фойдаланиш имкониятларини яратди.

9. Худудларнинг туристик салоҳиятини баҳолаш тамойиллари ва ёндашувлари асослангани ҳолда вилоятда хизматлар соҳасида туристик салоҳиятни баҳолаш усули такомиллаштирилди. Ушбу таклифнинг амалиётга жорий қилиниши худудларда туристик салоҳиятни баҳолаш бўйича ходимлар малакаларини ошириш имконини яратди.

